

Л. И. РЕЗНИКОВ

ФИЗИКА ЎҚИТИШДА ГРАФИК МЕТОД

ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

КАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН
РУСЧА ИККИНЧИ НАШРИДАН
ТАРЖИМА

I

I

I



„ЎҚИТУВЧИ“ МАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1965

СУЗ БОШИ

« Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкам-лаш ва СССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги Қонунда мактаб олдида қўйилган вазифалар ёшларга билим ва коммунистик тарбия бериш методларини такомиллаштиришни талаб қилади. Билим беришда турли методларнинг қўлланилиши ва бу методларнинг бир-бири билан узвий боғланиши ўқувчиларни турмушга тайёрлашга, уларнинг умумий ва политехник маълумотлари савиясини юксалтиришга, билим беришнинг меҳнат билан чамбарчас боғланишини амалга оширишга қаратилмоғи керак.

Бу жиҳатдан олганда оммавий мактабларда физика ўқитишда график методни жорий этиш тобора катта аҳамиятга молик бўлади.

График методдан, хусусан, физик процесслар ва қонуниятлар графикларидан фойдаланиш ўқувчилар билимининг пухта бўлишига жуда самарали таъсир кўрсатади ва уларнинг ишлаб чиқаришда ишлаши ва илмий-техник адабиётларни ўқишига, келгусида ўз маълумотларини мустақил оширишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг график саводхонлиги бундай тайёрланиш шартларидан бири эканлиги шубҳасиздир.

График методни қўллаш ва уни ўзлаштириб олишнинг катта амалий аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқ бўлган методик имкониятларга қарамай, физикадан ўрта мактаб учун нашр этилган ўқув қўлланмаларида графиклар ва тегишли машқ ҳамда масалалар жуда кам, баъзи қўлланмаларда эса улар деярли йўқ даражада. Улар бўлган ўқув қўлланмаларида ҳам графиклардан асосан механика бўлимида фойдаланилади. Физика курси бўйича график материал танлаш, айниқса миқдорий ҳисоблашларга доир график материал танлаш ўқитувчи учун кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир.

Шунинг учун физикани ўрганишда физик ҳодисаларни, процессларни ва қонуниятларни тўғри бурчакли координаталар системасида ёки қутб диаграммада график тасвирлаш ўрта мактабнинг ҳатто юқори синфларида ҳам камдан-кам бўладиган ҳодисадир.

Ушбу қўлланмани тузишда физика курсида график методни қўллашнинг мавжуд методик имкониятларини кўрсатиш, ўқувчилар билан ишлаганда бу методнинг турли формаларидан фойдаланиш методикасини йиш-лаб чиқиш, физика ўқитувчисига ҳажм жиҳатдан етар-лича кенг ва мазмун жиҳатдан турли-туман тайёр ўқув график материал бериш ҳамда график ясашга иложи борица ягона талаблар белгилаш мақсад қилиб қўйилди.

Графикларни ясашга, уларни «ўқиш»га, эрги чи-зиқларни анализ қилишга ва турли график машқларни бажаришга алоҳида эътибор берилди. Экспериментал йўл билан олинган физик процесс ёки қонуниятлар эгри чизикларининг анализини динамик нуқтаи назардан тушунтиришга кўп эътибор берилади. Қўлланмада бу-ди қандай қилиш кўрсатилган. Уқи-гувчи бу намуналар-га кўра қўлланмада кўрилмаган мисолларни ҳамана-лиз қила олади- Анализнинг қай даражада олиб бори-лиши ўқувчиларнинг физика ва математикадан олган билимларига боглиқ бўлади.

Мазкур китобнинг биринчи нашри «Физикадан гра-фик машқлар ва масалалар» номи билан (рус ва укра-ин тилларида) чиққан эди. Китобнинг бу нашрида эса физик масалаларни графиклардан фойдаланиб ечиш методикаси масалалари билан бирга умуман физика курсида график методдан фойдаланиш билан боглиқ бўлган методик масалалар янада кенгрок доирада ёри-тилган. -Бунда физика ўқитиш процессида график ме-тоднинг умумтаълим, политехник ва амалий аҳамияти-ни кўрсатишга, ўқувчилар билимини мустаҳкамлашда турли физик тушунчаларнинг шаклланиши ва ривожла-нишида график материалнинг ролини кўрсатишга, ил-мий тушунчаларни ифодалаш моҳияти жиҳатдан физика' ва математика курсларининг алоқасини кўрсатишга ҳа-ракат қилинган. Бу »а-шрда графикларни ясаш тартиби масалалари — масштаб танлаш, кўргазмаликнинг бошқа воситалари билан графикларни боғлаш ва шунга ўх-шашлар иложи борица тўла кўриб чиқилган.

Шунингдек, бу нашрда бундан аввалги нашрга нисбатан физика курсининг кўп бўлимларига доир график материал кўпайтирилди ва айланма ҳаракат, намлик, иссиқлик машиналар, ярим ўтказгичлар, ўзгарувчан ток, радио тўлқинларини қабул қилиш, радиоактивлик, атом тузилиши ва бошқалар бўйича янги параграфлар киритилди.

Жавоблар бўлими кенгайтирилди. Жавобларда кўп ҳоллардаги айрим графикларни яшаш методикаси келтирилди.

Математикага доир қўлланмаларда одатда ўқув материали эгри чизикларнинг турларига қараб классификация қилинади, бу қўлланмада эса фойдаланиш осон бўлсин учун ўқув материали ўрта мактаб физика курсининг бўлимлари ва темаларига қараб классификация қилинди.

Қўлланмада берилган график машқлар ва масалаларга нисбатан қуйидагиларни айтиш мумкин.

Кўпчилик физик масалаларни ечиш ва машқларни бажариш учун одатдагидек текисликдаги тенг ўлчовли турли тўғри бурчакли координаталар системасидан фойдаланиш зарур. Озгина ҳоллардагина логарифмик ва ярим логарифмик тўрлардан ҳамда кутб диаграммаларидан фойдалана билиш керак бўлади. Баъзи масалалар ўзаро бурчак ҳосил қилиб таъсир этувчи кучларни вектор ифодалаш ва энергетик диаграммалар тузиш билан боғланган.

Тайёр графикдан фойдаланганда ҳосил қилинган жавобнинг аниқлиги эгри чизик нуқталарининг координаталари ёки контур билан ўралган майдоннинг қай даражада аниқ топилганига боғлиқ, масаланинг шартларига кўра графиклар чизилганда эса бу графикларнинг қай даражада аниқ ясалишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам жавоблар (шунингдек, масалани ечишга доир кўрсатмалар) фақат ўқитувчи учунгина берилган. Бу жавобларга кўра ўқитувчи қар қайси ўқувчининг масалани ечишда эришган натижаси ҳақида фикр юритиши мумкин.

Ниҳоят, китобда берилган барча масалаларни ечиш шарт эмас. Курснинг турли темаларига масалаларни ўқитувчининг ўзи танлайди. Бунда, албатта, ўқувчиларда физикадан қайсп «Масалалар тўплами» борлигини ҳисобга олиш зарур ва график машқларни физик ту-

шунчаларни шакллантиришда, курснинг ҳар қайси темасини ўрганишда қўлланилаётган методикага мосравишда муайян системага киритиш керак.

Номерларига айланача қўйилган машқ ва масалалар физикага алоҳида қизиқувчиларга ва физика тўғраги ишларига мўлжалланган.

Қўпчилик машқ ва масалалар махсус ушбу қўлланма учун тузилган ва уларнинг жуда оз қисмигина мазмунан бошқа қўлланмалардан олинган.

Ушбу қўлланма ватанимиз ўқув-методик адабиётинда физика ўқитувчиси учун бундай қўлланма яратишга албатта, биринчи уриниш эмас. Шубҳасиз, бу ишни келгусида тобора кенгайтириш ва чуқуллаштириш зарур.

*

Л. Резников,

Физика курсида график метод

I боб ФИЗИКА ЎҚИТИШДА ГРАФИКЛАРНИНГ РОЛИ ВА ТУТГАН ЎРНИ

Кириш

§ 1. Мактаб физика курсида график методнинг умумтаълим ва политехник аҳамияти

I. Физика ўқитишнинг асосий методи экспериментал метод бўлгани 'у'У' физика методикасига доир кўпчи-лик қўлланмалар мактаб физика экспериментининг методикаси ва техникасини ишлаб чиқишга қаратилган. Бироқ шу билан бирга, бошқа методлардан ва баён қилиш усулларида, хусусан график методдан фойдаланиш ҳам ўқувчиларнинг физика асосларини маъносига ту-шунган ҳолда ўзлаштиришлари учун зарурий шарт ҳи-собланади. Физика дарсларида ва ўқувчининг уй ишида график методдан мустақил фойдаланиши физика билан математикани ўқув предметлари сифатида боғ-лашга ҳам самарали таъсир кўрсатади. Бу метод физик қонунларнинг тўғри бурчакли координаталар системасидаги графиклари ва диаграммаларидан тортиб номо-графияларгача, шунингдек, механикада (графостатика-да), термодинамикада, майдонлар ҳақидаги таълимотда, оптикада, атом гузилишида ва физиканинг бошқа соҳа-ларида ишлатиладиган геометрик яшашларгача бўлган турли график тасвирларни ўз ичига олади.

Табиийёт фанларида ўрганишда геометрик ва график методларнинг аҳамияти. ўқув мақсадларида бу методларни қўллашнинг педагогик жиҳатдан мақсадга муво-фиқлиги, ўқитиш практикасида улардан кенг фойдала-нишнинг психологик асоси ҳақида атоқли олимлар ва педагогларнинг турли асарларида кўрсатмалар бор. Ма-салан, Н. Е. Жуковский механика ўқитиш ҳақида: «агар динамиканинг шу вақтгача ҳал қилинмаган масалала-рини ечишда геометрия ролининг мустақиллиги ҳақида келишмовчиликлар бўлса ҳам, унинг механика ўқитиш-

даги юксак аҳамияти шак-шубҳасиздир... геометрик исботни аналитик исботдан афзал кўриш ҳар доим фойда келтиради»,¹ деб ёзган эди.

Физика ўқитишда график методдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асоси ўрта мактабда ўрганиладиган физиканинг маъмуни ва мегодларидан келиб чиқади. Физикада экспериментдан ташқари, тажрибаларнинг натижаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўрганилаётган ҳодисаларнинг назарий асосларини текшириш ва кўргазмали кўрсатиш қуроли сифатида график тасвирлардан кенг фойдаланилади. Ниҳоят, физика тараққиётининг айрим даврларида график ва геометрик тасвирлар ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бунга мисол қилиб, Фарадейнинг куч майдонини геометрик талқинловчи концепциясини, Аббенинг геометрик тасвирлар назариясига доир ишларини ва¹ бошқаларни келтириш етарлидир.

Курснинг баъзи бўлимларини ўрганишда физика ўқитишда график методнинг аҳамияти айниқса яққол кўринади. Иккита мисол устида қисқача тўхтаб ўтамыз.

1. Тебранма ва тўлқини процессларни график тасвирлаш аёнийликнинг методик воситаси бўлиши билан бирга, унинг чуқур физик маъноси ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам, бу процессларни спектрал баҳолаш ҳозирги вақтда тебранишларни ва тўлқинларни ўрганишда асосий услублардан биридир. Ҳозирги вақтда «спектр» тушунчаси фақат кўринувчи ёруғликкагина эмас, электромагнит нурлашнинг радиотўлқинлардан гортиб гамма-нурларгача бўлган барча турларига тегишлидир. «Спектрал усул» ҳозирги вақтда олтикадагина эмас, бутун тебранишлар назариясида умумий бўлиб қолди. Бу усул механикада, акустикада, электро - ва радиотехникада, масалан, товуш таркибини ўрганишда, электр занжирларда паст частотали ўзгарувчан ток характериини ўрганишда, радиосигналлар (импульслар) шаклини ўрганкаша, аппаратура ёки унинг айрим тугунлари хоссаларини тавсифлашда самарали қўлланилмоқда. Тебранишлар манзарасини тасвирловчи «спектр», «осциллограмма» тушунчалари ва мураккаб тебранишлар амплитудалари катталикларикинг частоталарга қараб

¹ Н. Е.

Асарларнинг тўлиги, гўплами, IX

М.—Л. 1937, 184—185- бетлар. ТоМ,

таксимланишини характерловчи «спектрограмма» гу-шунчаси физик ҳодисаларнинг бутун бир группаси учун маънога эгадир ва шунинг учун бу тушунчаларнинг кат-та умумтаълим аҳамияти бор. ,

Тебранишлар характерини тушунтириш ва улар-нинг, масалан, амплитуда, фаза, сўниш, модуляция, гар-моника, резонанс ва бошқалар каби спектрал баҳолаш билан боғлиқ бўлган физик тушунчаларнинг шакллани-ши ўқитиш практикасида физик эксперимент билан гра-фик тасвирларни узвий қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилиши керак. График тасвирларни ёзиб олиш учун турли мосламалар ишлатилади. Ўқитиш яр-актикасида тебранишларни ёзиб олишнинг механик, электрик, оптик усулларида кенг фойдаланиш тавсия қилинади, масалан, маятниклар тебранишини кум тў-кувчи асбоб ёрдамида ёзиб олиш, камертон тебраниши-ни курум босган шиша ёрдамида, оптик нур ёрдамида ва, ниҳоят, электрон осцилоскоп ёрдамида ёзиб олиш ва ҳоказо. Тебранишларни ёзиб олишнинг бир усулид қўллашдан иккинчи усулини қўллашга кетма-кет ўтиб бориш натижасида ўқувчилар электрон осцилоскоп ёр-дамида ўрганилаётган процессларни тушуниб оладилар. График равишда тасвирлаш бу ерда муҳим роль ўй-найди.

Тебранма ва тўлкин процессларнинг график тасвир-лари шу соҳада ишлатиладиган термйнология билан бе-восита боғлангандир. Уткир резонанс, фазавий силжиш, лампанинг характеристиканинг чизиқли қисмида ишла-ши, амплитудалар спектри ва бошқа қатор физик ту-шунчаларни графиклардан (албатта, экслериментдан ҳам) кенг фойдаланмасдан тушунтириш мумкин эмас десак бўлади. Баъзида узундан-узок муҳокамалар ўрни-да графиклардан фойдаланилади. Графиклар қўшимча ўқув материали бўлмай, балки ўрганилаётган масала-нинг моҳиятини аниқлаш воситаси бўлиб қолади.

2. Иссиқликҳодисалари ҳақидаги бўлимда газлар ва буғларнинг хоссалари, газ ва буғвинг исеиқлик двига-телларида бажарган иши, модданинг турли агрегат хо-латлардаги хоссалари ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ўрганилади. Умумтаълим ва политехник жиҳат-дан муҳим бўлган бу масалаларни ўрганиш мактаблар-да асосан графиклардан фойдаланмаган ҳолда олиб бо-рилади. Бирок газ қонуларининг фақат алгебраик

ифодасини бериш ва иссиқлик двигателларининг ишла-шини сўз билан тавсифлаб қўя қолиш, ҳатто, кўргазмали қуруллардан фойдаланилган ҳолда ҳам ўқувчиларнинг ўқув материални юзаки ва кўпинча формал ўзлашти-ришларига сабаб бўлишига ўқитувчилар бир неча бор ишонч ҳосил қилганлар. Ваҳоланки, график тасвирлар физика ўқитишни бу формализмдан халос қилган бў-лур эди.

Ҳақиқатан ҳам, «Молекуляр физика ва иссиқлик бўлимида газларда бўладиган процесслар, яъни изо-бар, изохор, изотермик ва адиабатик процесслар етарли-ча тўла очиб берилиши керак. Шунинг учун газ қонун-ларининг, масалан, Бойль-Мариотт, Гей-Люссак ва бошқалар қонунларининг графиклари чизилса ва ҳосил бўлган графиклар анализ қилиб чиқилса, юқорида кў-йилган методик масала ҳал қилинган бўларди. Газнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга турлича ўтишлари дина-мик ҳолда кўрсатилиши ва газ ҳолатининг ўзгариш процессини бир қарашдаёқ кўриш мумкин бўлиши му-химдир. Бунга графиклар ёрдамида эришиш мумкин. Демонстрацион экспериментда газ ҳолатининг ўзгариш тартибига мос равишда графикларни нукталарга кўра ясаб борилса, ўқитувчи баёнининг ҳар бир қадами хо-дисанинг рўй бериши билан табиий равишда мувофиқ-лариб/ боради. Экспериментни график билан бундай боғлаб олиб бориш ўқувчиларнинг фикрлашларини ри-вожлантиради.

Ўқувчиларнинг газлардаги процессларнинг график-лари ҳақидаги билимлари иссиқлик двигателларининг ишлашини ўрганишда цикллар ҳақидаги тушунчадан фойдаланишда ва циклнинг фойдали иш коэффициентини ҳақидаги тушунчани киритишда катта методик имкони-ятлар очиб беради.

Мактаб физика курсининг иссиқлик ҳақидаги таъли-мотида қўлланадиган график тасвирларни (термоди-намик диаграммаларни) икки гурпуага бўлиш мумкин. .1. Бир фазали система ҳолатининг ўзгаришларини тасвирловчи графиклар, масалан, изотерма, изохора, изобара, айланма процесс диаграммаси. Бу графиклар физик микдорларнинг сон кийматлари орасидаги функ-циовал боғланишларни характерлайди. *>

2. Фазовий диаграммалар, масалан, модданинг изо-термалари, эриш, қаДнаш ва сублимация эгри чизикла-10

ри. Бу график тасвирлар шу билан характерланадики, бунда диаграмманинг барча нукталари физик маънога эга бўлади, чизилган эгри чизик эса фазовий соҳалар орасидаги чегарани кўрсатади ва физик миқдорларнинг сон қийматлари орасидаги функционал боғланишни тасвирлайди.

Физик тушунчаларни шакллантиришда, масалан, модданинг критик ҳолатини тушунтиришда бу график тасвирлардан фойдаланиш методикаси ҳақида қуйида гапирилади.

II. Физикани ўрганиш процессида ҳодисалар орасидаги, физик жисмларнинг хоссалари орасидаги ўзаро боғланиш аниқланади. Уқувчиларга бу боғланиш ва физик ҳодисаларнинг бир-бирини юзага келтириши қанчалик тўлиқ ва аён очиб берилса, улар бу ҳодисаларни шунчалик чуқур ва пухта билиб оладилар. Бундай боғланиш, хусусан физик миқдорларнинг сон қийматлари орасидаги функционал боғланиш очилмаганда физиканинг ўқув фани сифатидаги умумтаълим қиммати ўз аҳамиятини йўқотади.

Уқитишда физик қонуниятларни ўрганиш бирор физик процессни қараб чиқиш билан боғлангандир. Масалан, эластик жисмга таъсир қилаётган нагрузкани тобора орттириб бориш билан жисм чўзилади ва унда эластик кучлар ҳосил қилинади ҳамда деформация вақтида юзага келувчи эластик куч чўзилишга тўғри пропорционалдир (Гук қонуни) деган хулоса чиқарилади. Бойль-Мариотт қонунини баён қилаётганда газни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказилади, яъни газнинг ҳажми ва, демак, босими бир неча марта ўзгартирилади. Бунда газнинг ҳажми ва босимини тескари пропорционал боғланишда бўлади, деган хулосага келинади. Газни ўзгармас босимда қиздириш билан ҳажмини ўзгартириб, уни турли ҳолатларга ўтказилади ва газнинг ҳажми унинг температура-сининг чизикли функцияси дир (Гей-Люссак қонуни) деган хулосага келинади. Индуктивли занжирда токнинг камайиши процессини ёки камертон тебраниш-ларининг сўниш процессини ўрганиш билан бирга ток катталиги ва тебранишлар амплитудаси экспоненциал қонун бўйича ўзгаришини кўрсатиш мумкин ва ҳоказо. Шундай қилиб, жисмнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишида физик процесслар вақт давомида

кинларнинг тарқалишини ўрганишда тўлқин узунлиги билан тебранишлар частотаси орасидаги боғланишни нотўғри тушунишларини биладилар. Бир физик миқдорнинг иккинчисига боғланиши ҳар доим ҳам чизиқли бўлавермаслигини тушунмаслик ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, текис тезланувчан ҳаракатда «вақт қанча кўп бўлса, шунча кўп йўл ўтилади» ёки «ток қанча кўп ўт-са, ўтказгичда шунча кўп иссиқлик ажралади» ва шу сингари иборалар бу боғлаишларнинг характери аниқланмаганда физик ҳодисаларнинг миқдорий баҳосини бузиб тушунтирувчи нотўғри таассуротлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Физик миқдорлар сон қийматлари-нинг функционал боғланишларини графикларда тасвир-лаш ўқувчиларнинг бир физик миқдорнинг бошқа физик миқдор билан қандай боғланганини тушунганликларини аниқлашга, аста-секин уларда функциянинг ўсиш ^тезлиги, функциянинг максимуми ва минимуми, унинг ўртача қиймати ҳақида баъзи бир таассуротлар ҳосил қилиш имконини беради. Физика ўқитувчисининг вазифаси функционал боғланишининг математик тушунчасини таърифлаш эмас, балки ўқувчиларни физика курсининг конкрет мисолларида бу таърифни келгуоидда онгли равишда тушуниб олишга тайёрлашдир; бундай тайёрлаш физикани яхши ўзлашгиришга олиб келади.

Турли машқларни ўтказишда графикларнинг роли каттадир, бундай машқларсиз ўқувчиларнинг физика асосларини онгли ўзлаштиришларини гаъминлаб бўлмайди. Бир қатор лаборатория ишларининг натижала*рини ишлаб чиқишда ва анализ қилишда ҳақиқат график-лар катта ўрин тутади. Бундар! турдаги ишларга конкрет материал ушбу қўлланманинг иккинчи қисмида берилган.


III. Ўқувчиларнинг графиклардан фойдалана олиш, малакаси билан боғлиқ бўлган график саводхонлиги политехник таълим беришда, уларни ишлаб чиқаришда ишлашга тайёрлашда, касбий тайёргарликларида алоҳида ва муҳим ўрин тутади. Турли технологик процесс-ларнинг асосида ётувчи физик ҳодисалар ва қонунлар- 'ни, техник қурилмаларнинг, иншоот ва машиналарнинг тузилиш ҳамда ишлаш принципларини график тасвир-лаш кенг тарқалгандир. Ҳозирги вақтда техниканинг бнрор соҳасининг илмий принциплари турли хилдаги'

графиклар билан боғланмаган ҳолда баён қилинган машинасозлик ва металллар технологиясига доир, автомобиль ёки тракторга доир китоблар кам топилади, электроёки радиотехникага, ёруғлик техникаси ёки оплотехникага доир қўлланмалар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. К*ўп ҳолларда техникага доир справочник-ларда графиклар, диаграммалар, номограммалар жуда мўл бўлади, баъзи ҳолларда бундай адабиётлар фақат шундай график тасвирлардан тузилган бўлади. График, диаграмма, номаграммалар бир қатор асбобларнинг паспортларида ҳам бўлади. Бундан графикларни ўқий билиш ва тушуниш малакасининг зарурлиги ўзўзидан маълум.

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришида турли хилдаги ва турли вазифадаги жуда аниқ ўлчаш асбоблари, контрол қилувчи асбоблар ва аппаратларни ишлата олиш малакаси талаб қилинади. Булар ичида ўзиёзар асбоблар катта ўрин тутади. Бу асбобларда ўлчанаётган катталиқ қоғоз лентага, дискка сиёҳ билан ёки ёруғликка сезгир плёнкага ёруғлик нури ёрдамида ёзиб олинади (1, 2-расмлар). Масалан, электр станцияларда турли катта-лиқларни: қувват, кучланиш, токни; ўта қизйган буғ температураси, босими ва гозалигини (таркибида қан-дай тузлар борлигини); сув, буғ, газсимон ва суюқ ёкил-ғи сарфини; ишлатиб бўлинган тугун газларининг (ёниш маҳсулотларининг) таркибини ва бошқа катталиқларни ўзиёзар асбоблар ёрдамида ёзиб олинади. Асбоблардаги ёзувларга кўра турли технологик процессларни текшириб туриш, агрегатларнинг бузилмай ишлаётганини билиш, қурилманинг берилган режим бўйича ишлаётганини, агрегатлар, қурилмалар, иншоотларнинг энг қулай иш шароитлари ҳақида муҳим иқтисодий ҳулосалар чиқаришга имкон беради. Масалан, электр станциядаги турбогенераторнинг қувват чизиғи ёзувига қараб нагрузканинг вақт ўтиши билан қандай ўзгаришини кўриш ва истеъмолчиларни қўшимча қувват билан таъминлаш тадбирларини кўриш ёки, аксинча, резерв машиналарни тўхтатиб қўйиш мумкин.


Турли физик миқдорларнинг қийматларини электро-механик осциллограф ленталарига автоматик ёзиб олиш ёки электрон осциллограф экранда кузатиш мумкин. Осциллограф экранларида кузатиладиган чизикларнинг фотосуратини олиш ҳам мумкин.

Ўқувчиларга ишлаб чиқаришда ўзиёзар асбоблардан фойдаланишга доир бошлангич тайёргарликни физика ва қат тафаккур ва зеҳнӣ эмас, шу билан бирга уларнинг кўриш мате.матика дарсларида бериш мумкин. Физика кур-си билан ҳамда ҳаракатлантириш фаолияти ҳам жалб қи-линади ва бевосита боғлиқ бўлган турли графикларни ўқишга ўрганиш ривожланади, уларда чизман-и яхши ва тез чизиш, бундай тайёргарликка ёрдам беради, Бу жиҳатдан графикларнинг координаталар тўридан, энг содда чизма асбоб-ларидан фақат илмий аҳамиятгана эмас, шу билан бирга катта амалий фойдалана билиш малакалари пайдо бўлади ва ривожланади. аҳамияти ҳам бор.



Графиклардан фойдалана билган, физик катталиқ-лар ўзгаришларининг ўзиёзар асбобдаги ёзувини тушун-ган ўқувчи ўлчов асбобининг бўлим қиймагини ҳатоеиз аниқлай олади, асбоб кўрсатишларини зарурий аниқ-ликда ҳисоблайди, ўз кузатиш ва ўлчашларини жадвал шаклида ёза билади ва келгусида керак бўлса, график интерполяциялай олади.

IV. Бу ерда таҳлил қилаётган масаламизнинг психо-логик томонини ҳам айтиб ўтиш керак. График метод-дан кенг фойдаланилганда масалага ўқувчиларнинг фа-



Турли ҳисоблашлар ўрнида ишлатиладиган график машқларни бажариш учун ҳисоблашларга нисбатан камроқ логик зўриқиш керак бўлади. Бу жиҳатдандарс-да ўқувчилар актив фаолиятининг логик қийинлиги тур-

лично бўлган шакллари навбатлаштириб туришда график метод анча кенг қўлланиши керак. Бунда график метод принципларининг ўзлаштирилиши тобора ўқувчининг келгусида ўз амалий фаолиятида фойдалана оладиган малакасига айлана боради. Уқувчи тафаккурини унинг ҳаракатлари билан боғловчи бу методнинг ўқитишдаги аҳамияти ҳоёт каттадир.

Графиклар ҳамма мактаб ёшдаги ўқувчиларга, жуда бўлмаганда, физика ўқитиладиган синфлар ўқувчиларига тушунарлидир.

§ 2. Физик тушунчаларнинг шаклланишида графикларнинг роли


Физик тушунчаларнинг шаклланиши узоқ давом этадиган процессдир. Кўп ҳолларда бутун физика курси ёки унинг бир қисми янги белгилар билан бойиб боради ва ўқитишнинг маълум босқичида ўқувчи бирор тушунчани маълум даражада тугал ўзлаштиради.

Физика курсида физик миқдорлар синфини ташкил қилувчи кўп тушунчалар бор, масалан, иш, иссиқлик сифими, кучланиш, магнит майдон индукцияси, ёритилганлик, ядродаги боғланиш энергияси ва бошқалар шулар жумласидандир. Масалан, иш тушунчаси куч ва йўл тушунчалари билан: $F \cdot s$; ҳаракатланаётган жисмнинг мас-саси ва тезлиги тушунчаси билан: $\frac{1}{2}mv^2$; жисмнинг оғирлиги ва Ер сиртидан кўтарилиш баландлиги билан: AP ; ток кат-талиги, кучланиш ва вақт билан: U ; заряд ва потенци-аллар айирмаси билан ϕ ; термодинамиканинг биринчи қонунида иссиқлик миқдори ва ички энергия тушунчаси билан $du = \delta Q + \delta A$ боғлангандир. Иш тушунчаси қанча кўп турли ҳолатларда учраса, бу тушунча ифодаловчи физик миқдорнинг мазмуни ва, шу билан бирга, айтиш тушунчасининг ўз мазмуни ҳам шунча тўлароқ ойдинлаша боради. Урганилаётган физик миқдорнинг аввал ўрганилган физик миқдорлар билан алоқаси бу миқдорлар орасидаги функциопал боғланишлар билан ифодаланади. Шунинг учун бу боғланишларнинг график тасвирлари тушунча мазмунини очиб берувчи ва, демак, унинг шаклланишига ердам берувчи воситалардан биридир.

Баъзи физик тушунчаларнинг шаклланишида графикларнинг қандай роль ўйнашини куйида кўриб чиқамиз. 18

I. Уқувчиларнинг электр токи қонунларини ўзлаштиришлари уларнинг электр занжирида кучланишнинг тушиши тушунчасини қандай тушунганликларига боғлиқ. Графиклар бу тушунча билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни аниқлашга ёрдам беради.

1-мисол. 3-расмда гальваник элементнинг ташқи занжирида кучланиш тушишини ифодаловчи график берилган. Бу график ёрдамида ташқи занжирнинг узунлигини, кучланишнинг ташқи занжирда ва ўтказгичнинг ҳар бир узунлик бирлигидаги тушишини аниқлаш мумкин.




Бу масалаларни кўриб чиқиш, ўқувчиларни бир жинсли ўтказгичда кучланишнинг тушиши бир текис бўлади, деган хулосага олиб келади. Кучланиш тушишининг «Қаршилиқ — кучланиш тушиши» ўқларида ифодаланган графигини анализ қилиб ҳам шундай хулосага келиш мумкин, бунда ўтказгич бир жинсли ва кесими бутун узунлиги бўйлаб бирдай бўлиши керак.

2-мисол. Гальваник элемент бир хил узунликдаги иккита кетма-кет уланган ўтказгич билан туташтирилган. Ташқи занжирда кучланиш тушишининг графиги 4- расмда кўрсатилган. Қуйидагиларни аниқланг: иккала ўтказгичнинг қаршилиги бир хилми, ҳар қайси ўтказгичнинг узунлик бирлигидаги кучланиш тушиши қандай? Ўтказгичлардан қайси, бирининг қаршилиги катта?

Бу саволларни анализ қилишда кучланиш тушиши катталигига қаршилиқнинг таъсири ҳақидаги маълумот¹⁹Р ўқувчилар билимини тўлдиради, уларни гальваник

элементнинг бутун занжирида (унинг ички қаршилиги-ни ҳам ҳисобга олган ҳолда) кучланиш тушиши ҳақида-га масалани тушунишга тайёрлайди. Бунда металл ўт-казгичлар ва электролитдан и-борат занжирни бундан аввалги масалада қўрилган саволлар нуқтаи назаридая қараш ўқувчилар билимига ҳеч қандай жиддий янгилик киритмайди. Бироқ гальваник элементнинг қутбларида-ги потенциаллар айирмаси (клеммалардаги кучланиш)



ва унинг э. ю. к. тушунча-лари орасида фарқ борлиги туфайли бу ҳолни алоҳида қўриб чиқиш, бу икки ту-шунчани аниқ белгилаб олиш зарур бўлади.

3-мисол. Гальваникэле-мент бир жинсли ўтказ-гич билан туташтирилган. Кучланиш тушиши графиги расмда кўрсатилган. Ку-йидагиларни аниқлаш керак: гальваник элементнинг таш-

ки занжирида ва ички зан-жирида кучланиш тушиши қандай? Гальваник элемент клеммаларидаги кучланиш ва элементнинг э. ю. к. қан-дай? Элемент клеммаларидага кучланиш катталиги элемент э. ю. к. нинг қандай проценгини ташкил қи-лади?


Бу саволларни ўрганиш натижасида ўқувчилар галь-ваник элементнинг бутун занжирида, ҳатто, элемент бир жинсли ўтказгич билан туташтирилганда ҳам кучланиш тушиши бир текис бўлмайди ва гальваник элемент клеммаларидаги кучланиш катталиги унинг э. ю. к.нинг бирор қисмини ташкил қилади, деган хулосага келади-лар. Ўқувчилар билан келгуси масалани анализ қилиш-да бу хулоса жуда муҳимдир.

4-мисол. Гальваник элемент узунлиги бир хил, ле-кин қаршилиги турлича бўлган иккита бяр жинсли ўт-казгич билан навбатма-навбат туташтирилди.

Иккала ҳолдаги занжирда кучланиш тушиши 6- расм-да тасвирланган. Қайси ҳолда (А ёки Б) ташқи занжир-нинг қаршилиги катта бўлишини; қайси ҳолда гальва-ник элемент клеммаларидаги кучланиш катта бўлишини аниқлаш; шунингдек, клеммалардаги кучланиш катта-20

лиги: а) гальваник элементнинг э. ю. к. га; б) тақрибан нолга тенг бўлиши учун ташқи занжир қаршилиги нимага тенг бўлишини аниқлаш керак. Буни қандай қилиш мумкин?


Бу саволларни муҳокама қилишда ўқувчилар ток манбаининг клеммаларидаги кучланиш катталиги ташқи нагрузкага боғлиқ равишда ўзгаришини, яъни бутун электротехника учун муҳим аҳамиятли- фактни хусусан/ элементлари умумий физика курсидаги электр ҳақидаги таълимотнинг бир қисмини ташкил қиладиган электр ўлчашни билиб оладилар.



0 10 20 30 40 50 мОм

расм.

2



20 а



107-

расм.


Шу муносабат билан бундай графикни анализ қилиб чиқиш мумкин.

5- м и с о л. Э. ю. к. 2 в бўлган ток манбаи ташқи нагрузкага туташтирилган. Бу нагрузкага (туташи чизик) кучланиш тушишининг боғлиқлиги ва манба ичидаги (пунктир чизик) кучланиш гушишининг ток катталигига боғлиқлиги 7- расмда кўрсатилган. Қуйидагилар аниқлансин: ток 5 а, 10 а, 15 а бўлганда манба клеммаларидаги кучланиш каттаи ёки манбадаги кучланиш тушишикагтаи; қандай ҳолда ток манбаи клеммаларидаги кучланиш манбаининг э. ю. к. га тенг бўлади; қисқа туташув бўлганда манба клеммаларидаги кучланиш ва манба ичидаги кучланиш тушиши нимага тенг бўлади?


Клеммалардаги E , кучланишнинг ток манбаи ичидаги $C/2$ кучланиш тушишига нисбатининг нагрузкага боғлиқ эканлиги ва бу кучланишлар йиғиндисининг наг-

рузкага боғлиқ эмаслигини кўрсата-ш учун 8- рэсман
 фойдаланиш мумкин. Горизонтал тўғри тэм⁴ ю
 холда доимий бўлишини кўрсатади. Ток пипити й»
 з[^]К МаЛарДатм куч^ур^униш^ур^у асаяди (қия[^]ғри И[^]смлари Уа ток-
 яЛя Лр б и й^и ташқи в^в тм^{тм} нянг хар бир кийматига тегишли бўлган кучланишляы
 тушяшлари ийгиндиси $u, \tau \pm/2$ бир/аг була/и

Ташқи занжирда электр токининг энг катта қуввати



8- расм.



9- расм.

ажратиладиган гальваник элемент клеммаларидаги куч-
 ланишнинг энг фойдали қийматини топиш куйидаги
 ҳолда кўриб чиқилади.


6- м и с о л. Э. ю. к. 2 в, ички қаршилиги 0,1 ом бўлган
 ток манбаи навбатма-навбат қаршиликлари турлича
 бўлган ўтказгичлэр билан туташтирилади. Ташқи зан-
 жирдаги ток қуввати билан ташқи занжир қаршилиги
 орасидаги боғланиш 9- расмда кўрсатилган. Ташқи зан-
 жирда электр ток қуввати энг катта бўлади, ток ман-баи
 клеммаларидаги кучланишнинг қийматини топиш керак.

Ташқи занжир қаршилоти гальваник элементнинг
 ички қаршилигига тенг бўлганда. демак, клеммаларда-ги
 кучланиш сон жиҳатдан э. ю. к.нинг ярмига тенг бўл-ганда
 ташқи занжирда электр ток қуввати энг кўп аж-

ралиши графикдан келиб чиқади. Урта мактабда бу фактни аниқлаш график ёрдамида осонлашади, чунки ўқувчиларнинг математик тайёргарлиги ташқи занжир-даги электр ток қуввати билан ташқи занжир қаршили-ги орасидаги боғланишни аналитик текширишдан фойдалалишга имкон бермайди. Шунингдек, жадвал маълумотлари асосида ҳам бундай анализ қилиш ноқу-лай. Ваҳоланки, координаталар гўрида олинган бир не-ча нуктани силлиқ бирлаштиришдан ҳосил қилинган эгри чизикни кўриб чиқиш билан юқорида келтирилган боғланишнинг аёний манзарасини ҳосил қилиш мумкин.

Бу графиклар тўпламини «ўқиш» шунга олиб кела-дики, бунда ўқувчилар электр токи ҳақидаги таълимот-нинг принципиал масалаларидан бирини, яъни занжир-да кучланиш тушишининг бўлиши масаласини тушуниб оладилар. Табиийки, юқорида келтирилган барча мисол-ларни курснинг қандайдир бир жойида ўрганиб бўлмай-ди ва ўрганмаслик керак; бу мисоллар «Электр токи қо-нунлари» деган бутун тема давомида ўрганилади.

II. Модданинг критик ҳолати ҳақидаги тушунчани баён қилиш баъзи бир методик қийинчиликлар билан боғлиқдир. Бу тушунчани ўқувчилар кўпинча ўзлаштира олмайдилар. Чунончи графиклар бу тушунчани ўзлаш-тиришни осонлаштиради.




10- расм.


Одатда модданинг критик ҳолатини эфир солинган берк шиша ампулани қиздириш ва уни экранга проек-циялаш йўли билан намоиш қилинади. Бинобарин, «суюқлик — буг» системасининг қизиши изохорик ра-

вишда бўлади, бу процессда фақат суюқлик ва буғнинг нисбий миқдори ўзгаради, холос. Бу процессни «температура — модда зичлиги» диаграммасида, яъни p - ρ -координаталар ўқларида кўрсатиш осон (10-расм). С эгри чизик температуранинг ўсиши билан суюқлик зичлигининг камайишини, О эгри чизик эса температуранинг ўсиши билан гўйинтирувчи буғ зичлигининг ортишини характерлайди. Бирор t_k температурада бу эгри чизиклар бир K нуктада бир-бирига қўшилиб кетади. Бу нуктада айна шу температурадаги суюқлик ва буғнинг зичликлари бирдай бўлишини кўрсатади. Бу нуктанинг ординатаси сон жиҳатдан модданинг зичлигига, унга тескари катталики эса модданинг ρ_k критик ҳажмига тенг бўлади.

Бирок критик ҳолат яна бир модда учун муайян бўлган P_k босим билан ҳам характерланади. Шунинг учун тўйинтирувчи буғнинг қизиш эгри чизигини p - t -диаграммада ҳам кўрсатиш мумкил (Н-расм). Бу нарсани ўқувчиларга аввалдан таниш, чунки улар тўйинтирувчи буғлар (масалан, сув буғлари).



10-расм.



12-расм. Фазовий фаза диаграммаси

босимининг температурага боғлиқлигини ўрганганлар. Бу диаграммада критик температурада суюқлик устидаги тўйинтирувчи буғларнинг босими муайян модда учун, мумкин бўлган энг катта қийм-астига эргатиши намоён қилинади. Шундай қилиб, диаграммалардан бири критик ҳажм қийматини, иккинчиси критик босим қийматини ифода қилади, K нуктанинг p_k


абсциссаси эса иккала ҳолда ҳам критик ҳемпературани ифодалайди.

Модданинг критик ҳолати учта катталиқ: T_k , V_k ва P_k орқали ифодаланади, 6} катталиқларни битта фазо-вий T , V , p - диаграммада ифодалаш мумкин (12- расм), бироқ фазовий диаграммани ўрта мактаб ўқувчилари-нинг тушуниши қийиндир. Шу сабабли иккита диагра*!-мани кўриб чиқиш зарурати туғилади.

Модданинг критик ҳолатини характерлаш учун учта катталиқдан иккитасини билиш етарли эмас. Масалан, критик босим ва критик температурага эришилса-ю, бироқ зарурий ҳажмга эришилмаса, бу ҳолда критик ҳолат бўлмайди. Бошқа икки параметр ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Модданинг критик ҳолати ҳақидаги тушунчани шакллантиришда бошқа диаграмма V , p -координата ўқларидаги изотермаларни анализ қилишдан ҳам фойдаланиш мумкин (13-расм). Температура ортганда модда изотермасининг суюқликнинг тўйинтирувчи бўғга ўтишини (ёки аксинча, бўғнинг суюқликка ўтишини) характерловчи горизонтал" қисми қисқаради. Бу қисмларнинг қисқаришига суюқликнинг бўғга айланиш ис- сиклигининг камайиши сабаб бўлади. Бўғга айланиш ис- сиклигининг камайиши туфайли суюқликнинг сирт таранглиги камаяди. Ҳар бир модда учун муайян тем- пературада бу қисм нуктага йиғилади (бунда v ҳам нол- га тенг бўлади). Бу нуктанинг -координаталари p_k ва v_k га тенг, бу изотермага тегишли температура T_k га тенг бўлади.

Шундай қилиб, p , v -диаграммдан фойдаланганда температура ортганда суюқлик билан мувозанатда бўл- ган тўйинтирувчи бўғ зичлигининг ўзгариши кузати- лади, p , v -диаграммдан фойдаланганда эса темпера-




13- расм.

турага боғлиқ равишда бўғга айланиш (конденсация) иссиқлигининг ўзгариши кўзатилади. Бу диаграммалар бир катор қўшимча машқлар ўтказиш имконини беради.

1. 10-расмда A ва B нуқталар билан газнинг бирор ҳолати ифодаланган. Қандай физик таъсирлар восита-сида бу газни конденсирлаш мумкин?

2. II-расмда A нуқта билан газнинг бирор ҳолати ифодаланган. Суюқлик ва унинг бўғи бир вақтда мав-жуд, қандай қилиб бу газни (бўғни) суюқликка айлан-тириш мумкин?

III. Иссиқлик баланси тенгламасини чиқаришнинг ҳеч қандай методик қийинчилиги йўқ. Бироқ конкрет физик масалани ечишда бу тенгламадан фойдаланишда ўқувчилар хатога йўл қўядилар. Бундай хатога сабаб шуки, кўпинча турли температурали жисмлар орасида иссиқлик алмашилишда қандай процесслар руй бериши, чунончи иссиқлик алмашилишида модданинг агрегат ҳолатининг ўзгариши—эриш ва кристалланиш, бўғланиш ва конденсация бўладими-йўқми эканлиги масаланинг шартидан равшан бўлмайди. Бу қийинчиликни тугатиш учун калориметрик масалаларни формула бўйича эмас, арифметик равишда, сонли ечиш, масалани



ечиш олдида графиклар ёрдамида ҳатто координаталар тўрисида анализ қилиш тавсия қилинади.

Иккита мисолни кўра-миз:

1. Температураси 17° бўлган 100 г қўрғошин плит-када қиздирилди. Қўрғошин плиткадан $Q=1,5 \text{ ккал}$ иссиқлик олди. Қўрғошин-
14-расм.

нинг неча градус қизиганини

аниқланг. Масаланинг шартидан қўрғошиннинг қандай ҳолатда бўлиши: у ҳар доим қаттиқ ҳолатда қолганича қизийдими ёки қизиганда эриб кетадими, номаълум. Ўқувчилар одатда қўрғошин эримади, деб фа-раз қиладилар ва нотўғри жавоб берадилар. Ҳол-буки, график ёрдамида масалани хатосиз ечиш мумкин.

Вақт давомида қўрғошин қизишининг схематик графиги чизилади (14- расм). Графикнинг учта қисми мос равишда қаттиқ қўрғошиннинг қизишини, унинг эришини ва суюқ металл температурасининг ортишини тасвирлайди. Бу процессларга сарф бўлган иссиқлик миқдори $Q_3 = Q_2 + Q_1$, ҳисобланади:

$$Q_1 = 100 - 0,03 (327 - 17) = 930 \text{ кал.}$$

Бу ерда 327° — қўрғошиннинг эриш температураси.

Эриш учун

$$Q_2 = 100 - 6,3 = 630 \text{ кал}$$

иссиқлик миқдори сарф қилиш керак, бунда $6,3^\circ$ — қўрғошиннинг эриш солиштирма иссиқлиги.

Бу ерда Q_3 (Q_1 ва, шунингдек, Q_2 Q_3 бўлгани учун, қўрғошиннинг ҳаммаси эримади ва унинг охириги температураси 327° бўлиши равшандир. Шунингдек, биз кўраётган масала учун графикдаги Скисм ҳеч қандай маънога эга эмаслиги ҳам равшандир².

2. Массаси 250 г, температураси 20° бўлган сувга температураси 8° , массаси 50 г бўлган муз солинади. Иссиқлик мувозанатида аралашманинг температураси қандай бўлади?

Бу ҳолда суюқлик ва қаттиқ жисмнинг нима бўлиши — муз эрийдими ёки сув музлайдими — айтилмаган. Шунинг учун Q_1 ерда бўлиши мумкин бўлган иссиқлик процессларини ифодаловчи учта схематик график чизиш мақсадга мувофиқдир. Бу процесслар қуйидагилардан иборатдир: а) муз эрийди ва ҳосил бўлган сув исийди (15-расм); б) муз ғайи эрийди (16-расм); в) муз эримади, балки сув музлайди ва сўнгра ҳатто совийди (17-расм). Учала ҳолда ҳам графикнинг пастга кетувчи қисми сувнинг совишини характерлайди. Дастлабки бундай анализдан сўнг масала арифметик ечилади.

Сувнинг 0°C гача совишида берадиган иссиқлик миқдори


$$Q_3 = 250 \cdot 1 \cdot 20 = 5000 \text{ кал бўлади.}$$

¹ Келгуси муҳокамаларда иссиқлик миқдори ўрнига ички энергиянинг ўзгариши тушунчасидан фойдаланиш мумкин, чунки жисмларнинг кенгайиш иши ҳисобга олинмайди.

² „Физика в школе“ журналининг 1956 йил 5- сонидagi Н. Н. Попова „Решение задач на уравнение теплового баланса“ мақоласига қараг. 32—35-бетлар.

Музнинг 0°C гача исиши учун
 $<2_2 = 50 - 0,5 \cdot 8 = 200$ кал иссиқлик
 миқдори керак бўлади, сўнгра унинг эриши
 $<?_3 = 50 - 80 = 4000$ кал
 иссиқлик миқдори кетади.

бўлгани учун музнинг ҳаммаси эрийди ва ҳосил бўл-



15- расм.

16- расм.

17- расм.

ган сув маълум температурагача исийди. Сувнинг исиш температурасини икки йўл билан ҳисоблаш мумкин:
 $506 = 250 - (20 - 8) - 4200$ ёки
 $(250 + 50) 6 = 5000 - 4200.$

Бундан

$$6 = 2,7^{\circ}.$$

Уқувчилар калориметрик ҳисоблашларни ўзлашти-риб олганларидан сўнг графикларни анализ қилишлари шарт эмас. Ниҳоят, шу нарсани қайд қилиб ўтиш ке-ракки, кўпинча жисмларнинг совиши ва исишини „вақт— температура“ ўқларида, ифодаловчи расмларда. графикнинг айрим қисмлари бўйлаб $^{\circ}\text{C}$., (?), $<\Delta$ з ва шунга ўхшаш иссиқлик миқдорлари белгилаб қўйилади. Бу нотўғри, албатта. Бу ҳолда координата ўқларининг ҳеч бири бўйлаб иссиқлик миқдори белгиланган эмас.

Графикларни „вақт—температура“ ўқларида яшаш ўрнига уларни „иссиқлик миқдори—температура“ ўқларида яшаш мумкин.

IV. Қатор ҳолларда физик тушунчаларнинг шаклланиши физик миқдорлар сон қийматларини ўзаро функционал боғловчи формулаларни келтириб чиқаришни талаб қилади. Бироқ ўқувчиларнинг математик тайёргарлиги мактабда физика курсини ўрганишда керакли формулани келтириб чиқариш учун ҳар вақт ҳам етарли бўлавермайди. Масалан, токнинг ҳақиқий ва амплитуда қийматлари орасидаги боғланишни ифодаловчи формула, пружинанинг деформацияланишида бажарилган ишни ҳисоблаш формуласи, конденсатор электр майдони энергиясининг конденсатор қопламаларидаги потенциаллар айирмасига боғлиқлигини ифодаловчи формула ва шунга ўхшаш формулаларни келтириб чиқариш анча қийиндир. Ҳолбуки, график ёрдамида бу муносабатларни осонлик билан ҳосил қилиш мумкин.


Мактабда физик миқдорлар орасидаги муносабатни келтириб чиқаришнинг алгебраик усулидан фойдаланиш (масалан, бошланғич тезлиги бўлган текис ўзгарувчан ҳаракатнинг йўл формуласини чиқаришда) мумкин бўлса-да, бир қатор ҳолларда алгебраик усулдан кўра график усулга кўпроқ афзаллик бериш керак бўлади. Конкрет мисоллар кўрамиз.

1. Айтайлик, $I = I_m \sin \omega t$ муносабатни чиқариш керак, бу ерда I — ўзгарувчан токнинг ўртача қиймати, I_m эса унинг амплитуда қиймати бўлсин.

Бунинг учун актив қаршиликли электр занжиридаги ток ва кучланиш графикларидан фойдаланиш мумкин. Иккала эгри чизиқ нуқталарининг вақтнинг мос пайтларидаги ординаталарини кўпайтириб, ток қувватининг синусоидал ўзгариш чизиғини ҳосил қиламиз (унинг частотаси кучланиш частотасидан икки марта катта бўлади) (18-расм). Ток қувватининг амплитудаси:

Кучланишнинг ўзгариш даври давомида қувватнинг ўртача қиймати $P = \frac{1}{T} \int_0^T P_m \sin^2 \omega t dt$ га тенг бўлиши графикдан кўриниб турибди.

Шунингдек, қувватни ифодаловчи графикда бажарилган иш эгри чизик ва унинг четки нуқталари ординаталари билан чегараланган юз билан ифодаланиши ҳам маълум. Ҳосил қилинган шаклнинг юзи штрих-ланган тўғри тўртбурчакнинг 5 юзига тенг бўлади. Бу



18- расм.

ҳолда токнинг бир давр давомида бажарган иши икки хил ифодаланиши мумкин:

$$A - 8 - PT = I^2 KT,$$

бу ерда I — токнинг ўртача қиймати ва

$$PT = P_{\text{ср}} KT.$$

Бундан:

$$I^2 = \frac{P_{\text{ср}}}{K}$$

$$I = \sqrt{\frac{P_{\text{ср}}}{K}}$$

¹ А. А. Пинский, Ўрта мактаб физика курсида ўзгарувчан токни ўрганиш, Л. И. Резников таҳрири остида. Тошкент, Ўқувпедавнашр, 1961 й., 39—44-бетлар

Ом қонунига
мувофиқ

$$I = 3.$$

$$I = \frac{U}{R}$$

Токларнинг бу қийматларини аввалги ифодага қўйиб,
қуйидагини ҳосил қиламиз:


$$\frac{U}{R} = \frac{U_1}{R_1}$$

яъни

$$V = \frac{U}{R}$$

2. Клеммаларидаги кучланиш U бўлган манбадан
C сифимли конденсатор зарядланмоқда. Зарядланган
конденсатор электр майдонининг у энергиясини
аниқлаймиз.

Конденсатор қопламаларидаги U
потенциаллар айирмаси қопла-
малардаги заряд катталигига про-
порционал равишда ортади. Шу-
нинг учун U нинг q га боғланиши
графикда тўғри чизик билан
ифодаланади (19- расм). Маълум-
ки, бажарилган иш



$$A = qU.$$

Конденсаторнинг зарядланиш процессида потенци-
аллар айирмасининг ўртача қиймати

$$U = \frac{U_1}{2}$$

бўлиши графикдан кўриниб турибди.

Шунинг учун

$$A = \frac{qU_1}{2}$$

Энди q_1 — CII эканини эътиборга олиб

$$q_1 = CU_1$$

бўлишини топамиз.

Бажарилган A иш ҳисобига конденсаторга миқдор
жиҳатдан шу ишга тенг бўлган энергия берилган. Бу

энергия конденсаторнинг электр майдонида мужассамланган.

Графикларнинг қўлланиши физикани ўрганишнинг экспериментал характериini ўзгартмайди ва ўқитишда ўқувчиларнинг синфлари ҳамда билим савиясидан қатъи назар физик экспериментнинг ролини пасайтир-майди. Физик ҳодисани тажрибада кўрсатиш зарурий шартдир. Биз бу ерда графикларнинг экспериментда қўшимча тасвирлаш воситаси бўлиши ва кўп ҳолларда экспериментдан келиб чиқиши . кераклигини қайд қилмоқчимиз, холос.

Ўқувчилар тажрибада нимани кўрган бўлсалар, графикада шуни тасвирлашлари зарур; бунда ҳодисанинг ўқувчилар эслаб қолиши керак бўлган томонларини равшан қилиб кўрсатиш, ўқувчилар сезмай қолишлари мумкин бўлган нарсаларни ўқитиб ўтиш керак. Графикларни анализ қилиш физик тушунчаларнинг шаклланишига ёрдам беради.

§ 3. Физикадан график машқлар ва масалалар

График тасвирлардан олинган билимларни мустаҳкамлашда, уларни ривожлантиришда ва бу билимларни амалда ишлатишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўпчилик график машқларни ва масалаларни қуйидаги бир неча группаларга ажратиш мумкин: графикларни „ўқиш“, график машқлар, масалаларни график усулда ечиш, ўлчаш натижаларини график тасвирлаш. Бу группаларнинг ҳар бири маълум мақсадларда қўлланилади.

Бирор группадаги машқлардан ва масалалардан қайси курснинг қайси жойида, қандай ҳодисаларни ўрганишда фойдаланиш кераклигини аниқ кўрсатиб бўлмайди, бундай аниқ кўрсатишнинг фойдаси ҳам йўқ. Машқ ва масалалар мазмунининг ўзи уларнинг умумий физика курсидаги ўрнини аниқлаб беради. Дарсларда анализ қилиш учун масаланинг турини тан-лаш ўқитувчи томоницан бирор дарсга қўйилган мақсадга боғлиқдир. Шунинг учун турли график машқ-лардан ва масалалардан ҳамма синфларда фойдалани-лиши мумкин¹. Бирок график машқлар ва масалалар

¹ Бу қўлланмада келтирилган баъзи бир графиклар, масалан, § 21 даги графиклар (162 - 164- масалалар) физика курсининг биринчи боскичида ҳая ўрганилиши мумкин.

физик масалаларни алгебраик усулда ечишдан фойдаланиш заруратидан ҳеч бир даражада озод қилмайди "ва ўрта мактабда физикани ўрганишда алгебраик усул-нинг ролини камайтирмайди.


0 Графикларни „ўқиш“

Чизилган графикларни анализ қилиш ўқитишда кенг методик имкониятлар очиб беради.

1. График ёрдамида физик катталикларнинг функционал боғланишларини аёний равишда тушуниш, уларнинг ўзаро тўғри ва тескари пропорционал боғланганлигининг маъноси нимада эканлигини, бир физик катталик ўзгарганда бошқа физик катталик сон қийматининг қай даражада тез ортиши ёки камайишини, физик катталикларнинг қачон максимумга ва қачон минимумга эришишини ва шунга ўхшашларни аниқлаш мумкин. Масалан, Гей-Люссак (ва Шарль) қонуни таърифини тушунишдаги қийинчилик шундан иборатки, бунда газнинг температураси 1°C кўтарилганда газ ҳажми (ёки босими) нинг орт- p тирмаси ўзгармас катталик бўлиб, бу катталик газнинг ўрганиш бошланган температурадаги ҳажми (ёки босими) нинг эмас, балки газнинг 0°C температурадаги ҳажми (ёки босими) нинг қандайдир қисмига тенг бўлишини ўқувчилар ҳар вақт ҳам тушунавермай-дилар.

Ваҳоланки, Гей-Люссак қонунининг „температура —

ҳажм“ ўқларидаги ёки Шарль қонунининг „температура — босим“ ўқларидаги графиклари (20-расм) бу қонунлар ифодаларининг маъносини аён кўрсатиб беради. 20-расмдаги тўғри чизикнинг газ температу-раси қўйилган абсциссалар ўқи билан кесишгунча давом эттирилмаганлиги газлар конденсация ҳолатига яқинлашадиган п-аст температураларда газларга Шарль Қонунини қўллаш мумкин эмаслигини билдиради. Бу шароитларда газлар учун анча мураккаб қонунлар Уринли бўлади, бу қонунларни ўрганиш мактаб физика



20- расм.

Метеорологик элементлар	Ойлар					
	Ян- варь	Фев- раль	Март	Ап- рель	Май	Июнь
Температура (°С ларда)	—15	18,4	—7,5	6,9	12,8	15,6
Босим (см, см уст.)	73,76	73,84	73,17	74,35	73,33	73,44
Намлик (процентларда)'	90	90	90	87	77	71

программасига кирмайди. Ўқитиш практикасида бутун физика курси давомида бирор физик ҳодиса кузатиладиган шароитларни зўр эътибор билан ўқитиш, би-рор физик қонуниятнинг ифодаси қайси чегараларда тўғри бўлишини кўрсатиб бориш керак.

Бошқа бир мисол келтирамиз. 1-жадвалда Свердлов область Пишминск район Тимохин' номли мактаб ўқувчилари томонидан мактаб метеорология станциясида аниқланган ҳавонинг ойлик температураси, босими ва намлигининг ўртача қийматлари келтирилган.

Бу жадвални графиклар кўринишида тасвирлаш ва бу графикларни анализ қилиш мумкин. Масалан, ҳаво-нинг йиллик аҳволини график кўринишда тасвирлашда ўқувчилар эътиборини қуйидаги саволларга жалб қи-лиш керак бўлади."

— йилнинг қайси ойларида ҳаво температураси кескинроқ кўтарилади ва кескинроқ пасаяди;

— йил давомида ҳаво температураси айрим ойлар-да қандай тез кўтарилади ёки пасаяди;

— йилнинг қайси ойларида ҳаво температураси ўзгармай (ёки деярли ўзгармай) қолади; қайси ойда энг юқори ва қайси ойда энг паст бўлади;

— йилнинг қайси ойларида температуранинг йўнали-шида ўзгариш бўлади;


— ҳисобламасдан ҳавонинг тақрибий ўртача йиллик температурасини кўрсатинг.

Бу мисолда вақт эркин ўзгарувчи миқдор сифатида олинган. Шунингдек, ҳавотемпературасининг баландлик-ка қараб ўзгариш графигини ўрганиш ҳам мумкин эди. Ҳаво температурасининг вақт ва баландликка қараб ўз-гаришида иккита муҳим метеорологик фактор бўлиб, ўқувчилар бу факторлар билан мактабда танишган бў-лишлари керак.

^иинииниМН


/- жадвал

Ию*ь	Ав- густ	Сен- тябрь	Ок- тябрь	Но- ябрь	Де- кабрь
20,3 73,51 72	19,5 73,92 69	10,5 73,12 86	12,0 73,49	-12,3 74,17	-16,2 73,86 97



21- расм. Барограф,

*Пайшанба**




*Жуш**

ШанкЮ

21-а расм. Барограф тасмаснда б

осимни ёзиб олш;

Шунингдек, ҳавонинг мос равишда термограф ва барограф ленталарига ёзилган графикларини ўқиб чиқиш ҳам фойдалидир. Масалан, 21-а расмдан ҳар бир сут-ка давомида атмосфера босими қайси чегараларда ўзгарганини; шу вақтдаги тақрибий ўртача босимни ва шу сингариларни аниқлаш керак. Бундай графикларни ўртача мактаб ёшидаги ўқувчилар „ўқишлари“ мумкин.




22- расм. Ўзиёзар манометрнинг демонстрацион модели.

Ўзиёзар асбобларнинг ишлаш принципини қўлда ясалган асбоблар билан намоиш қилиш мумкин¹. Ўзиёзар манометрнинг модели 2 резинка парда билан қопланган /воронка ёки Герике цилиндридан иборат (22-расм). Пардага 4 ипга боғланган 3 юкча тегиб туради. Ип-нинг учига боғланган 5 илгак горизонтал ўқ атрофида айланувчи сткўрсаткич-стрелкада ўйилган бўйлама ўйиққа киритиб қўйилади. Стрелка учига бўёқ суртилган 7 чўткача ўрнатилган. Агар воронкага ҳаво пуфлаб, айни вақтда 8 лентали барабан айлантирилса, лентада берк идишдаги босимнинг ўзгариш чизиғи ёзилиб қолади. Ип тортилган мослама ҳаракатни мембранадан стрелкага узатиб туради.


Термограф модели ҳам худди шунга ўхшатиб ясалган (23-расм). Биметалл пластинканинг бир учи штатив

¹ Бу ерда баён қилинган асбобларнинг моделларини В. П. Орехов (Рязань шаҳри) ишлаб чиққан ва тайёрлаган; А. А. Покровский таҳрири остида чиққан „Новые школьные приборы по физике и астрономии“, РСФСРЛФА нашриёти. М., 1959, 19—22-бетлар.

қискичига қистириб қўйилган, иккинчи учи эса кўрсаткич стрелканинг ўйиғига киритиб қўйилган. Биметалл пластинка кизиганда унинг стрелка ўйиғидаги учи эгилади ва стрелкани вертикал текисликда ҳаракатлантиради. Температура ўзгариши лентага худди юқорида кўрсатилган манометрдагидек ёзиб олинади.



23- расм, Термографнинг демонстрацион модели.




24- расм.

2. График бирор физик процесснинг қандай рўй бераётганини тавсифлаш, унинг энг асосий томонларини аён тасвирлаб кўрсатиш, ўрганилаётган ҳодисанинг энг муҳим томонларига ўқувчи диққатини жалб қилиш им-конини беради. Масалан, 24-расмда сувни, қўрғошинни ва мумни иситганда ҳажмларининг ўзгариш графиклари кўрсатилган. Бу графиклардан фойдаланиб бу моддалар қандай температураларда эрийди? 24-а ва 24-б расмлардаги графикларда вертикал кесмалар нимани

кўрсатадч? 24-а расмда ҳам шундайкесма борми? Графикка қарабмумнинг қайси температурадан бошлаб эрий бошлашини айтиш мумкинми? Эриш процессида кўргошин ва музнинг ҳажми қандай ўзгаради, деган савол-ларга жавоб бериш мумкин.

24-а расмда ҳажм бирлиги учун танланган масштаб сув 0 дан 4° гача исиганида унинг ҳажмининг кичра-




йишини равшан тасвирлашга имкон бермайди. Бу масштабни ўзгартириб, ҳажмнинг бундай кичрайишини равшан тасвирлаш мумкин (25- расм).

Бундай графиклар ҳодисани тўла тавсифлашга ёрдам беради, ҳодисани тушуниш ва эсда сақлаш учун образлар яратади. Ниҳоят, турли моддаларнинг эриш процесслари графикларини таққослашдан айрим моддаларга хос бўлган характерли хусусиятларни билиб олиш мумкин.

Эластик, пластик ва мўрт жисмларнинг нагрузка таъсирида чўзилиш характери, температура ўзгариши билан металллар ва термисторлар қаршилигининг ўзгариш характери тасвирлаш, турли фотоэлементларнинг спектрал сезгирлигини тасвирлаш ва бошқалар учун ҳам графикларни таққослашдан фойдаланиш мумкин. Графикларни таққослашда ўрганилаётган жисмларнинг ўхшашликлари ва фарқлари жуда равшан аниқ- -> ланади, жисмларнинг ўхшашликлари ва фарқларини билиш — муайян жисмларнинг хоссаларини яхши тушуниш, унинг табиатини тушуниш демакдир. Машҳур рус педагоги К. Д. Ушинский: „Агар сиз ташқи табиатдаги бирор предметни яхши билмрқчи бўлсангиз, у ҳолда бу предметни унга ўхшаш предметлардан ажратинг ва бу предмет билан ундан энг узокдаги предметлар ораси-даги ўхшашликларни топинг; факат шундагина сиз предметнинг ҳамма мавжуд белгиларини аниқлаб оласиз, бу предметни билиб олиш демакдир“, — деб ёзган эди¹.

¹ К. Д. Ушинский. Избранные педагогические сочинения, II т., Учпедгш, М., 1939, 436- бет.

Қиёсий графиклар биринчи қарашда бир-бири билан боғланмагандек бўлиб кўринган физик ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини тасвирлашга имкон беради. Бироқ икки физик катталиқнинг вақт давомида ўзгариш чизиғини ўрганиш ўқувчиларда бу физик ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилади. Масалан, 26-расм-




— Б — > .. I ----! —■'... -' - ' ... I. . . I I-....
1890 1900, тО 1920 '930

26- расм, Шимол ёғдуси сони ва магнит активлигининг Қуёш доғларй сони билан боғланиши.

да бир неча йиллар давомида Куёш доғлари ва кутб ёғдуси сонларининг ўзгариши, шунингдек, Ер магнит майдонининг ўзгариши кўрсатилган. Графикдан бу ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқ эканлиги равшан кўриниб турибди. Графикларни бундай таққослашнинг кўп ҳолларда катта тарбиявий аҳамияти бор; у материалистик дунёқарашнинг ўсишига ёрдам беради.

3. Физик қонуниятни тасвирловчи чизилган графикка қараб графикларни ўқиш, бу қонуниятнинг формуласини ёзиш билан тугалланиши ҳам мумкин. Афсуски, физика учун керак математика курсига доир турли функцияларнинг графиклари бир оз кечроқ ўрганилади. Бу



нарсани физик қонуниятнинг графигига кўра аналитик ифода-лаш имкониятини анча чеклаб қўяди. Аммо бу жиҳатдан баъзи бир нарсаларни қилиш мумкин. Масалан, 27-расмда автомобиль ҳаракатининг тезлик графиги берилган. Ҳаракатнинг бу ҳоли учун автомо-билнинг тезлик

формуласини ёзиш керак бўлсин. Графикдан кўришиб турибдики, вақтнинг автомобиль тезлиги « v_0 » бўлган (графикда бошланғич деб олинган) бирор пайтидан автомобиль текис тезланувчан ҳаракат қила бошлайди. Вақтнинг исталган пайти учун бундай ҳаракатнинг тезлиги $v(t) = v_0 + a \cdot t$ формула билан аниқланиши маълум, бу ерда a — ҳаракатнинг тезланиши, t — ҳаракат вақти.

Графикдан $v_0 = 3 \text{ м/сек}$ эканини билиш

$v_0 = 3$

қийин эмас.

П

Тезланиш a тенг бўлгани учун a

$= 0,4 \text{ м/сек}^2$. Шунинг учун автомобилнинг ҳаракат тезлиги куйидаги формула билан ифодаланади:

$$v = 3 + 0,4t$$

Шунга ўхшаш топшириқларни бажаришда ўқувчилар графикдан физик миқдорларнинг амалий масалалар ечиш учун зарур бўлган сон қийматларини топish мумкин эканлигини билиб оладилар; кинематик миқдорлар-40

нинг (масалан, тезланишнинг) таърифини ва кинематика формулаларини (тезлик ва йўл формуласини) такрорлайдилар ва ўзлаштириб оладилар: физик миқдорларнинг сон қийматлари графикнинг характерини аниқлашини, тезланиш катталиги тўғри чизиқнинг вақт ўқиға қиялигини, бошланғич тезлик катталиги эса тўғри чизиқнинг тезлик ўқидан кесган кесмасини аниқлашини ва бошқаларни билиб оладилар.


Графикни бундай ўрганиш натижасида ўқитувчк шунга эришиши керакки, бунда ўқувчилар физик формула ва график — физик миқдорлар сон қийматларининг биргина функционал боғланишининг икки хил ифодаси эканини, формула ва график — реал миқдорларнинг ўз- "аро боғлиқ ва бир-бирига сабаб эканлигининг икки хил ифодаси эканини тушуниб олсинлар. Баъзи графиклар-ни бундай „ўқишда" физика табиатдаги конкрет ходи-салар ва улар орасидаги боғланишни ўрганишини, фор-мула ёки график эса ўрганилаётган ҳодисанинг миқдо-рий томонини ифодалаб берувчи ўзига хос тил эканини тушунишга эришиш мумкин ва лозим.

4. Жадвал маълумотларини тўғри бурчакли координаталар системасида эмас, балки қутб координалари системасида тасвирлаш қулайроқ бўлган ҳоллар ҳам бўлади. Бундай ҳолда график янада аёнийроқ бўлади, бироқ уни чизиш одатдаги графикларни чизишдан қийинроқдир. Шунинг учун ўқувчиларни қутб координаталарида график ясашга бўлмаса ҳам, чизилган график-ни „ўқишга" ўргатиш керак. Масалан, топшириқ сифати-да уларга шамол „гули"нинг қутб диаграммасини, ярим тўлқинли Герц вибратори нурлаши йўналишининг қутб диаграммасини ўрганишни ёки лампа ёруғлик кучи тақсимланишининг қуйидаги маълумотларга кўра (2-жадвал) ясалган қутб диаграммасини ўрганишни бериш мумкин.

2- жадвал

Лампанинг верти- кал ўқи ва берилган йўналиш орасидаги бурчак (градусларда).	0	15	30	45	60	75	90	105	120	135	150	165	180
Берилган йўналиш- даги ёруғлик кучи	60	60	60	56	50	45	40	45	52	52	54	42	0

Қуйида ўқитувчи учун кутб диаграммаси яшаш принципи тафсилоти берилган. Айлана маркази орқали ўзаро перпендикуляр икки ўқ ўтказилади (28-расм). Транспортир ёрдамида айланани (ҳар бири 15°дан қилиб) градусларга бўлинади, сўнгра тегишли масштабда, ёруғ-



28- расм.

лик кучи катталигини ифодаловчи кесмаларни марказдан бошлаб (2- жадвалда кўрсатилган) турли йўналишларда қўйилади. Текисликка чизилган кесмалар учини орқали иложи борича силлиқ эгри чизик чизилади.

Лампанинг вертикал ўқидан икки томонга нурланиш барабар бўлади. Шунинг учун вертикал ўқнинг чап томонида худди шу ўқнинг ўнг томонида тасвирлангандек симметрик бўлган эгри чизик чизиш керак.

Турлича қайтишдаги ёруғлик кучининг тарқалиши-ни ва шунга ўхшашларни кутб диаграммалар кўринишида тасвирлаш қулайроқ бўлади.

График машқлар

График машқлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: жадвал маълумотларига кўра график чизиш, бир график асосида бошқасини чизиш, физик қонуниятни ифодаловчи формулага кўра график чизиш. Бу машқлар ўқувчиларда графиклар чизиш малакасини ва чиз-ма ўлчамлари билан моҳирлик билан чекланган ҳолда, графикнинг нечоғлик аниқ чизилишига ва сўнгра ундан нечоғлик аниқ ҳисоб олинишига эришиш учун ўқувчиларда ҳаммадан аввал, эркин ва эрксиз узгарувчилар учун координата ўқларини ва масштабни тегишлича танлаш укувини ҳосил қилиш зарур. Нукталарга кўра чизилган графикдан физик катталикларнинг жадвалда кўрсатилмаган оралиқ қийматларини ҳам аниқлаш (график интерполяция*) осон эканлигига ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш керак. Ниҳоят, график машқлар бажаришда ўқувчилар, жадвал маълумотларига кўра чизилган график физик миқдорларнинг сон қийматлари орасидаги муносабатни жадвалга нисбатан аёний-роқ тасвирлашига ишонч ҳосил қиладилар.


Бошқа график маълумотларига кўра график чизишнинг яна бир методик аҳамияти шундаки, бунда график машқ қилиш графикни „ўқиш“ билан қўшиб олиб борилади.

Асосий мақсад графикни чизишгина эмас. Графикларни чизиб, сўнг анализ қилинмаса, график машқларни бажариш билан боглиқ бўлган барча методик имкониятлардан фойдаланиб бўлмайди. Ҳар бир чизилган график ўқувчилар билан бирга шундай муҳокама қилиниши керакки, бунда биринчидан, физик ҳодисанинг график ёрдамида тасвирланган барча томонлари равшан аниқланиши, иккинчидан, бу график физик ҳодисаларни янада чуқурроқ ўрганилишига олиб келувчи бошқа саволларни ўқувчилар билан муҳокама қилиш учун база бўлиши керак.

Айтайлик, пружинага осилган шарчанинг сўнар тебранишлари графиги жадвал маълумотларига кўра чизилган бўлсин (29-расм). Бу график ёрдамида қуйидаги

¹ Функциянинг берилган интервал чегараларидаги маълум қийматларига кўра унинг оралиқ қийматларини ҳисоблаш интерполяция дейилади.

саволларни кўриб чиқиш мумкин: агар расмда шарчанинг $1/10$ сек давомидаги тебранишлари тасвирланган бўлса, унинг тебранишлар частотаси қандай; ҳар бир келгуси тебранишлар амплитудаси аввалгисидан неча марта кичик; шарчанинг турғун мувозанат вазиятидан ўтиш пайтидаги вя бу вазиятлан энг катта оғандаги



29- расм.

тебраниш тезлиги бир хил бўладими ва ҳоказо. Бундан ташқари, график тебранишлар амплитудаси катталигининг қандай камайиб боришини кўрсатувчи чизикни чизишга ҳам имкон беради. Бунда тебранишларнинг сўнишига нима сабаб эканлиги ва сўниш катта ёки кичик бўлиши учун тажрибада нимани ўзгартириш ке-раклиги муҳокама қилинади.


Ушбу қўлланмада берилган баъзи график машқлар-да бундай қўшимча топшириқлар йўқ. Бундай ҳоллар-да график машқларга ўқитувчининг ўзи қўшимча топшириқлар тузиши мумкин. Бундай қўшимча топшириқлар ва саволлар характери ўрганилаётган ҳодисанинг физик мазмунига боғлиқ бўлади ва қўлланмада келтирилган қўплаб мисоллар асосида олиниши мумкин.

Ниҳоят, Схематик графикларга ҳам катта аҳамият бериш керак. Ўқувчилар координаталар тўрида графиклар чизишнинг асосий йўллариини ўзлаштирганлари сари

п.

уларнинг, айниқса юқори синфларда, графикларни тез, қўлда ехематик равишда чиза олишларига муттасил ва қўнт билан эришиб бориш керак. Ўқувчилар катакли қоғоз варақда фақат координата ўқларини ўтказиб ва бир ёки бир неча таянч нуқтани белгилаб, умумий ҳол-да бирор физик қонуниятни тасвирловчи чиқиқни чиза олишлари-зарур. Масалан, қуйидаги машқларнинг ба-жарилиши мақсадга мувофиқдир:


1. а) Бошланғич тезлик билан; б) бошланғич тезлик-сиз текис тезланувчан ҳаракат қилаётган автокарнинг тезлик графигини чизинг (30-расм).



30- расм,

2. Газнинг турли массалари учун p , p -координата ўқ-ларида изохоралар чизинг (31-расм).

3. Газнинг турли массалари учун p , p -координата ўқларида изобаралар чизинг (32-расм).




31- расм.

273


32- расм.

4. Цилиндрик идишга ҳажмлари тенг иккита ўзаро аралашмайдиган суюқлик — сув ва ёғ қуйилган. Суюқ-



., ликлар гидростатик босимининг баландликка боғлиқ равишда ўзгаришининг схематик графигини чизинг (33- а


Л"Р5?Ге_р?Г,,н?ГтмГр"о"и" «««-»«- - "4а 60СИМ,



33-рasm.

икки мартадан кўпроқ кичрайганда ундаги босимнинг узгаришини кўрсатувчи графикни чизинг (34-расм).

6. Манфий электр заряд билан зарядланган пластинкасини (35-а расм) ерга улаганда ясси конденсаторнинг



34- расм."

35- расм.

ба^кт^иэле^п^п^тИНКаСИ, о^расвадгаи
электр майдондаги- мус-

Агар ўқувчи шундай шартларга кўра схематик гра-фик чиза олса, демак, у ўрганилаётган' ходисани ту-шунган, физик қонуниятни график тасвирлаш йўлларини ўзлаштириб олган бўлади. Бу нарса физик қонуниятларни координаталар тўрида тасвирлаш соҳасида ўқувчининг график саводхонлигини баҳолаш критерийси бўлиши керак. Ўқитувчининг бутун педагогик моҳирлиги ўқувчиларни шундай саводхон қилишга^ қаратилиши керак, чунки бундай саводхонлик уларнинг физикани ўзлаштиришларига ёрдам беради.

, Ўлчашлар натижаларини график тасвирлаш

Физика ўқитиш физик экспериментлар намоиши ва лаборатория ишлари ўтказиш билан бевосита боғлан-ган. Ўқувчилар бажарадиган лаборатория ишлари фи-^ика ўқув программаларида кўзда тутилган ва уларни * бажариш шартдир. Бу ишлар мактаб ўқитиш практика-. сига киритилган. Бироқ ўлчаш натижаларини дарсларда ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш кам бўлади. Шунинг учун физикадан лаборатория ишларининг аҳамияти кўпинча анча пасайиб кетади.

Ҳар доим физик асбоблар билан жуда аниқлик та-лаб этиладиган ишларни бажариш, албатта, уларни ишлата билиш малакасини оширади, лекин бундай иш-ларни бажариш иш натижаларига танқидий қарашга, а*йрим ўлчашларни анализ қилишга, хатоликларни аниқ-лашга ўргатмайди, баъзи ҳолларда ҳатто ходисанинг айни шу лаборатория ишида аниқланиши керак бўлган энг муҳим томонларини тушунишга ҳам ёрдам бермай-ди. Ҳолбуки, графиклардан фойдаланиб, кузатиш. *т* ўлчашларни, масалан, экспериментал маълумотлар бе-рилган чизикда ётмаган ҳолларда осон контрол қилиб туриш ва бирмунча яхшилаш мумкин. Лаборатория ишида кузатилаётган физик процесснинг қандай бориши номаълум бўлганда, график бу физик процесс ҳақида ~асаввур беради ва физик миқдорлар орасида қандай оғланиш борлигини аниқлашга имкон беради. Ниҳоят, рафик ҳисобламасдан интерполяция қил^шга ва бир анча кўшимча ҳисобларни бажаришга имкон беради. Кўпгина лаборатория ўлчашлари шундай ишлаб чи-қишни ва биринчи навбатда уларнинг натижаларини график шаклида кўрсатишни тақозо қилади.

Қуйида натижалари графикларда ифодаланиши ва дарсларда муҳокама қилиниши мумкин бўлган баъзи экспериментал масалалар намуналари келтирилган.

1. Узунлиги 20—25 см резинкани штативга боғланг, унинг эркин учига тарози палласини осинг. Резинканинг шу учига қўзғалмас вертикал шкала бўйлаб ҳаракат-лана оладиган кўрсаткич ўрнатинг. Тарози палласига секин-аста кадоқ тошлар қўя боринг ва ҳар гал юк-нинг палла билан биргаликдаги оғирлигини ва бу наг-рузка таъсирида резинканинг умумий чўзилишини ёзиб боринг.

Тажриба тамом бўлгандан кейин координаталар тўрининг тегишли нуқталарига ўлчаш натижаларини қўйинг; тўғри чизикни шундай ўтказингки, тажриба натижасида топилган нуқталар чизикнинг икки томо-нида ундан минимал узоқликда нечоғлик симметрик жойлашадиган бўлсин; нима учун барча нуқталар чизикда ётмаганлигини тушунтиринг; эластик куч катталиги билан резинканинг чўзилиши орасидаги боғланишга таъриф беринг; графикдан резинканинг чўзилишида бажарилган иш катталигини аниқланг.'

Ўлчашлар натижаларининг бундай муҳокама қилиниши тажрибада қўзда тутилган мақсадга эришишга олиб келади: эластик куч ва резинканинг чўзилиш катталиклари орасидаги тўғри пропорционал боғланиш аниқланади, бундай боғланиш графикда равшан тасвирланади; ҳар бир ўлчашдаги хато ва, ниҳоят, ўзгарувчан куч таъсирида бажарилган иш катталиги аниқланади.

Бу топшириқни тескари тартибда бажариб, яъни резинкага таъсир этувчи кучни камайтира бориб ва яна ўлчашлар натижаларини график тасвирлашдан фойдаланиб, эластик деформациянинг маъноси нимада эканини аёний кўрсатиш мумкин.

Эластик деформацияда чўзилиш иши деформацияланган жисм молекулаларининг ўзаро жойланишига боғлиқ бўлган ички энергиясининг ортишини ифодалайди, шунинг учун бу ишни график ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Эксперимент бундай муҳокама қил-- ганда ўрган^аётган ҳодисанинг миқдорий томони бу ҳодисанинг физик маъносини ўрганиш билан бевосита боғланади.


2. Демонстрацион динамометр стерженига пружина маҳкамланиб, унга 500 Г юк осилади (36- расм). Асбоб-

нинг шкаласини айлантириб, динамометр стрелкаси нолга келтирилади. Агар юкни мувозанат вазиятидан чиқариб, қўйиб юборилса, I куч таъсирида тебрана бошлайди, бу куч асбобнинг кўрсатишларига қараб


ҳисобланади. Бу K куч / $\wedge$ юкнинг оғирлиги билан эластик F куч-нинг тенг таъсир этувчиси бўлади. Тебраниш процессида / $\wedge$ куч 5 юкнинг силжиш катталигига боғ-лиқ равишда ўзгариб туришлиги сабабли

бўлади.

Тажриба маълумотларига қў-ра бу боғланиш графигини чи-зиш ¹ (37-расм); Л $\wedge$ куч 5 юкнинг силжиш катталигига қандай боғ-ланганлигини ифодалаш; тўғри чизикнинг абсциссалар ўқидан пастда ва ординаталар ўқидан чапда жойлашган қисми қандай физик маънога эга эканлигини кўрсатиш талаб қилинади.



36- расм.



37- расм.

3. Электр. чойнакка маълум миқдорда сув қуйинг ва унинг бошлангич температурасини ўлчанг. Чойнакни электр тармоғига уланг ва то қайнаш бошлангунча тенг вақт оралиқларида сувнинг температурасини ўлчаб ва ёзиб боринг. Эксперимент тамом бўлганидан кейин сув температураси билан унинг исиш вақти орасидаги

¹ Бу тажриба А. Б Варнавских ва П. Т. Николаенко томонидан тавсия қилишан. „Физика в школе“ журнэлига қаранг, 1958 й., ■" сон, 61- бет.

боғланиш графигин-и; сув ояган иссиқлик миқдорининг электр токи ажратиб чиқарган иссиқлик миқдорига боғланиш графигини; электр чойнак фойдали иш коэффицентининг унинг исиш вақтига боғланиш графигини чизинг (280- масала).

Ўлчашлар натижаларининг биринчи графиги сувнинг вақт давомида нотекис исишини кўрсатади. Бу ўз навбатида, электр чойнакнинг исиш процессида сувни ўраб турган жисмларга иссиқлик бир хилда узатилмайди, бинобарин, иситгич асбобнинг фойдали иш коэффиценти бир хил бўлмайди деб хулоса чиқаришга имкон беради.

4. Лаборатория ишларини, айниқса, физик практи-кум сифатидаги лаборатория ишларини кўйишда ўлчов асбобларининг кўрсатиш аниқлигига алоҳида эътибор бериш керак. Физик ўлчашларда экспериментаторнинг кузатишларида йўл қўйиладиган хатоларни ва ўлчов асбобларининг кўрсатишларидаги хатоларни ҳисобга олиш керак бўлади¹. Ўлчов асбобларининг (термометрлар, гигрометрлар, амперметрлар, вольтметрлар ва бошқаларнинг) кўрсатиш аниқлиги масалаларига маълум вақт ажратилиши керак. Асбобларни даражалаш, дара-жалаш эгри чизиқларини ва уларга доир тузатмалар эгри чизиқларини чизиш; асбобнинг хатоликлари гра-фигидан ўлчаш натижаларида энг кам хато бўладиган иш шароитини аниқлаш ва шунга ўхшаш ишларни қилиш керак. Масалан, амперметрни текширишда қуйи-даги (3-жадвал) маълумотлар олинган бўлсин.

3- жадвал


Синалаётган амперметрнинг кўрсатишлари I_x (амперларда)	1	,2	3	4	5	6	7	8
Токнинг ҳақиқий қийматлари I_2 (амперларда).....	0,7	1,8	3,1	4,3	5,2	6,1	7	7,8

¹ В. Н. Б а к у ш и н с к и й, Организация лабораторных работ по физике в средней школе, ч. II. Учпедгиз, М., —Л, 1946.

Даражалаш эгри чизиги ва тузатмалар¹ эгри чизи-гини чизинг.

Бу масаланинг ечилиши 38- а ва 38- б расмларда берилган.

5. Баъзи ҳолларда физик микдорлар сон кийматларининг тажрибада жадвал тарзида аниқланган функционал боғланишининг аналитик ифодасини топиш талаб




38- а расм.

қилиниши мумкин. Умуман бундай масалалар энг қийин масалалардир, чунки бунда миллиметрли тўрда ҳосил бўладиган эгри чизикни тўғрилаш учун функциянинг турига қараб у ёки бу (масалан, логарифмик) координаталар тўрини танлаш лозим бўлади³. Эгри чизикларни

¹ Тесқари ишора билан олинган абсолют хато катталиги тузатма дейилади. (Ўлчанаётган катталиқнинг асбоб кўрсатаётган киймати билан ҳақиқий киймати орасидаги айирма шу асбобнинг абсолют хатоси дейилади.)

² К. А. Семендяев, Эмпирические формулы, Гостехиздат, М.—Л., 1933, В. Л. Кирпичев, Основания графической статистики, Гостехиздат, М.—Л., 1933,

тўғрилашнинг бу маълум методи ўрта мактаб физика курсига киймайди. Бироқ тенг ўлчовли тўрда нуқталар тўғри чизик бўйлаб ётса ва ўқувчилар математика курсидан бу тўғри чизикнинг тенгламасини билсалар, у ҳолда функционал боғланишнинг аналитик ифодасини экспериментда олинган жадвал маълумотларига кўра



38- б расм.

аниқлаш қийин эмас. Кўпчилик ҳолларда бундай масалаларни физика тўғараги машғулотида ечиш тавсия этилади. Бундай хил масалалардан битта намуна келтирамиз.

Ток катталигининг ўтказгич учларига берилган кучланишга тажрибада олинган боғланиши 4- жадвалда берилган.

4- жадвал

Кучланиш V (вольтларда).	15	21	33
Ток / (амиерлар- да).....	0,3	0,5	0,7 1,1

Бу физик катталиклар қандай қонун билан боғланган?

1>2

Абсциссалар ўқи бўйлаб II кучланиш қийматларини, ординаталар ўқи бўйлаб эса / ток қийматларини қўй-сак, / нинг $C/$ га боғланиши (тенг ўлчовли шкалалар) координаталар тўрида тўғри бурчакли координаталар системаси бошидан ўтувчи тўғри чизиқ билан тасвирланади. Бу тўғри чизиқнинг тенгламаси

$$y = kx$$

бўлади.

Бизда x — V ва y — I бўлгани учун

$$I = kV$$

бўлади.



¹ Графикка

(ёки жадвалга) кўра $k = \Delta I / \Delta V$. Бинобарин,

$k = 30 = \text{сопзг. Ўтказгичнинг қаршилиги } R = 30 \text{ ом.}$

6. Уй вазифаси тарзида мустақил бажарилган кузатишлар ва ўлчашларни расмийлаштиришда ҳам графиклардан фойдаланилади. Бундай вазифалар қаторига математик маятник тебранишлари даврининг маятник узунлигига боғланиш графикини чизиш, суюқликларда диффузия тезлигининг вақтга боғланиш графикини чизиш, динамометр пружинасининг нағрузка таъсирида узайиш графикини чизиш, ҳаво

» температураси, босими ва намлигининг ҳафт-а ёки ой давомида фиши, квартирада маълум вақт ичида электр энергия ёки газ ри са графикларини, газ горел-



39- расм. Газ счётиги ва унинг шкаласи.

каси фойдали иш коэффициенти билан сув тўлдирилган идишнинг исиш вақт орасидаги боғланиш графикини чизиш ва бошқалар киради. Қуйида иккита мисол келтирамыз.


а) Бир ҳафта давомида ҳар куни эрта билан газ счётигининг кўрсатишларига қараб квартирада газ сарфини ёзиб боринг (39- расм).

Газ сарфининг ҳафталик графигини чизинг.

Графикдан газнинг ҳар кунлик ўртача сарфини ва олинган иссиқлик миқдорини тахминий равишда аниқланг. Газнинг иссиқлик бериш қобилияти 8000 кал/м^3 деб олинади.

1 м^3 газнинг баҳоси 2 тийин бўлса, газдан фойдаланишнинг ўртача бир кунлик таннари қандай?

б) Автомобилда юрганингизда вақтнинг секундомер бўйича ҳисобланган /генг оралиқларида спидометр кўрсатишларини (тўхташлар вақтида ҳам) ва йўл счётигининг ҳаракат охиридаги кўрсатишини ёзиб олинг.



Ҳаракат тезлигининг графигини чизинг. Графикдан ўртача тезлик ва ўтилган йўлни аниқланг. Олинган натижани (йўл катталигини) йўл счётигининг кўрсатиши билан таққосланг.

7.

Ўқувчининг саноат ёки

40- расм. Спидометр шкала-

си ва йўл счётиги. Қишлоқ хужалигидаги иши билан боғлиқ бўлган график топшириқ-ларнинг ҳам катта аҳамияти бор. Ишлаб чиқаришда (иш вақтида ёки экскурсияларда) қилинган ўлчашларга кўра графиклар тузиш ва уни дарсларда анализ қилиш мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги ўлчашда олинган маълумот-ларга кўра ишлов берилаётган буюм диаметри билан қирқиш тезлиги орасидаги боғланишни (токарик станогиди шпинделнинг айланиш тезлиги ўзгармас бўлган-да) маҳаллий электр станциянинг йстеъмол қилинаётган токи қуввати катталигининг вақт ўтиши билан ўзгариш характерини, маълум технологик цикл давомида иситгич печларда температуранинг ўзгаришини ва шунга ўхшашларни аниқлаш мумкин. Бу ўлчашларнинг графикларда ифодаланган натижалари, шунингдек, машиналарнинг ёзиб олувчи қурилмаларида ва асбобларда ҳосил қилинган графиклар (намуналарнинг нагрузкага қараб чўзилиши, иссиқлик электр станциясида газ ёқил-ғининг с^эфи), турли асбобларни даражалаш график-

ларидан ва шунга ўхшашлардан дарсларда, физика курсининг тегишли бобларини ўрганишда фойдаланиш керак. Бундай материални завод ва фабрикаларнинг цехларида ишлаб чиқариш топшириғини бажаришда, завод лабораторияларида, корхоналарнинг техник контрол бўлимларида, трактор ремонти станцияларида, метеорологик станцияларда, кишлоқ хўжалик техникасини, шу жумладан, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган энергетик қурилмаларни ишлашда олиш мумкин.

Масалалар ечишнинг график усуллари

Физикадан баъзи масалаларни график усулда ечиш биринчидан, ўрганилаётган физик ҳодисанинг аёний бўлиши» таъминлайди, масалани алгебраик усулда" ечганда эса ҳар вақт ҳам бунга эришиб бўлмайди. Иккинчидан, ўқувчиларнинг математик савиясини ҳисобга олганда, масалани график усулда ечиш кўпинча ўрта мактабда ишлатиш мумкин бўлган бирдан-бир усул бўлиб қолади. Шу билан бирга, юқорида айтганимиздек, ҳосил бўлган график курснинг масалада қўйилган саволлар доирасидан чиқувчи аввал ўрганилган қисмларини такрорлашга имкон беради.

Бундай ечиш усулининг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги яна шундаки, бунда ўқувчилар чизғич ва лекало билан ишлаш малакасини эгаллайди-лар, керакли координаталар тўри ва масштаб танлашга, айрим ҳисоблар- натижаларини координаталар тўрида белгилаш, олинган натижанинг хатолик даражасини тахминий баҳолаш ва шу кабиларга ўрганадилар. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг берилган физик масалани ёки унинг ечимини, ёки ҳар иккаласини ҳам аёний та-саввур қилишларида график муҳим восита бўлиб қолади. Конкрет мисоллар кўрамиз.

1. Бундай масалалар қаторида жавоби чизиклариинг кесишиш нуқтаси координаталаридан иборат бўлган масалалар ҳам бор:

а) Поезд станциядан чиқди, 25 км/соат ўртача тез-лик билан ҳаракатланмоқда. Ҳар бир соат юргандан кейин у 10 минут тўхтади. Бу поезднинг йўлга чиққанга 5 соат бўлганда унинг кетидан тўхтамасдан соатига 50 км/соат ўртача тезлик билан ҳаракатланувчи

дрезина йўлга чикди. Неча километр ва тахминан неча соат юргандан сўнг дрезина поездни қувиб етади?

Бу саволларга жавоб олиш учун „вақт (соат) — йўл (км)“ ўқларидан иборат координаталар тўрида поезд ва дрезинанинг ҳаракат графиклари чизилади. Тўғри чизик ва синиқ чизикнинг кесишиш нуқтасининг координаталари масаланинг жавоби бўлади.


Бир-бирига қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган иккита жисмнинг учрашишига доир масалалар ҳам шунга ўхшаш ечилади.

б) Иккита бир хил ишорали ∂_z — 100 C05E ва $\wedge_3 = 200\text{C}05\text{E}$ нуқтавий заряд бир-биридан $z = 80$ см масофада жойлашган. Зарядларни бирлаштириб турувчи тўғри чизикда майдон кучланганлиги $E = 0$ бўлган нуқта топилсин (249- масала).

Икки томоннинг ёритилганлиги бир хил бўлиши учун фотометр икки ёруғлик манбаидан қандай масофада туришини аниқлашга доир масала ҳам худди шундай ечилади (358- масала) ва ҳоказо.

в) 40° температурада олинган 150 г сув билан 10° температурада олинган 250 г сувдан иборат аралашманинг температурасини аниқлаш керак.

Бунинг учун „иссиқликмиқдори—температура“ ко-



ўзгаришини-кўрса-тувчи тўғри чизиклар чизилади (41-расм). Тўғри чи-

зиқлар кесишиш нуктасининг ординатаси сон жиҳатдан аралашманинг температурасига тенг.

Тенгламаларни график равишда катта аниқликка ечиш мумкин. Координата ўқлари бўйлаб физик катталикларнинг ўлчов бирликлари учун танланган масштаб натижанинг аниқлигини белгилайди. Юқорида айтиб ўтилган, иккита бир хил ишорали заряддан майдон учланганлиги нолга тенг бўлган нуктагача бўлган масофани аниқлашга доир масаланинг ечилишини кўрайлик.

Бунинг учун абсцисса ўқлари устма-уст тушган, йўналишлари эса қарама-қарши бўлган иккита тўғри бурчакли координаталар системасини ясаймиз. Бу координаталар системасининг боши бир-биридан $r=80\text{ см}$ узоқда бўлсин. Сўнгра $\angle \bullet = 100^\circ$ ва $\angle_a = 200^\circ$ зарядлар ҳосил қилган қучланганликларнинг тескари катталиклари билан r масофа орасидаги муносабатни

характерловчи $\hat{r} = r_1 \cos \frac{\alpha}{2} = r_2 \cos \frac{\beta}{2}$ тўғрива $r = 200$ иккита эгри чизик чизилади. Эгри чизикларнинг кесишиш нуктасининг абсциссаси изланаётган масофа булади (42- расм). Графикдан

$$33\text{ см} < r_x < 34\text{ см};$$

$$46\text{ см} < r_2 < 47\text{ см}$$

эканлиги келиб чиқади.

Бу масофаларни янада аниқроқ топиш учун графикнинг эгри чизикларнинг кесишиш нуктасига бево-сита яқин бўлган қисмини (тегишли масштаб танлаган ҳолда) каттароқ ўлчамда чизиш керак¹ (43- расм). Графикка кўра


$$r_x \sim 33,14\text{ см};$$

$$r_2 = 46,86\text{ см}.$$

Бу масофаларни янада аниқроқ топиш керак бўлса, шунга ўхшаш яшашларни давом эттириб, жавобга янада яқинроқ натижага келиш мумкин. Бироқ бунчалик аниқликка интилишнинг кераги йўқ, чунки натижалари масала шартида иштирок этган кўпгина физик ўлчаларнинг аниқлиги график ҳисоблашлар аниқлигидан кичик бўлади.

¹ Ц. Н. Головин, Графическая математика, М. — Л., 1931, 121-бет.


2 Баъзи масалаларда энг кучли физик таъсир кузатиладиган шароитни аниқлаш талаб килинади. Масалан, электр зақжири ташқи қаршилигининг ташқи занжирда электр токининг энг катта қуввати ажраладиган катталигини аниқлаш (275- масала), электр занжирига



42- расм.

параллел уланган иситгич асбоб қаршилигининг шу асбобда энг кўп иссиқлик миқдори ажраладиган қий-матини- топиш (272- масала), лампадан берилган йўна-лишдаги ер сиртида ёритилганлик энг катта бўлиши учун лампани қандай баландликда осиш керак (360-

масала) ва шу кабилар. Бундай масалаларни элементар математика ёрдамида ечиш қийин. Ҳолбуки, физик миқдорларнинг сон қийматлари орасидаги функционал боғланишни ифодаловчи графикдан функциянинг максимал ва минимал қийматларини топиш қийин эмас.



43- расм.

3. Графиклардан фойдаланишнинг яна бир катта аҳамияти шундаки, графиклар жавоби эгри чизик, эгри чизик чекка нукталарининг ординаталари ва абсцисса-лар ўқи билан чегараланган майдон катталиги билан ифодаланувчи масалаларни (график интеграллашни) ҳеч

йу

кийналмай ечишга имкон беради. Бу масалаларни кўп ҳолларда элементар математика ёрдамида аналитик ечиб бўлмайди. Юқоридаги усул (график интеграллаш усули) биринчи навбатда кинематика формулаларини (текис ҳаракат ва текис ўзгарувчан ҳаракатнинг йўл формулаларини), буғ ёки газнинг бажарган („ҳажм — босим“ ўқларида) иши катталигини аниқлашда қўлланади.

Ўрта мактабда эгри чизик, абсциссалар ўқи ва эгри чизик чекка нуқталари ординаталари билан чегараланган майдонни ҳисоблаш учун каттакларни санаш, тарозида тортиш ва ординаталар йиғиндисини олиш каби тахминий методларни тавсия қилиш мумкин.


Кейинги икки метод билан юзни аниқлаш қўйидаги тартибда бажарилади.

а) Бир хил қалинликдаги картондан томонлари, масалан, 10 см бўлган квадрат кесилади ва уни тарозида тортилади. Квадрат массасини унинг юзига бўлиб, картон „юз бирлиги“нинг массаси аниқланади. Сўнгра графикни картонга қўйиб, кўчириш қоғози ёрдамида юзи аниқланадиган шакл контурини картонга ўтказилади ва картондан шу шаклни кесиб олиб тарозида тортилади. Картондан кесиб олинган шакл массасининг картон „юз бирлиги“ массасига нисбати сон қиймати жиҳатдан изланаётган юзга тенг бўлади.

б) Масалан, газнинг ҳажми 2 л дан 8 л гача ортганда газнинг изотермик кенгайиш ишини аниқлаш керак дейлик (44-расм). Абсциссалар ўқининг 2 ва 8 нуқталари ораллигини исталган сондаги ўзаро тенг қисмларга бўламиз. Бу ораллиқни қанча кўп қисмга бўлинса, ҳисоблаш натижаси шунча аниқ бўлади. Бироқ ўқув мақсадлари учун ҳар бир қисм узунлигини тахминан 5—7 мм қилиб олиш кифоя. Сўнгра бўлиниш нуқталари орқали ординаталар ўқиға параллел ва эгри чизикни кесиб ўтиб бутун юзни айрим полоскаларга бўлувчи тўғри чизиклар ўтказилади. Эгри чизикнинг айрим қисмлари орқали абсциссалар ўқиға параллел шундай тўғри чизик кесмалари ўтказиладики, бундай яшаш натижасида айрим полоскалар юзига тенг бўлган алоҳида тўғри тўртбурчаклар ҳосил бўлсин. Масалан, $ABCO$ тўғри тўртбурчакнинг юзи $AEPH$ нинг юзига тенг бўлсин. Бундай тенглик бўлиши учун BEK ва KFC шаклларнинг юзи баравар бўлиши керак. Ниҳоят, бундай

усулда ҳосил қилинган барча тўғри тўртбурчаклар баландлигини кўшиш ва уларнинг йиғиндисини абсциссалар ўқининг бир қисми узунлигига кўпайтириш ке-рак. Барча тўғри тўртбурчаклар юзига сон жиҳатдан тенг бўлган бу кўпайтма тахминан изланаётган юзга тенг бўлади.

Тўғри тўртбурчаклар баландлигини қуйидагича кўшиш бажарилади. Чети текис қилиб қирқилган қоғоз



лента олинади ва унга графикдан тўғри тўртбурчаклар баландлиги кетма-кет равишда, яъни биринчи тўғри тўртбурчак баландлигининг охири иккинчиси баландлигининг боши билан, иккинчиси баландлигининг охири учинчиси баландлигининг боши билан ва ҳоказо устмас-уст тушадиган қилиб ўтказилади. Сўнгра миллиметрли чизғич ёрдамида лентадан биринчи кесманинг бошидан энг сўнгги кесманинг охиригача, бўлган масофа, яъни барча тўғри тўртбурчаклар баландлигининг йиғиндисини ўлчанади.

Юз катталигини бу усулда аниқлашда нисбий хато 0,1% га яқин бўлиши мумкин. Юзни планиметр ёрдамида ўлчашда ўртача нисбий хато 0,5% бўлишини,

икқат билан ўлчанганда эса, 0,1% га келтирилиши мумкин эканлигини қайд қилиб ўтамиз.

Юзни ҳисоблашга доир масалаларни юқорида кўрсатилган усулда ўлчашда координата ўқлари бўйлаб қўйилган физик катталикларнинг ўлчов бирликлари масштабларига эътибор бериш керак. Масалан, газнинг кенгайиш графигидан бажарилган ташқи ишни аниқ-лашда эгри "чизик, абсциссалар ўқи ва эгри чизикнинг чекка ординаталари билан чегараланган юзи $5=6 \text{ см}^2$ эканлигини топдик дейлик. Бунда масштаб абсциссалар ўқи бўйлаб $1 \text{ см}—10 \text{ л}$, ординаталар ўқи бўйлаб $1 \text{ см}—2 \text{ ат}$ олинган бўлсин. Бунда расмдаги $\backslash \text{ см}^2$ юз $20 \text{ л}—\text{ат}$ ишни ифодалайди. Бинобарин, газнинг кенгайишда бажарган бутун ташқи иши $20 \text{ л}—\text{ат}/\langle X6=120 \text{ л}—\text{ат}$ бўлади.

Агар эгри чизик катак қоғозга чизилган бўлса, у ҳолда мураккаб контур билан чегараланган юз катта-лигини катакларни, санаш йўли билан аниқлаш мумкин. Бу усул, юзни тарозида тортиш йўли билан аниқлаш усули сингари, мукамал эмас. Планиметр билан анча аниқроқ ўлчанади, бироқ мактаб физика кабинет-ларида бу асбоб йўқ. Шунинг айтиш керакки, юқорида кўрсатилган тақрибий усуллар ўрта мактабда ўрганиш учун қийинлик қилмайди ва бу усуллар билан ўлчаш аниқлиги ўқув мақсадлари учун қифоядир.

4. Қатор ҳолларда маълум чегарада ўзгарувчи би-рор физик катталикларнинг ўртача арифметик қиймати-ни аниқлаш зарур бўлиб қолади. Масалан, текисмас ҳаракат қилаётган жисм ҳаракатининг ўртача тезлиги-ни аниқлаш; маълум жойнинг бирор вақт оралиги да-вомидаги ўртача барометрик босимини аниқлаш, буғ (ёки газ)нинг ҳолати ўзгарганда унинг ўртача босимини аниқлаш; индуктивлиги бўлган занжирда токнинг зан-жир уланган вақтдан стационар режим бошлангунча бўлган оралиқдаги ўртача қийматини аниқлаш; занжир-даги ток қувватининг маълум вақт ичидаги ўртача қийматини аниқлаш; тебранаётган жисм потенциал энергиясининг бир тебраниш давомидаги ўртача каттали-гини аниқлаш ва шунга ўхшашлар.

Бундай ҳолларда физик катталикларнинг ўзгариш эгри чизиги, абсциссалар ўқи ва эгри чизикнинг чекка нуқталари ординаталари билан чегараланган юзни аниқ-лаш ва бу юз катталигини эгри чизик чекка нуқта-

ларининг абсциссалари айирмасига бўлиш керак.¹ Ўртача арифметик қийматни бундай усулда топиш аниқлиги юзни ҳисоблаш аниқлиги чегарасида бўлади.

5. Ниҳоят, баъзи физик масалаларни, масалан, баъзи эгри чизиқлар хоссаларидан ёки содда геометрик яшашлардан фойдаланилган ҳолда, геометрик йўл билан ечиш мумкин.

Иккита мисол кўраемиз:


а) Физика курсида $\frac{1}{C} + \frac{1}{C'} = \frac{1}{C''}$ тенглама кўринишидаги бир қатор боғланишлар ўрганилади. Масалан, ўтказкичларни параллел улаш формуласи, конденсаторларни кетма-кет улаб батарея ҳосил қилиш формуласи, линза ва кўзгуларнинг қўшма фокуслари формуласи, яъни

$$\frac{1}{C} = \frac{1}{C_1} + \frac{1}{C_2}.$$


$$\frac{1}{C} = \frac{1}{C_1} + \frac{1}{C_2};$$

ё $\frac{1}{C''} = \frac{1}{C_1} + \frac{1}{C_2}$ ва y катталиклари орасидаги

боғланиш геометрик жиҳатдан асимптоталари координаталари c, c' бўлган A нуқтада кесишувчи тенг тармоқли гипербола билан ифодаланади (45- расм).



45- расм.



46- расм.

¹ Сон қийматлари координаталар ўқлари бўйлаб қўйилган физик катталикларнинг ўднов бирликлари учун танлаш ан масштаб-ларга эътибор бериш керак.

Айтайлик, еруғлик чиқаетган буюмнинг линзадай узоқлиги a ва a' шу линзанинг фокус оралиги F маълум бўлганда буюм тасвирининг линзадан узоқлиги T ни аниқлаш керак бўлсин.

Масалани график равишда ечиш учун гипербола чизишнинг кераги йўқ. Тўғри бурчакли координаталар системаси текислигида координаталари F, F' бўлган L нуктани олиш кифоя (46- расм), сўнгра абсциссалар ўқида координаталар бошидан бошлаб y катталикини қўйиш ва бу кесманинг M учи ва A нукта орқали ўтиб ординаталар ўқини N нуктада кесувчи тўғри чизик ўтказиш керак. OM кесманинг узунлиги изланаётган / катталikka тенг бўлади.

Ҳақиқатан ҳам,

Д О/УЖ оо д ЯЛМ.

Шунинг учун

$$\frac{OM}{KM} = \frac{a}{a'}$$

ёки

$$\frac{OM}{F} \sim \frac{a}{a'}$$

демак

ёки

$$a - a' = a - \varepsilon + \varepsilon OM.$$

Тенгликнинг ҳар икки томонини $a - OA' - F$ га бўлиб,

$$\frac{1}{r} - \frac{1}{a} = \frac{1}{f}$$

формудани ҳосил қиламиз.

Бу формулани линза формуласи

га таққослашдан


$$OM = ($$

эгани келиб чиқади.

Масаланинг ечилиши (исботсиз юқорида келтирилган) формула бўйича ҳисоблашдан кўра осонроқ эканлиги шубҳасиздир.

a ва T катталиклар орасидаги боғланишни ифодаловчи гипербола чизилган деб олиб, линзанинг фокус


оралигини аниқлаш мумкин. Бунинг учун бир-бирига мос бўлган: $M(u, 0)$ ва $N(0, f)$, шунингдек, $P(u, 0)$ ва $B(f, u)$ нукталар орқали тўғри чизиклар ўтказиш керак (47-расм). Тўғри чизикларнинг кесишиш нуқтаси A нинг координатлари линзанинг бош фокус оралигига сон жиҳатдан тенгдир.



47-расм.

Бу масала ўрта мактаб математика программаси доирасига кирмайди, шунинг учун уни физика ёки математика тўғрисида муҳокама қилиш мумкин. Мазмуни жиҳатдан эса бу масала қатор физик масалалар типидандир.

б) Параллел уланган ўтказгичларнинг умумий қаршилигини геометрик усулда аниқлаймиз. MM тўғри чизикнинг исталган A ва B нуқталаридан баландлик-



48-расм.

лари мос равишда $\angle \alpha$ ва $\angle \beta$ га тенг бўлган перпендикулярлар чиқарамиз (48-расм). Сўнгра ҳар бир перпендикулярнинг C ва O учини мос равишда B ва A асослар билан тўғри чизик орқали бирлаштирамиз. Тўғри чизикларнинг кесишиш нуқтасидан AB тўғри чизикқа-ча бўлган OP масофа сон жиҳатдан умумий $\#$ қарши-ликка тенг бўлади¹. Ҳақиқатан ҳам,

ΔACB ю ΔPOB ва ΔBOA оо

ΔPOA . Учбурчаклар ўхшашлигидан

$$\frac{OP}{BP} = \frac{OP}{AP} \\ \frac{1}{R_1} \sim \frac{1}{R_2} \sim \frac{1}{R} \sim \frac{1}{AB} \cdot$$

¹ Э. А. Корзун, Графические приёмы решения задач на параллельное соединение проводников, Физика в школе* журналы, 1946, № 1-2. ■ ■ ■ 1. А. И. Резкоков

Бу тенгликларни қўшамиз:

$$OP \cdot OP = BP + AP$$

$$/?, \quad ' \quad H_3 \sim \sim \quad AB$$

ва ҳар иккала қисмини OP га бўлиб, қуйидаги тенгликни ҳосил қиламиз:

$$L + L-1-$$

$$\ll 1 \wedge /?, \quad OP-$$

Нихоят, бу ифодани $\wedge - + --- = \wedge -$ формула билан таққослаб

$$OЯ = /?$$

эканини топамиз.

Умумий қаршилик айрим ўтказгичнинг қаршилигидан кичик эканлиги расмдан кўриниб турибди. Агар занжир параллел уланган учта ўтказгичдан иборат бўлса, уларнинг умумий қаршилиги қуйидагича аниқ-ланади: баландлиги учинчи ўтказгичнинг қаршилиги Y_{ii} га мос бўлган перпендикуляр чизилади ва K ва $/?_3$ лар бундан аввалги ҳолдагидек қўшилади.

Бундай масала ечиш методи^линза ва кўзгулар учун ҳам қўлланиши мумкин.

Физика курсида бундай хил геометрик яшашларнинг методик аҳамияти координаталар тўридан фойдаланишдан кўра камроқ бўлади.

Юқорида келтирилган геометрик яшашлар ёрдамида ечиладиган масалалар барча методлардан етарлича фойдаланишни ўз ичига олмайди. Биз бу ерда ечилиш методига кўра ўрта мактаб физикасига доир масала ва саволлар тўпламига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлган масалаларнигина санаб ўтдик.

§ 4. Физика ва математика курсларининг ўзаро алоқаси ҳақида

Физика ва математиканинг ўзаро алоқаси методик жиҳатдан икки йўналишда амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, бу ўқув предметлар бўйича программани ўтиш вақт жиҳатдан мувофиқлаштирилиши зарур, иккинчидан, физика ва математика дарсларида ўрганиладиган айни бир хил тушунчалар ягона нуқтаи назардан талқин этилишига эришиш керак. Бу ерда гап бир предметни ўрганишда иккинчисининг „ёрдмчи“ роли

тўғрисидагина эмас, балки айтиб бериш учун материалнинг мазмунини жиҳатидан ҳам бу предметлар орасида мустаҳкам алоқа бўлиши кераклиги ҳақида бораётир. Ўқитувчи диққатини масаланинг худди шу томонига жалб қилмоқчимиз.

Функциянинг математик тушунчаси мактаб физика курси учун айниқса катта аҳамият касб этади. Ҳар бир формулада физик катталиклар орасидаги функционал боғланишлар кўрилишини реал, мавжуд жисмларнинг ўзаро таъсирини ва бу жисмлар орасидаги боғланишларни акс эттирилишини ўқувчилар физикадан биринчи дарслардаёқ кўришга ўргана олмаслик хавфига эътибор бериш керак. Шунинг учун функционал боғланишнинг тўғри тушунилишига алоҳида диққатни жалб қилиш керак.

Профессор В. Л. Гончаров бундай деб ёзган эди: „Икки ўзгарувчи катталиклар (харфни) ўзаро боғловчи функционал боғланиш характери тушуниш учун бу катталикларнинг ўзаро мос жўфт қийматларининг тўпламига назар солмоқ керак.“

Бунинг учун эса функционал боғланиш графигининг аёний образи — геометрик моделга муқаррар равишда таянмоқ керак“.

График яшаш принципини тушунишнинг ўзига етарли эмас. Графикни чизиш, ўқиш, уни яшаш учун таянч нуқталарини белгилаш, уни ишлата билиш керак. Бунинг учун узоқ муддат машқ қилиш керак.

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, физика ўқитиш практикасида функция тушунчаси афсуски, ҳар вақт ҳам тўғри талқин қилинавермайди.

Бир ўзгарувчи функциялар мактабда анча яхши ўрганилади. Бундай функцияларга жисм ҳаракат тезлигининг вақтга боғланиши $v = at$ (ва ўтилган йўлнинг вақтга боғланиши $s = \frac{1}{2}at^2$; m массали жисм олган тезланишнинг унга таъсир қилаётган куч катталигига боғланиши $a = \frac{F}{m}$ кувватнинг ток катталигига квадратига боғланиши $P = R I^2$ математик маятник тебранишлари

¹ В. Л. Гончаров, Математика как учебный предмет, „Известия Академии педагогических наук РСФСР“, выш. 92. М., 1958, 63- бет.

даврининг маятник узунлигига боғланиши (Ер шарининг муайян жойи учун) $7=2\pi\sqrt{\frac{l}{g}}$; жисм ҳажмининг радиусига боғланиши $V = \frac{4}{3}\pi r^3$ ва шунга ўхшаш боғланишлар киради.

Шу билан бирга, мактаб физика курсида икки ўзгарувчи функцияларни ифодаловчи боғланишлар ҳам ўрганилади. Ўқувчиларнинг бундай функционал боғланишларни ўзлаштиришлари анча қийинроқ бўлади. Бу боғланишлар физика ўқитиш практикасида етарлича тушунтириб берилмайди, шунинг учун уларни ўрганиш янада қийинлашиб кетади.

Масалан, $I = U$ формулани кўрайлик. Ўтказгичнинг қаршилиги шу ўтказгичнинг ўлчамларига ва шу ўтказгич ясалган модданинг хоссаларигагина боғлиқ деган фактдан кўпинча бу ифода икки ўзгарувчи — кучланиш U ва ток катталиги I нинг функцияси эмас деб хулоса чиқарилади. Ҳолбуки, бу ерда икки хил масалани ажратиш керак.

1. Агар гап маълум $I = U$ қаршиликли биргина ўтказгич устида бораётган бўлса, у ҳолда Ом қонунидан келиб чиқувчи $U = IR$ формула ҳақиқатан ҳам, кучланиш тушишининг ток катталигига тўғри пропорционал эканини, яъни V биргина ўзгарувчи I нинг функцияси эканини билдиради, $I = U$ қаршилиқ эса параметр бўлади.

2. Ом қонунидан, шунингдек, қаршилиқ $I = U$ — т-эканлиги ҳам келиб чиқади. Бу ерда $I = U$ икки ўзгарувчи — V ва I нинг функцияси. Бу функцияга қараб қаршилиқда кучланиш тушиши ва ток катталиги берилган қийматларга эга бўлиши учун ўтказгичнинг R қаршилиги қандай бўлиши керак деган саволга жавоб бериш мумкин.

Бунда R ва I ларнинг жуфт сон қийматлари тўплами функциянинг аниқланиш соҳасини, $I = U$ нинг тегишли қийматларининг тўплами эса функция қийматларининг тўпламини ҳосил қилади.

Худди шу формулани анализ қилишдан бир хил кучланиш берилган турли ўтказгичларнинг қаршиликлари шу ўтказгичлардан оқётган ток катталигига тескари пропорционал бўлиши келиб чиқади. 68

Агар бир хил катталиқдаги ток оқаётган турли ўтказгичлар қўрилатган бўлса, ўтказгичларнинг қаршилиги уларга берилган кучланишларга (ёки кучланиш тушишларига) тўғри пропорционал бўлади.

Бизларга маълум бўлган $cI = -\gamma$ (бунда γ жисмнинг солиштирма оғирлиги, $-P$ — оғирлиги ва V — ҳажми), $V = -m$ (бунда V — текис ҳаракатнинг тезлиги, S — йўл, t — ҳаракат вақти) ва бошқа формулалар ҳам шунга ўхшаш талқин этилади.

Биринчи ҳолда бир хил оғирликдаги жисмларнинг солиштирма оғирликлари шу жисмларнинг ҳажмларига тескари пропорционал бўлиши, бир хил ҳажмдаги жисмларнинг солиштирма оғирликлари эса уларнинг оғирликларига тўғри пропорционал бўлиши ҳақида сўз боради. Иккинчи ҳолда тенг йўл ўтган жисмларнинг тезликлари ҳаракат вақтига тескари пропорционал бўлиши, тенг вақт давомида ҳаракатланган жисмларнинг тезликлари ўтилган йўлга тўғри пропорционал бўлиши ҳақида сўз боради.

Шундай қилиб, физик формулани тўғри талқин қилиш учун ҳар гал шу формула билан тавсифланаётган конкрет масалани анализ қилиш зарур.

Биз юқорида математика дарсларида физик мазмундаги масалалардан ҳам бир нечасини ечиш кераклигини айтиб ўтдик. Бундай қилиш ўз навбатида математика ўқитувчилари учун ҳам фойдалидир. Шунинг учун физик катталиқлардан бирининг иккинчисига боғланиш характерици бир хил талқин қилиш ҳақида мутлақо равшан ва аниқ келишиб олиш зарур¹.

Физика ўқитувчилари учун чизиқли функция ва унинг тўғри пропорционаллик билан алоқаси ҳақидаги масала ҳам қизиқарлидир.

Бирор x аргументга нисбатан биринчи даражали тешлама билан ифодалана оладиган функция чизиқли функция дейилади:

$$y = kx + b.$$

¹ Юқорнда келтирилган икки ўзгарувчи функцияларга доир Иисолларнинг анализи ва хулосалар Л. И. Р е з н и к о в ва А. Я. М а р г у л и с н и н г "Хвизь курсов математики и физики" номли мако-ласида баён қилинган. „Математика в школе" журнали, 1957, 1-сон, 24—27-бетлар.

Бунда κ ва B — ихтиёрий ўзгармас, лекин берилган сонлардир¹.

Текис тезланувчан ҳаракатда тезлик формуласи

$$v = v_0 + at;$$

изохор процессда газ босимини аниқлаш ифодаси $p_1 =$

Гей-Люссак қонунининг ифодаси, қизиган стержен узунлигини аниқлаш формуласи, қизиган ўтказгичнинг қаршилиги ва бошқаларнинг ифодаси чизиқли функцияга мисол бўлади.

Бунда κ мос равишда a ва p_0 (сопз[^]) га тенг, B эса y_0 ва p_0 га тенг. B вақт ва B° температура аргумент бўлиб, охириги тезлик v , ва газнинг процесс охиридаги босими p_2 эса функциядир.

κ ва B нинг ишоралари ва қийматларига қараб тўғри бурчакли координаталар системасида чизиқли функцияни тасвирловчи тўғри чизиқнинг система ўқларига қиялиги ва унинг ўқларда координаталар системаси бошидан ўнгга ва чапга, абсциссалар ўқининг устида ва остида кесган кесмалари турлича бўлади.

$B=0$ бўлганда, $y=kx$ бўлади. Шунинг учун $k = \kappa$,

яъни ўзгармас катталиқ бўлади. Бу аргумент маълум сон марта ўзгарганда, функциянинг ҳам шунча марта ўзгаришини билдиради. Бироқ бундан ҳали аргумент ортганда функция ҳам ортади, деган хулоса чиқмайди; аргумент ортганда функция камайиши ҳам мумкин. Бу κ коэффициент олдидаги ишорага боғлиқ бўлади.

таъсир қилувчи F кучни
(бу куч ишқалиш кучига
тенг) мос равишда оши-
риш керак бўлди. Таж-
рибанинг кўрсатишича F
нинг F га боғланиши
қуйидагича экан (5- жад-

1. F кучнинг брусокнинг
 A плитага босим кучига
боғланиш графигини чизинг.

2. Диаграммадаги тўғри[^]
чизикнинг бир неча нуқта-
лари учун темирнинг те-
мирга ишқалиш коэффици-
ентини аниқланг.

3°. Босим кучи қийматла-
ри қўйилган тўғри чизикнинг
абсцисса ўқиға қиялик бур-
чаги тангенсини аниқланг.

4°. Ишқалиш коэффиценти билан топилган бурчак-
нинг тангенси орасида қандай боғланиш бор?

50. 108- расмда ишқалиш кучининг бир қаттиқ жисм-
нинг иккинчи қаттиқ жисм бўйлаб ҳаракат тезлигига
боғланиши кўрсатилган.

Абсцисса ўқи устидаги эгри чизик кесмасининг қан-
дай физик маъноси бор; абсцисса ўқи оетидаги эгри чизик
кесмасининг қандай физик маъноси бор?

Юкнинг оғир- лиги Q (кг ларда)	Таъсир қилув- чи куч ёки сирпаниш иш-қалиши кучи F (кг)
1	0,42
2	0,56
3	0,70
4	0,84
5	0,98

5- жадвал

51. 109-расмда ишқалиш кучининг қаттиқ жисмнинг суяқликда ҳаракатланиш тезлигига боғланиши берилган.

$P \cdot$

e

108-расм.


109-расм

1. Жисмнинг ҳаракатланиш тезлиги $V = 0$ бўлганда ишқалиш кучи нимага тенг?

2. Ордината ўқидан чап томонда бўлган эгри чизик кесмасининг физик маъноси нима; ординаталар ўқидан ўнг томонда бўлган кесмасининг физик маъноси нима?

К ў р с а т м а 1) 108 ва 109-расмларни таққосланг.

52. Мотороллернинг тезлик графигига қараб (110-расм), ҳаракат вақтида мотороллерга кучлар қандай таъсир этганини аниқланг.



110-расм.

§ 12. Жисмларнинг эркин тушиши

Жисмларнинг тушишда ва бирор бошланғич тезлик билан тик юқорига кўтарилишда ўтган йўли ва ҳаракат тезлиги графикларини чизиш бу ҳаракатлар текис ўзгарувчан ҳаракатнинг хусусий ҳоллари эканини тушуниб олишга ёрдам беради.

Жуда оддий эксперимент ёрдамида Галилейнинг жисмлар тушишига доир қонунларини текшириш мумкин, бу қонунлар ўзгармас куч таъсирида бўлаётган ҳар қандай текис тезланишли ҳаракат учун ўринли бўлади (58- масала).

Икки жисмнинг учрашишига доир масалаларни бу бўлимда эркин тушаётган жисм ва бирор бошланғич тезлик билан юқорига отилган жисмнинг учрашиш ҳолига татбиқ қилиш мумкин.

Шунингдек, бу бўлимда горизонтал йўналишда отилган ёки горизонтга бирор бурчак ҳосил қилиб отилган жисмлар ҳаракатининг траекторияларини чизишга доир масала ва машқлар ҳам берилган. Бу масала ва машқлар текис ҳаракат ва текис ўзгарувчан ҳаракат қонунларини такрорлашга имкон беради, ҳаракат графиги ва ҳаракат траекториясининг бошқа-бошқа тушунчалар эканлигини тушуниб олишга ёрдам беради.

53. Бўшлиқда эркин тушаётган жисмнинг йўл ва ҳаракат тезлиги графикларини чизинг.

54. Ҳавода тинч турган ҳаво шаридан ташлаб юборилган балласт $V = 100 \text{ км/сек}$ тезлик билан ерга тушди.

1. Балласт ҳаракатининг тезлик графигини чизинг.

2. Ҳаракаттезли-

ги графигидан ҳаво шарининг кўтарилиш баландлигини аниқланг.

км

50

1,0

30

20

10

55.
нисбатан
турган

Ҳавода

Кўрсатмалар:

1) ҳавонинг қарши-лигини ҳисобга олманг;

2) $\varphi = 10 \text{ м/сек}^2$ деб олинг.

Ерга ҳаракатсиз вертолётдан геологик

п

артия

учун 150 м баландликдан юк ташланди.

1. Юкнинг ҳаракат траекториясини чизинг.

2. Юкнинг йўл графигини чизинг..

Кўрсатмалар: 1) ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олманг;

2) $\varphi = -10 \text{ м/сек}^2$ деб олинг.

56. 111-расмда юқорига тик отилган жисм потенциал энергиясининг жисмнинг кўтарилиш баландлигига боғланиш графиги берилган.

по

1. Графикдан жисмнинг Ер сиртидаги потенциал ва кинетик энергиясини ва, шунингдек, $H = 2,5; 5; 10$ м баландликдаги кинетик ва потенциал энергияларини топинг.

2. Жисмнинг массасини ҳисобланг.


3. $\kappa = 6$ м баландликда жисмнинг тезлигини аниқланг.

57. Оғирлиги 200 Н бўлган шарча тик юқорига 10 м баландликка отилди.

1. Шарча потенциал энергиясининг баландликка боғланиш графигини чизинг.

2. Йўлнинг исталган нуктасидаги шарчанинг кинетик энергиясини графикдан қандай аниқлаш мумкин? Шарчанинг отилгандаги энг катта кинетик энергиясини қандай аниқлаш мумкин?

58. Бир оз қия қўйилган тахтага (112-расм) миллиметрли қоғоз варағи ёпиштирилган. Қоғознинг четлари



112- расм.

тахта четларига параллел Қоғозга унинг юқори' че

тига параллел бўлган тўғри чизик. чизинг. Асоси чизилган тўғри чизикда бўлган нов бўйлаб бўёқ ёки сиёҳга боғотирилган шарчани қўйиб юборинг. Шарчанинг қоғозга чизган траекториясига қараб қуйидагиларни йсботланг:

1. Шарчанинг қия текислик узунлиги бўйлаб ўтган йўли ўзаро натурал сонлар қатори квадратининг нисбати каби бўлади.

2. Шарчанинг кетма-кет тенг вақтлар ичида ўтган йўли ўзаро тоқ сонлар қатори каби нисбатда бўлади (Галилейнинг жисмлар тушишига оид қонунлари).


59. Горизонтал йўналишда отилган жисмнинг ҳаракатини ўрганишга доир лаборатория ишини бажаришда баллистик пистолетдан шарча 3 м/сек тезлик билан отилган. Отиш баландлиги 1 м .

1. Шарча ҳаракатининг траекториясини чизинг.

2. Шарчанинг энг узоқ учиш масофасини график равишда аниқланг.

60. Горизонтга бурчак ҳосил қилиб отилган жисмнинг ҳаракатини ўрганишга доир лаборатория ишида баллистик пистолетдан шарча горизонтга 30° бурчак остида $3,5 \text{ м/сек}$ тезлик билан отилган.

1. Шарча ҳаракатининг траекториясини чизинг.
2. Отиш бурчаклари 45° ва 60° бўлган ҳоллар учун ҳаракат траекториясини чизинг.
3. Шарча қайси ҳолда энг узоққа тушади?
4. Отиш бурчаклари қандай бўлганда учиш узоқ-лиги бир хил бўлиб, кўтарилиш баландлиги ҳар хил бўлади?
61. Ёмолёт қўниши мумкин бўлмаган жойлардаги метеорология станцияларига юқлар самолётдан ташланади. Самолётнинг го-



ризонтал тезлиги 250 км/соат ; учиш баландлиги 400 м .

кат траекториясини чизинг.

2. Юкнинг вертикал йўналишда ҳаракатланиш графигини чизинг.

Кўрсатмалар:

- 1) ҳавонинг қаршичилигини ҳисобга олманг;
- 2) g ни 10 м/сек^2 га

2 3 б
113- расм.

те
нг
де
б

олинг.

62. 113-расмда қия текисликдан ишқалиш-сиз ғилдираб тушаёт-қандай ўзгариши кўрсатил-

аравачанинг тезлиги

г

Графикда ҳаракатнинг қандай тури тасвирланган.

1.

'9 нинг физик маъноси нима?

Шу хилдаги ҳаракат учун тезлик формуласини ган?

2.

3.

ёзинг.

■ 4. Текисликнинг грризонтга қиялик бурчаги α катталашганда график қандай ўзгаради? α бурчак кичиклашганда-чи?

5. Агар 113-расмда қия текисликнинг горизонт би-лан ҳосил қилган бурчаги $\alpha = 5^\circ$ бўлса¹, оғирлик кучининг тезланиши нимага тенг?

¹ 81п 5° — $0,102$. Ўқувчилар тригонометрияни билмасалар 31п •» ўрнига қия текислик баландлигининг унинг узунлигига нисбатини бериш керак.

§ 13. Айлана бўйлаб текис ҳаракат

Доиравий ҳаракатга доир бир неча машқ ва масала-лар ўқувчиларнинг нуқтанинг айланма (чизиқли) тез-лиги шу нуқта ҳаракатланаётган айлана радиусига қандай боғлиқлиги ва бир жисмнинг барча нуқталари учун бурчакли тезлик бирдай бўлиш. Ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга; марказга интилма тезланиш ва марказга интилма кучнинг тезликка боғлиқ равишда ортиши, бу катталикларнинг масофага боғлиқ равишда қандай равишдан тезроқ бўлиши ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутди.

Ўқувчилар диққатини шу нарсага жалб қилиш керакки, марказга интилма кучни фойдаловчи $F = m\omega^2 r$ ва $F = \frac{mv^2}{r}$ формулалардан бири кучнинг айланиш радиусига тўғри пропорционал бўлганини, иккинчиси эса тескари пропорционал бўлганини кўрсатишига қарамай, ҳар иккала формула билан аниқланувчи марказга интилма куч бир-бирига тенг бўлади. Бу формулалар орасида зидлик йўқ, чунки оддий алгебраик алмаштиришлар ёрдамида бу формулаларнинг бири иккинчисига айланади.

63. Патефон дискининг радиуси 12 см бўлиб, диск минутига 78 марта айланади. Диск нуқталари айланиш тезлигининг нуқталардан айланиш ўқигача бўлган масофага боғланиш графигини чизинг.

64¹. Диск нуқталарининг айланиш тезлиги билан уларнинг айланиш радиуслари орасидаги боғланиш графигидан (114- расм) фойдаланиб, қуйидагиларни аниқланг:

1. Диск 60 *айл/мин* тезлик билан айланганда диск марказидан 80 мм ва 160 мм масофадаги нуқталарнинг айланиш тезлигини аниқланг.

2. Графикда кўрсатилган ҳамма айланишлар" сони учун дискнинг бурчак тезлигини аниқланг.

3. Диск радиуси 200 мм бўлганда диск маркази-Даги нуқтанинг минутига 30 айланишдаги айланиш тез-лиги минутига 75 айланишдаги айланиш тезлигидан неча марта кичик бўлади?

¹ Мисала мазмун қисман И. Я. Штерман ва А. И. Гальпериннинг "Сборник задач по основам технической механики" китобидан олинган. Трудрезервиздат, М., 1958, 34- бех.

65. 115-расмда айланишлар сони турлича бўлган-да станокнинг кесиш тезлиги билан парма диаметри O орасидаги боғланиш графиги берилган. y

100

80

60

40

20

"200Л

										псайл
										5** ^у МИИ
										^ ^у ИИП
										~*** ^у МИИ

44


160

80

120


114- расм.

1. Агар парма минутига 19 м кеса олса, 20[«] диаметрли тешик пармалаш учун парманинг айланишлар сонини қандай олиш фойдали?



115- расм.

2. Айланишлар сони 475 айл/мин бўлса, диаметри 10 мм тешикни пармалашда станокнинг кесиш тезлиги қандай бўлади?



£6. Ернинг биринчи совет суъний йўлдоши 8 км/сек тезликда 900 км баландликка ўз орбитасига чиқди.

1. Бу шароитда Йўлдошнинг Ерга нисбатан марказ-га интилма тезланишини аниқланг.

2. Бу вақтдаги марказга интилма тезланиш графигини чизинг.

3. Йўлдош ичидаги жисмлар учун оғирлик кучи-нинг тезланиши қандай бўлади?


Кўрсатмалар. 1) Йўлдош доиравий траектория бўйлаб ҳаракатланади ва 2) Ер радиуси 6370 км га тенг деб олинсин.

67. Трамвай рельслари қабариклиги қарама-қарши томонга қараган иккита бир-бирига келиб қўшилувчи айланалар ёйини ҳосил қилади. Ёй ҳосил қилувчи ташққи рельсларнинг радиуслари 300 м га тенг.

Йўлнинг бу қисмида 9 км/соат тезлик билан ҳаракатланаётган трамвайнинг марказга интилма тезланиши графигини чизинг.

68. Йўлнинг бир қисмида чуқурлик ва баландлик бўлиб, улар радиуслари мос равишда 100 м ва 150 м бўлган бир-бирига келиб қўшилувчи 30° ва 20° ли икки ёй ҳосил қилади.

Йўлнинг бу қисмини босиб ўтаётган велосипедчига таъсир қилувчи марказга интилма кучнинг ўзгариш графигини схематик равишда чизинг.



117-расм

69. 116-расмда марказга интилма кучнинг тезлик V га (A эгри чизик) ва айланиш радиуси R га (B эгри чизик) боғланишини тасвирловчи эгри чизиклар келтирилган.

Д. Айланиш тезлигини, 2, 3, 4 марта оширганда, айланиш радиусини 2, 3, 4 марта оширганда марказга интилма кучнинг неча марта ортишини графикдан текширинг.

2. Олинган маълумотлардан қандай хулоса чиқариш мумкин?

70. 117-расмда моддий нуқтага таъсир этаётган марказга интилма кучнинг шу нуқтанинг айланиш ради-

усига боғланиш графиклари берилган. Биринчи ҳолда бу куч $/?$ радиусга тўғри пропорционал (A тўғри чизик), иккинчи ҳолда эса C радиусга тескари пропорционал (B эгри чизик).

Бундаги „зидликни“ қандай тушуниш керак?

**V боб. КУЧЛАРНИ ПАРАЛЛЕЛОГРАММ ҚОИДАСИГА
МУВОФИҚ ҚЎШИШ ВА АЖРАТИШ**

Бир-бирига бурчак ташкил қилиб таъсир этувчи кучларни қўшишга ва кучни икки ташк-ил этувчига ажратишга доир масалаларни ечишда ўқувчилар вектор микдорларни қўшиш ва айиришни ўрганадилар. Ўқувчилар топшириқларни бажариш процессида микдорларни вектор кўринишида шартли тасвирлашга, транспортирдан, чизғичдан, масштабдан фойдаланишга ўрганадилар. I

Масалаларни график ечиш учбурчаклар ўхшашлигини ва тригонометрик функцияларни билмаган ҳолда бир-бирига ҳар қандай бурчак ҳосил қилиб йўналган кучлар таъсирини ўрганишга имкон беради. Фақат параллелограммни яшашда унинг томонлари ва диагонали бўйлаб кучлар қийматини бир хил масштабда қўйиш керак.

Ушбу қўлланмада қия текисликда турган жисмга қўйилган тенг таъсир этувчи куч катталигини топиш учун кучларни параллелограмм қоида-сига мувофиқ ажратишдан эмас, балки бу қоидага мувофиқ қўшиш-дан фойдаланилади. Шунинг учун жисмга қўйилган барча кучлар بازارга олинади.

Ҳақиқатан ҳам, қия текисликдаги жисмга Ер ва қия текислик таъсир қилади. Масалан, брусочка Ер унинг P оғирлик кучига тенг бўлган куч билан таъсир қила-ди, қия текислик эса брусочка таъсирида деформацияла-ниб, унга T куч билан қарама-қарши таъсир кўрсатади. Бу таянч реакцияси қия текисликка перпендикуляр йў-налган. P ва T кучларнинг геометрик йиғиндиси бру-сочка қия текисликка параллел равишда қўйилган тенг таъсир этувчи куч бўлади.

^ . Ташкил этувчи кучлар берилган бўлганда тенг таъ-сир этувчи кучнинг катталиги ва ажралувчи куч бе-рилган бўлганда уни ташкил этувчи кучларнинг катта-лиги ташкил этувчи кучлар орасидаги бурчакка боғлиқ бўлади.

Парзлеллограмм қондасига доир масалалар ечишда турли-техник қурилмаларнинг, масалан, кронштейн ёки кўтаргич краннинг моделларини яшаш ва деталларнинг чўзилиш ва сиқилиш деформация юз берадиган жойларига динамометрлар қўйиш керак. Динамометрларнинг кўрсатишларига қараб масаланинг график ечилиши тўғри ёки хато эканлигини текшириш мумкин.

§ 14. Бир-бирига бурчак ҳосил қилиб таъсир этувчи кучларни қўшиш

71. Юк ҳар бири 50 кГ куч билан тортилувчи арқонларга боғлаб қўчирилмоқда. Арқонлар ўзаро $\alpha = 30^\circ$ бурчак ҳосил қилган.

1. Юкнинг қўчиш йўналишидаги таъсир этувчи кучни график равишда аниқланг.

2. Арқонлар орасидаги бурчак $\alpha = 0^\circ; 45^\circ; 90^\circ; 135^\circ$ бўлганда юкка унинг қўчиш йўналишида таъсир этувчи кучни график равишда аниқланг.

3. Тенг таъсир этувчи куч катталигининг арқонларнинг ўзаро ҳосил қилган бурчагига боғланиш графигини чизинг.

4. Арқонлар ҳосил қилган бурчак ўзгарганда бу кучнинг катталиги қандай ўзгаради?

5. $\alpha = 120^\circ$ бўлгандаги графикдан тенг таъсир этувчи кучни аниқланг.

72. Трослар ёрдамида баржани иккита тортқи билан шатакка олинади. Тортиш кучи ва ҳаракатга қаршилиқ қилувчи кучларнинг тенг таъсир этувчилари тенг бўлганда баржа дарё қирғоқларига параллел ҳолда текис ҳаракат қилади, ҳар бир троснинг таранглик кучи $P = 250$ кГ. Трослар орасидаги бурчак $\alpha = 40^\circ$.

1. Баржага унинг ҳаракати йўналишида; унинг ҳаракатлаиш чизиғига перпендикуляр йўналишда таъсир этувчи кучларни график равишда аниқланг.

2. Трослар орасидаги бурчак $\alpha = 45^\circ; 90^\circ; 135^\circ$ бўлганда баржага унинг ҳаракат йўналишида таъсир этувчи кучни график равишда аниқланг.

3. Тенг таъсир этувчи кучнинг трослар ҳосил қилган бурчакка боғланиш графигини чизинг.

4. Баржага унинг ҳаракатланиш чизиғига перпендикуляр йўналишда таъсир этувчи кучнинг бажарган иш нимага тенг?

73. Кабель ўралган 1000 кГ оғирликдаги ғалтакни қия текислик ёрдамида темир йўл платформасига ортиш керак. Қия текислик горизонт билан 30° бурчак¹ ҳосил қилади.

Ғалтакни платформага текис думалатиб чиқаришда қия текисликка ва бир-бирига параллел бўлган ҳар иккала троснинг таранглиниш кучини аниқлаиғ.

К ў р с а т м а . Ишқалишни ҳисобга олманг.

74. Транспортёрнинг ҳаракатланувчи тасмасидан девор урилаётган жойга ғишт узатилмоқда. Транспортёр тасмаси горизонт билан 30° бурчак ҳосил қилади.

Агар ғиштнинг оғирлиги 2 кГ бўлса, ғишт билан тасма орасидаги тинч ҳолатдаги ишқалиш кучи аниқ-лансин.

75. Ичида 3 Т куми бўлган платформани трактор , қия йўлдан юқорига тортиб кетмоқда. Йўлнинг горизонтга нисбатан қиялиги 10° .

1. Тракторнинг текис ҳаракатдаги тортиш кучини аниқланг.

2. Ишқалишни ҳисобга олганда, тезланувчан ҳаракатда бу куч қандай ўзгаради?

76. 1. Жисмга бир текисликда бир-бири билан 120° бурчак остида таъсир этувчи учта тенг кучнинг тенг таъсир этувчисини график равишда топинг.

2. Бу ҳолда жисм ҳаракатланадими?

77. Темир ҳалқа ўзаро 120° бурчак ҳосил қилувчи арқонлар ёрдамида уч томонга тортиб қўйилган. Арқонларни тортиб турувчи кучлар ўзаро тенг ва бир текисликда таъсир қилади.

1. Тенг таъсир этувчи кучнинг катталигини топинг.

2. Ҳалқа қайси йўналишда ҳаракат қилади?

§ 15. Кучни ўзаро бурчак ҳосил қилувчи икки ташкил этувчига ажратиш

78. $F = 4(Ю\text{ кГ}$ куч стропил бўйлаб таъсир қилади И18-расм.). Стropил (A) томонидан B таянчга ва C тортқига (горизонтал йўналишда) таъсир этувчи кучни график равишда аниқланг.

79. Трактор косилкани $F = 450\text{ кГ}$ куч билан косил-а ҳаракати йўналишига 30° бурчак ҳосил қилиб тор-

* Бу бурчак текисликнинг қўтарилиш бурчаги дейилади.

тиб кетмоқда. Косилкага шу йўналишда таъсир этувчи тортиш кучини аниқланг.

80. Оғирлиги $P = 18 \text{ кГ}$ бўлган ёритгич икки металл тросга осиб қўйилган (119- расм).




118-расм.



119- расм.

1. Тросларнинг тарангланиш кучини график равиш-да аниқланг.

2. Трослар орасидаги бурчак $\alpha = 110^\circ$ дан $\alpha_2 = 160^\circ$ гача ўзгарганда, тросларнинг тарангланиш кучлари билан бу бурчак орасидаги боғланишни ифодаловчи графикни чизинг.



120- расм.

81. Оғирлиги $P = 15 \text{ кГ}$ бўлган ёрит-гич кронштейнда C нуқтага осиб қўйил-ган (120-расм). A балканинг чўзилиш кучини ва B балканинг сиқилиш кучини график равишда аниқланг.

82. Оғирлиги $P = 160 \text{ кГ}$ бўлган юк-ни иккита кўзғалмас блок ёрдамида кўтарилмоқда (121-расм).

1. a троснинг чўзилиш кучини ва B балканинг сиқилиш кучини график равишда аниқланг.

2. Бу кучларнинг катталиги бу бурчакка қандай боғланган?


83. Мачтали кранда оғирлиги 250 кГ бўлган юк кўтарилмоқда (122-расм). Кран занжирининг тарангланиш кучини ва кран ўқининг сиқилиш кучини аниқланг.

84. Тиғининг бурчаги 24° бўлган катта болтанинг ғўлага урилиш кучи 100 кГ .


1. Болтанинг юзи ғўлага қандай куч билан таъсир қилади?

2. Бу кучнинг катталиги болтанинг дўнг томони бурчагига қандай боғлиқ бўлади?

...^ЛТМ Ўткирлик (тигининг) бурчаги 10° бўлган шпонка ердэмида ўкка маҳкамланади. Шпонка ўгжла-
ёпГшад :? ^{3.2°} кучи 2° ^ ШПОНКЗ тм ^ндаТкучГлан



121-расм.



122-расм.

86. Понадан фойдаланганда

кучдан ютишни кўрсатувчи p : нисбатнинг пона учидаги » бурчакка қандай боғланиши 6- жадвалда кўрсатилган.

6- жадвал


Пона учидаги бурчак α , (цонанинг ўткирлик бурчаги)	10°	16°	20°	30°
$\frac{0}{\text{нисбат}} \frac{\text{ЎГ}}{\text{.}}$	28,7	9,6	5,1	3,1 2,9 2,0

1. Бу боғланишнинг графигини чизинг.

2. ўткирлик бурчаги 14° бўлган понанинг тўмток ■ғомонига $F = 150 \text{ кг}$ куч билан урилса. ғўла қандай Ькуч билан ёрилади?

^Ш&a.

123-расм.



124- расм.

87. Самолёт қанотига ҳаво оқими горизонт билан $\varphi = 82^\circ$ бурчак ҳосил қилиб йўналган $F = 2000 \text{ кГ}$ аэро-динамик куч билан таъсир қилади (123-расм). Кўта-риш кучини ва рўпарадан бўладиган қаршиликни аниқ-ланг.

88. Самолёт кўнаётганда (мотор ўчирилган) гори-зонт билан $\theta = 6^\circ$ бурчак ҳосил қилиб тўғри чизикли ҳаракат қилади (124-расм). Самолётнинг оғирлиги 4 Т . Кўтариш кучини ва рўпарадан бўладиган қаршиликни топинг.

VI боб. МЕХАНИКТЕБРАНИШЛАР ВА ТЎЛҚИНЛАР

Ҳозирги замон физикасида тебранишлар, ва тўлқинлар ҳақидаги таълимот алоҳида аҳамият касб этган. Бу таълимотмеханикада ва акустикадагина эмас, электр-да (паст частотали ўзгарувчан тоқлар ва радио), оп-тйқада (ёруғликнинг тўлқин назарияси) ҳам ишлатилади ва, ниҳоят, модданинг табиати тўғрисидаги, ҳбзирги замон наз'ариясининг асосини ташкил қилади. Физикани амалда татбиқ этишнинг турли соҳаларида ва техника-да тебраниш ва тўлқин процесслар тобора кўпроқ уч-рамоқда Ҳозирги вақтда ўрта мактабни битириб, теб-ранма ва тўлқин процессларнинг асосий элементар ту-шунчалари билан боғлиқ бўлган ғоялар билан етарли даражада қуролланмаган ўқувчининг умумий маълумо-тини тўла етук деб бўлмайди. Шундай мулоҳазаларга кўра ушбу бобда механик тебранишлар ва тўлқинлар соҳасига доир машқ ва масалалар келтирилди. Келти-рилган машқ ва масаилар ўқув программасида кўзда тутилгандан кўра бирмунча мураккаброқдир. Бунда, акустикани ва энг оддий электроакустик асбоблар (мик-рофон, телефон, громкоговорителлар) ни, ўзгарув-чан тоқлар, электромагнит тебранишлар ва тўлқинлар-ни, оптик спектрларнинг ва барча турдаги электромаг-нит тебранишларнинг обзорини ўрганиш тебранишлар ва тўлқинлар ҳақидаги таълимот билан боғланган асо-сий тушунчаларга таянишини назарга олинди.

Бу бобда берилган мисол ва масалаларни ечиш, шунингдек, график машқларни бажариш қуйидаги мақ-садларни кўзда тутди:

Биринчидан, гармоник тебранма ҳаракат қонунлари-ни, яъни тебранаётган нуқтанинг мувозанат вазиятидақ



силжиши; унинг тезлиги, тезланиши вақт давомида қандай ўзгаришини ўқувчиларга равшан тушунтирила-ди. Бундай ўзгаришлар характери ни экспериментлар ва графиклар ёрдамида осон тушунтириш мумкин. Шунингдек, ҳар бир ҳолда гармоник тебранаётган моддий нуктага таъсир этувчи кучнинг йўналишини кўрсатиш керак.

Иккинчидан, масалаларни ечиш ва график машқлар-ни бажариш натижасида ўқувчилар тебранишларнинг сўниш характери билан танишадилар. Физика курсининг бундай муҳим масала'си бўлган тебранма ҳаракатни ўрганиш ишқалишсиз тебранишдан иборат бўлган идеал ҳолни таҳлил қилиш билангина чекланмаслиги керак. Тебранишларнинг сўниш характери ни (амплитуда катта-лигининг вақт давомида ўзгариш қонунини) оддий яшаш билан тасвирлаш мумкин. Бунинг учун вақт жиҳатдан яқин бўлган икки амплитуданинг нисбатини билган ҳолда нукталар бўйича эгри чизик чизиш қифоя. Эркинсўнувчи тебранишларда амплитуданинг кичрайиши тўғри чизик билан эмас, қандайдир эгри чизик билан тасвирланишини қайд қилиб ўтиш муҳимдир. Агар ўқувчилар шу вақт-гача математика курсидан кўрсаткичли функцияни ўт-ган бўлсалар, амплитудаларнинг сўниш қонуни шу функциянинг графиги билан ифодаланишини кўрсатиш мумкин

Учинчидан, бу бобда берилган масалаларни ечиш ва машқларни бажариш натижасида ўқувчилар жуда муҳим фактни, яъни частотаси қаррали гармоник тебранишларни қўшишдан мураккаб даврий тебранишлар ҳосил қилиш мумкин эканини ва, аксинча, ҳар қандай даврий тебранишни частотаси қаррали бир неча гармоник тебранишларга ажратиш мумкин эканлигини тушуниб оладилар. Физикада даврий процессларни "бундай принципиал равишда спектрал баҳолаш акустикада (масалан, товуш тебранини баҳолашда), электротехникада (масалан, ўзгарувчан тоқларни тўғрилаш ҳақидати тушучанинг шаклланишида), радиотехникада (масалан, тебранишлар модуляциясини ўрганишда) ва оптикада (масалан, спектрал анализни ўрганишда) муҳим аҳамиятга эгадир. Бу фактни график талқин қилиш ўрта мактаб имкониятлари доирасидан чиқмайди ва ўқувчиларни физиканинг фундаментал масалаларидан бири билан таништиради. Тебранишларни қўшиш машқ-

ларидан асосий мақсад — ўқувчилар томонидан даврий процессларни спектрал баҳолашни ўқиб олишлари куз-да тутилади.

Ниҳоят, бу ерда яна шуни кўрсатиб ўтамизки, тўл-қин процесснинг эластик муҳитда тарқалиши, турғун тўлқинларнинг ҳосил бўлиши диаграммалари бу процессларнинг ривожланишининг барча босқичларини тартиб билан кузатиш имконини беради ва тўлқинлар узунлиги X билан частотаси ν ни $\nu = \frac{c}{\lambda}$ муносабат ор-қали боғловчи тўлқин тарқалиш тезлиги V нинг фор-муласини равшан тушунтириб беради.

Ўқитувчи тебраниш ва тўлқин процесслар билан ўқувчиларни қандай даражада таништиришни, мақсад қилиб қўйганига, бу мақсадни амалга ошириш учун унда қанча вақт борлигига ва физикадан мустақил уй иши ҳамда тўғарак ишининг қандай уюштирилганига боғлиқ равишда ечиш ва анализ қилиш учун масала-ларнинг алоҳида группасини танлаши мумкин. Шунинг учун ўрганилаётган ҳодисани янада кенгроқ қамраб олиш мақсадида баъзи масалалар ва машқларда битта эмас, бир неча саволлар берилди.

§ 16. Гармоник тебранишлар. Тебранишларнинг сўниши

89. Узунликлари $1 — 25 \text{ см}; 40 \text{ см}; 60 \text{ см}; 80 \text{ см}$ ва 100 см бўлган бешта маятникнинг ҳар бири учун 50 тўла тебраниш вақтианиқланган. Тажриба маятниклар-нинг тебраниш вақти уларнинг узунлигига қуйидагича боғланган эканини кўрсатди (7- жадвал).

7- жадвал

Маятникларнинг узунлиги (см лар-	25	40	60	80	100
50 тўла тебраниш вақти / (сек	50	63,5	77,5	90	100,5

1. Маятникнинг тебранишлар даври T нинг унинг узунлиги/га боғланиш графигини чизинг.


2. Графикдан тебранишлар даври $T \sim 1,5$ сек бўлган маятник узунлигини топинг.

3. Шундай маятник ясанг ва унинг тўла тебраниш даврини хронометр ёрдамида текширинг.

90. Математик маятник тебранишлар даврининг унинг узунлигига қандай боғланишини график равишда кўрсатинг.

91. 125- расмда математик маятник тебранишлар даврининг маятник узунлигига боғланиш графиги берилган. Графикдан узунлиги 9,8 ж бўлган маятникнинг тебраниш даврини топинг.

92¹. Математик маятник $A = 5$ см амплитуда билан гармоник тебранмокда. Маятникнинг $T = 1$ сек бўлган бир давр давомида тебранишлари графигини чизинг. Ишқалишни назарга олманг.



93. Пружинали маятник $L = 4$ см амплитуда ва $T = 2$ сек 125- расм. билан гармоник тебранмокда. Маятникнинг бир давр давомида тебранишлари графигини чизинг. Ишқалишни ҳисобга олманг.

94. Бир хил узунликдаги икки маятник $A_1 = 8$ см ва $A_2 = 5$ см амплитудалар билан гармоник тебранмокда. Маятникларнинг бошлангич фазалари тенг. Бу тебранишлар графикларини бир координаталар тўрида чизинг.


95. Шарча пружинага маҳкамланган ва стерженга A вазиятда ўтказилган (126-расм). Шарчани B вазият-гача четга чиқариб, сўнгра қўйиб юборилган.

1. Шарчанинг тебраниш даври $T = 0,4$ сек: а) ишқалишни ҳисобга олманган ҳолда;


¹ Математик ва пружинали маятникларнинг тебр нишлари таҳлил қилинаётган бу масалада ва бошқа масалаларда, берилган амплитудаларда тебранишларнинг гармониклиги сакланади, деб фараз қилинади.

б) ишқалиш туфайли¹ бир давр давомида тебранишлар амплитудаси 20% кичраяди деб олиб, шарчанинг ҳаракат графигини чизинг.

2. Ҳар бир пайтда шарчага таъсир этувчи куч қай-си томонга йўналган?




126-расм.



127-расм.

96. Подшипникларда ишлатиладиган пўлат шарчани новда *A* мувозанат вазия-тидан чиқариб *B* вазиятга келтирилади, сўнгра қўйиб юборилади (127-расм).



1. Шарчанинг тебранишлар даври $T = 1$ сек:

а) ишқалиш ҳисобга олманган ҳолда;

б) ишқалиш туфайли бир давр давомида тебранишлар амплитудаси 30% кичраяди деб олиб, шарчанинг турғун вазия-тига нисбатан нов бўйлаб ҳара-кати графигини чизинг.

2. Шарчага таъсир қилувчи куч ҳар бир пайтда қандай йўналган?

97. *A* осмага *B* пружина ва *C* цилиндр маҳкам-ланган (128-расм). Цилиндр-стер-

¹ Сўнувчи тебранишларнинг гармоник бўлмаслигини назарга олиш керак. Тебранаётган биргина система учун сўнувчи тебранишлар даври ишқалишсиз эркин тебранишлар давридан каттароқ бў-лади. Сўниш кичик бўлганда бу икки хил тебраниш давлари ора-сидаги фарқ назарга олмаслик даражада кичик бўлади. 95 -99- маса-лаларга доимо графигини яшашда тебранишларнинг сўниши туфай-ли давр ўзгаришини назарга олинмайди.

жень билан дискка — O^1 . пластинкага бирлаштирилган. Пружинани таёкча ёрдамида 4 см чўзиб, дискни нав-бат билан турли суюқликларга ботирилади. Сўнгра таёкча олиб қўйилади.

1. Агар турли суюқликларда бир давр давомида тебранишлар амплитудаси 10%; 20%; 30% кичрайса, пластинкани турли суюқликларга ботирганда цилиндрнинг ҳаракат графигини схематик равишда чизинг.

2. Тебранишларнинг сўнишида муҳитнинг фоли қандай?

3. Пластинка катта бўлган ҳол учун цилиндрнинг ҳаракат графигини чизинг.

98. K жўмрак билан ажратилган туташ идишлардаги бир жинсли суюқликнинг сатҳлари бара-
вар эмас (129- расм).

Жўмрак очилганда идишларда суюқлик устунларининг тебранишлари графигини схематик равишда чизинг.

99. Бундан аввалги масалани A идиш B идишдан кенгроқ бўлган ва B идиш A идишдан кенгроқ бўлган ҳоллар учун ечинг.

100. Шарча радиуси $r = 3$ см бўлган айлана бўйлаб текис айланмоқда. Шарча-нинг бу айлана вертикал диаметрига проекциясининг тебраниш графигини чизинг.

101. Шарча радиуси $r = 3$ см бўлган айлана бўйлаб текис айланмоқда. Шарча-нинг бу айлана горизонтал диаметрига проекциясининг тебраниш графигини чизинг.


Қўрсатма. Бу графикни аввалги масаладаги график билан таққосланг.

-102. Патефон дискининг айланиш ўқи-дан 5 см масофадаги вертикал тутқичга шзрча ўрнатилган. Шарча ён томонидан кенг ёруғлик шуъласи билан ёритилган.

Диск 78 айл/мин частота билан текис айланганда шарчанинг уй деворига проекциясининг тебраниш графигини чизинг.

Қўрсатма. Бошланғич вақтда дискнинг маркази ва тутқичнинг асоси ёруғлик шуъласининг ўқи-га парал-лел бўлган тўғри чизикда ётади.

¹ Бундай қурилма демпфер—тебранишлари сўндиргич деб ата-лади.



129- расм.

маҳкамланган ёғоч
 тутқич тикиб қўйилган.
 Шарча ён томондан
 кенг ёруғлик шуъласи
 билан ёритилган. Диск
 2,5 *айл/сек* частота
 билан текис айланганда
 шарчанингуй деворига
 проекциясининг тебрани-
 ш графигини чизгин.
 Кўрсатма. Бош-
 ланғич вақтда дискнинг
 маркази ва тутқичнинг
 асоси ёруғлик шуъла-
 сининг ўқиға перпен-
 дикуляр тўғри чизикда
 жойлашган.

[illegible]

130-расм.

1. Шарчанинг ординаталар ўқиға проекциясининг ҳаракат графигини чи- зинг.						8-11Я-

					8-11Я-1
				Λ	
Tf			1	:	

131- расм.


1. Шарчанингорди-
наталар ўқиға проекциясининг ҳаракат графигини топинг.

3. Тебранишлар амплитудасининг вақт давомида қандай ўзгаришини кўрсатувчи эгри чйзиқни чизинг.

106. Узун илга оСилган кум солинган конус (кумли маятник) тебранмоқда (132-рasm). Бу конус остидан картон тасмаси тортиб ўтказилмоқда. Конусдан тўкилган кумнинг картонда ҳосил қилган изи маятникнинг вақт давомида тебраниш эгри чизиғи бўлади.

Эгри чизикнинг турли жойларида кум зарралари-нинг қалинлиги нима учун турлича?

107. Шкив $T = 0,4$ сек давр билан текис айлаймоқда. Шкив гардишида айланма тезлик $v_0 = 100$ см/сек.



132- расм.

1. Шкив гардишидаги нукталар тезлиги горизонтал ташкил этувчисининг бир айланиш давомида ўзгариш графигини чизинг.

2. Шкив гардишидаги нукталар тезлиги вертикал ташкил этувчисининг бир айланиш давомида ўзгариш графигини чизинг.

108. Маховик $T = 2\pi$ Давр билан текис айланмоқда. Маховик гардишидаги нукталарнинг марказга интилма тезланиши $a = 1,5$ м/сек².

1. Маховик гардишидаги нукталар тезланиши горизонтал ташкил этувчисининг бир айланиш давомида ўзгариш графигини чизинг.

* Л. И. Резников

2. Маховик гардишидаги йукталар тезланиши вертикал ташкил этувчисининг бир айланиш давомида ўзгариш графигини чизинг.

109. 95- масаладаги шартларга кўра шарча ҳаракат тезлигининг бир айланиш давомида ўзгариш графигини чизинг. Шарчанинг тургун мувозанат вазиятидан ўтишдаги тезлиги $v_0 \ll 1$ м/сек. Ишқалишни ҳисобга олманг.

110. Математик маятник тебранишларининг тўлиқ энергияси $E = 2mgl(1 - \cos \alpha)$ формула билан ифодаланади, бунда E — энергия, m — масса, l — тебранишлар частотаси, A — амплитуда.

1. Секундда маятник тебранишлар энергиясининг амплитудага боғланиш графигини чизинг. Тебранаётган маятникнинг массаси $m = 20,26$ г.

2. $A = 3$ см; $A = 5$ см; $A = 6$ см амплитудаларда маятникнинг тебранишлар энергияси қандай бўлади?

111. Математик маятник тебранишларининг тўлиқ энергияси $E = \frac{1}{2} m \omega^2 A^2$ формула билан ифодаланади, бу ерда E — энергия, m — масса, ω — тебранишлар частотаси, A — амплитуда.

1. Маятник тебранишлари энергиясининг частотага боғланиш графигини чизинг. Тебранаётган маятникнинг массаси $m = 20,26$ г, амплитудаси $A = 5$ см.

ж 1	
от	т
ц, ии ч	п
0.002	1

&ш

133- расм.

2. Маятник тебранишларининг даври $T = 1,25$ сек; $T = 2,5$ сек бўлганда маятникнинг энергияси қандай бўлади?

112°. 133-расмда тебранаётган математик маятник потенциал энергиясининг вақт давомида ўзгариш графиги келтирилган.

1. Маятникнинг узунлигини аниқланг.


2. Маятник потенциал энергиясининг ўртача қиймати нимага тенг?

3. Маятник кинетик энергиясининг вақт давомида ўзгариш графигини чизинг.


4.133- расмда кўрсатилган график билан маятник тебранишларининг ёзуви (1,32- расм) орасида қандай фарқ бор?

Кўрсатма. Маятник тебранишлари энергияси амплитуда квадрати ва частота квадрати пропорционал бўлади.

113. 134-расмда гармоник тебранаётган шарча потенциал энергиясининг шарчанинг мувозанат вазиятдан силжишига боғланиш графиги кўрсатилган. Эгри чиққандаги A ва B нуқталар учун шарча потенциал энергиясининг кинетик энергиясига нисбати аниқлансин.



134-расм,



135-расм

114. 135-расмда осмадаги маятник ва девор соати маятниги тебранишларининг графиклари берилган.

1. Бу маятникларнинг тебранишлари қандай тебранишлар деб аталади?


2. Иккала маятникнинг тебранишлари нима билан фарқ қилади? Жавобингизни изоҳланг.

1'5. Пружинали маятник тебранишларининг амплитудаси 20 мм.

1. Агар юк мувозанат вазиятидан 12 мм юқорида бўлиб, юқорига ҳаракатланаётган бўлса, тебраниш фазасини геометрик яшашлар ёрдамида аниқланг.

2. Худди шу масалани юкнинг мувозанат вазиятидан 10 мм пастда бўлиб, пастга ҳаракатланаётган ҳоли учун ҳам ечинг.

116. Камертон шохларидан бирининг учига ўрнатилган кўзгуга ёруғликнинг ингичка шуъласи тушмоқда (136-рasm). Камертон тебранганда экранга туширилган шуъла ҳам 30 мм амплитуда билан гармоник тебранади.



136- рasm.

1. Агар шуъла мувозанат вазиятидан 8 мм пастда бўлиб, пастга ҳаракатланаётган бўлса, геометрик яшашлар ёрдамида камертоннинг тебраниш фазасини аниқланг.


2. Худди шу масалани шуъланинг мувозанат вазиятидан 5 мм пастда бўлиб, юқорига ҳаракатланаётган ҳоли учун ечинг.

117. Аввалги масалада баён қилинган тажрибадаги кўзгалмас А кўзгу ўрнига айланувчи Л, кўзгу қўйилган (137- рasm). Шуъла камертоннинг вақт давомида тебранишларини экранда акс эттиради. Эгри чизиқнинг P_1 , P_2 Л. P^* ва P_0 нукталари учун тебраниш фазасини аниқланг.

118°. Пружинали маятникларнинг мувозанат вазиятдан силжишлари қуйидаги тенгламалар билан аниқланади.

$$\begin{aligned} 5, &^1 \\ 4 & \\ &/ \\ & - \text{тг } 81 \Pi \text{ ш } I. \\ 3 &= - 51 \Pi \text{ ш } *, \\ 5_4 &= 2 \text{ § } 1 \Pi \text{ ш } \Gamma. \end{aligned}$$

Бу маятникларнинг тебраниш графикларини схема." тик равишда битта координаталар тўрида чизинг.



119°. Пружинали маятникларнинг мувозанат вазиятдан силжишлари қуйидаги тенгламалар билан аниқланади:

$$\begin{aligned} S! &= 8111 \text{ ш } I, \\ 5_0 &= 81 \Pi \text{ -к- и) } I, \\ \ll 4 &- 81 \Pi 2 0) I. \end{aligned}$$

Бу маятникларнинг тебраниш графикларини схематик равишда битта координаталар тўрида чизинг.

§ 17. Тебранишларни қўшиш

120. Даврлари ва амплитудалари тенг бўлган бир томонга йўналган икки гармоник тебраниш фазалари бир-бирига нисбатан-х-га силжиган.

1. Умумий тебраниш графигини чизинг.

2. Умумий тебраниш гармоник тебраниш бўладими?
3. Умумий тебранишнинг даври нимага тенг?
4. Умумий тебраниш билан ташкил этувчи тебранишлар орасидаги фаза фарқи қандай бўлади?

121. Даврлари ва амплитудалари тенг бўлган бир томонга йўналган икки гармоник тебраниш фаза жиҳатдан бир-бирига нисбатан π га силжиган. Йиғинди тебраниш графиги чизилсин.

122. Даврлари тенг, лекин фаза жиҳатдан бир-бирига нисбатан π га силжиган бир томонга йўналган икки гармоник тебранишни график равишда қўшинг. Тебранишларнинг амплитудалари ўзаро 3:1 нисбатда.

123. 1. Частоталари ўзаро 1 :2 нисбатда, амплитудалари эса мос равишда 2 :1 нисбатда бўлган бир томонга йўналган иккита гармоник тебранишни график равишда қўшинг.

2. Умумий тебранишнинг частотаси қандай бўлад..?

3. Умумий тебраниш гармоник тебраниш, даврий тебраниш бўладими?

124. 1. Частоталари ўзаро 1 :3 нисбатда, амплитудалари эса мос равишда 2:1 нисбатда бўлган бир томонга йўналган иккита гармоник тебранишни график равишда қўшинг.

2. Умумий тебранишнинг частотаси қандай бўлади?

3. Умумий тебраниш гармоник тебраниш, даврий тебраниш бўладими?

125. Амплитудалари π га бошлангич фазалари тенг бўлган бир томонга йўналган икки гармоник ҳаракатнинг давлари 1:1,5 нисбатда. Умумий тебранишнинг графигини чизинг.

126. Узунлиги (ва массаси) тенг бўлган иккита математик маятникни горизонтал тортилган ипга (масалан, қармоқ ипига) бир-биридан унча узоқ бўлмаган (0,5 м) масофада осиб қўйинг. Бир маятникни мувозанат вазиятидан оғдиринг ва қўйиб юборинг. Ҳар иккала маятникнинг тебранишларини кузатинг.

1. Бу маятникларнинг тебранишлари графикларини схематик равишда чизинг.

2. Ипга осилган маятниклардан бирининг массаси катгароқ бўлиб, енгилроқ маятник мувозанат вазиятидан, чиқарилган ҳол учун ҳам худди шу топшириқни бажаринг.

127. 1. Бундан аввалги тажрибани маятниклар орасидаги масофа каттароқ (3—5 м гача бўлган ҳол учун такрорланг? *

2. Тажрибада кузатилган ҳодиса қандай ҳодиса деб аталади.


128. Уйнинг қарама-қарши деворига тортилган узун (4—6 м) горизонтал ипга учта бир хил математик маятник осинг: маятниклардан иккитасини ипнинг бир учига яқин, қолган биттасини ипнинг қарама-қарши учига яқин осинг.

1. Биринчи иккита маятникни қарама-қарши томонга баравар бурчакка оғдиринг ва қўйиб юборинг. Қандай ҳодиса юз беради?

Маятникларнинг тебранишлар графикларини схематик равишда чизинг.

2. Уша икки маятникни бир томонга оғдириб, сўнг қўйиб юборинг. Қандай ҳодиса юзберади?

Учала маятникнинг тебранишлари графигини чизинг¹.




138- расм. Частотамер: а— схемаси, б— шкаласи.

129. Ўзгарувчан ток частотасини ўлчаш учун уни электромагнит орқали ўтказилади, бунда электромагнит 1 пластинкани тебратади (138- расм). Тебранишларнинг 2 стержень орқали узатилиши натижасида турли хусусий тебранишлар частотасига эга бўлган 3 пластинка (тилча)лардан бирида резонанс ҳосил бўлади. Хусусий


¹ 126- ва 128- масалаларда баён қилинган тажрибалар И. Н. Жеребцов томонидан унинг „О демонстрации резонанса маятников“ номли мақоласида тавсия қилинган. „Физика е школе“ журнали 1954, 5-сон, 59—60- бетлар.

2°. Агар амперметр 7,1 а ни кўрсатётган бўлса, ўзгарувчан токнинг 0,1 сек давомида ўзгариш графигини чизинг¹.



1. Асосий тебранишнинг частотаси нимага тенг?
2. Мураккаб тебранишда нечта гармоника бор?
3. Гармоникаларнинг частоталари қандай?


131. 1. Кўндаланг тўлқин ҳосил бўлиш диаграммасидан фойдаланиб (140- расм), бу диаграмманинг тўрт қисмидан ҳар бири нечта тўлқинга тегишли эканини айтиб беринг.




¹ Иккинчи савол электрни ўрганишда ечилади.

2. 140- расмда товушнинг темирдаги хўлқин узунлиги Ю марта кичрайтириб тасвирланган бўлса, тебраниш-лар частотасини аниқланг. Товушнинг темирда тарқа-лиш тезлиги $V = 5000 \text{ м/сек}$.

132. 141-расмда муҳит зарраларининг оний вазияти ва бу зарраларнинг кўндаланг тарқалувчи тўлқиндаги ҳаракат йўналиши кўрсатилган.



141- расм.



142- расм.

13

3

Муҳит зарраларининг $- \Delta T$; $- \Delta T$; $- \Delta T$ ва T вақтдан кейинги (бу ерда T — тебраниш даври) вазиятини ва уларнинг ҳаракат йўналишларини чизиб кўрсатинг.


133. 142- расмда муҳит зарраларининг оний вазияти ва бу зарраларнинг турғун кўндаланг тўлқиндаги ҳаракати йўналиши кўрсатилган.

1. Муҳит зарраларининг $- \Delta T$ ва T вақтдан кейинги оний вазиятини ва уларнинг ҳаракат йўналишини чизиб кўрсатинг (бу ерда T — тебраниш даври).

2. Турғун тўлқиннинг тугунлари ва дўнгликлари деб нимага айтилади?

134. 143- расмдаги график тасвирларнинг тўлқин процессларга оид эканлиги маълум. Бў график тасвирлар нимани кўрсатади?

1(5





143- расм.

135°. Бўйлама тарқалувчи тўлқинда муҳит заррала-
•Рининг жойлашишйни чизиб кўрсатинг.

К ў р с а т м а . Манзарани бир тўлқин уз_нлигига тенг "Ўлган кесмада таҳлил қилинг.

136. Пулат пластинканинг бир томони струбцинага¹ маҳкамланган (144- *a* расм). Иккинчи учига *П* ҳарфи кўринишидаги вибратор ўрнатилган. Пластика тебранган вақтда вибратор сувга ботирилса, концентрик сирт-



144- расм.

қи тўлқинларнинг интерференцияланувчи икки система-
си ҳосил бўлади (144- расм). Расмда тўлқинларнинг „ўр-
качлари“ туташ чизиклар билан, „чуқурликлари“ эса
пунктир чизиклар билан кўрсатилган, S_1 ва S_2 тўлқин-
лар манбаи.

¹ Ишлов бериш вақтида деталлар қисиб қўйиладиган асбоб.

1. Расмда 1:4 масштаб танланган бўлса, тўлқин узунлигини аниқланг.

2. λ_1 ва λ_2 манбалар орасида нечта тўлқин узунлиги жойлашади?

3. A , B , C , D нукталарда интерференция натижаси нимадан иборат? Жавобингизни изоҳланг.

4. Интерференция йўллариининг максимумлари ва минимумлари чизикларини рангли қаламлар билан чизинг.

Ўқитувчи учун қўрсатма. Бу масаланинг вариантлари сонини қўяйотириш учун эмульсияси ювиб ташланган иккита энли фотоплёнкага концентрик айланалар системасини чизиш тавсия этилади. Плёнкаларни бир-бири устига жойлаштирилганда интерференцион манзара ҳосил бўлади. Плёнкаларни бир-бирига нисбатан силжитишда интерференцион манзара ўзга-ради.


ТОВУШ

VII бўб. БАЪЗИ БИР ТОВУШ ҲОДИСАЛАРИ

Бу бўлимда тўпланган масала ва машқларнинг мазмуни тебранма ва тўлқин процесслар қонунларининг ва бу процесслар билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг товуш ҳодисаларига татбиқини намоёни қилади. Маса-лан, бу ерда қуйидаги масалалар ўрганилади: товуш-нинг юксаклиги (тебранишлар часготаси билан аниқла-нади), товуш тембри (юқори гармоникалар тартиби ва уларнинг миқдори билан характерланади); турли му-ҳитларда товуш тўлқинлари узунлигининг уларнинг тар-қалиш тезлигига боғланиши; амплитудалар спектри ва ҳоказолар. Бундан ташқари, акустиканинг баъзи бир специфик масалалари график талқин қилинган, масалан, музика гаммасини тузиш, одам қулоғи эшитадиган час-тоталар шкаласини тузиш ва шунга ўхшашлар. Шунинг-дек, товуш ҳодисаларини ўрганишда электроакустик асбобларга ҳам маълум даражада эътибор берилади. Октавалардаги товуш частоталарининг тўлиқ шкаласини тузиш принципи таҳлил қилинади, бу принцип бутун электромагнит тебранишлар шкаласини тузиш учун ҳам ўринли бўлиб қолади.

§ 19. Товуш чиқарувчи жисмларнинг тебраниши


137. 145- расмда товуш чиқараётган камертоннинг бир шохчаси учига маҳкамланган найзанинг қурум билан қопланган шиша пластинкада қолдирган изи кўрсатил-



•145-расм.


ган. Бунда пластинка $1/50$ сек давомида нотекис ҳаракатланган. Камертоннинг тебранишлар частотаси аниқлансин.

138. 146- расмда тебранаётган камертонга маҳкамланган найзанинг қурум билан қопланган айланаётган шиша дискда қолдирган изи тасвирланган. Патефондаги диск минутига 78 марта айланса, камертоннинг тебранишлар частотасини аниқланг. '



•146-расм.


139. 147-расмда икки камертон тебранишларининг қурум қопланган ҳаракатланувчи пластинкада бир вақт-



147-расм,

да қолдирган излари тасвирланган. Виринчи камертоннинг тебранишлар частотаси $\nu_1 = 256 \text{ гц}$ (A эгри чизик), иккинчи камертоннинг тебранишлар (B эгри чизик) частотаси аниқлансин.

140. Громкоговоритель чиқараётган товуш электрон осциллоскопга уланган микрофонга келади (148-рasm).



148- расм.

1. Агар осциллоскоп экрандаги тебранишлар $0,01 \text{ сек}$ давомида ёзиб олинган бўлса, товушнинг частотаси қандай?

2. Агар громкоговоритель анча юксак тонда гапирганда осциллоскоп экранда „ўрқачлар“ орасидаги масофа кичрайса, товуш частотасининг тон юксаклигига боғланиши ҳақида қандай хулоса чиқариш мумкин?


3. Агар громкоговоритель қаттиқ товуш чиқарганда тебранишлар шакли (ёзуви) вертикал бўйлаб чўзилса (узайса), товуш қаттиқлигининг тебранишлар амплитудасига боғланиши ҳақида қандай хулоса чиқариш мумкин?

141. Громкоговоритель электрон осциллоскопга уланган микрофон олдида товуш чиқаряпти (148-рasm). Ўтказилган учта тажрибада осциллоскоп экранда 149-рasmда тасвирланган ёзувлар ҳосил бўлган.

1. Тажриба вақтида товуш тебранишларининг характери ҳақида қандай хулоса қилиш мумкин?


2. Тон юксаклиги бир октава, икки октава ортганда экранда тебранишлар ёзуви қандай кўринишда бўларди?

Кўрсатма. Тажрибаларни ўтказиш процессида осциллоскоп барча мурватларининг вазияти ўзгартирилмайди.



149-расм.

142. Камертон тебранишлари 150-расмда кўрсатилган схема бўйича ёзиб олинади. Камертоннинг / шох-



150-расм. нишлар

лари тебраниб, 2 телефондаги доимий магнитларнинг магнит оқимларини ўзгартиради, бунинг натижасида ғалтакларда индукцияланган-э. ю. к. лар юзага келади. Ғалтакларнинг учлари осциллоскопнинг кириш клеммасига уланган.

1. Экранда ҳосил бўлган ёзувга кўра қуйидагиларни аниқланг:

а) Камертон тебранишлари гармоник тебранишлар бўладими? Жа-

вобингизни, изоҳланг. б) Агар экрандаги ёзув $1/50$ сек давомида ёзиб олинган бўлса, камертоннинг тебраниш частотаси қандай? 2°. Агар осциллоскопнинг кириш клеммаларига (Д, В клеммаларга) қўшимча равишда яна худди шундай қурилманинг ғалтакларини уласак, осциллоскоп экрандаги манзара қандай бўлади? (Бунда қурилма камертонининг тебранишлар частотаси биринчи камертонни-кидан бир оз фарқ килади деб олинади.)

143°. Бир октава чегарасида диатоник мажор гамма (мажор овозлар сираси) алоҳида тонларининг тебранишлар частоталари қуйидаги сон қатори билан аниқланади:

C	й	E	F	O	A	H	c
1	9/8	5/4	4/3	3/2	5/3	15/8	2

144°. Бир октава чегарасидаги алоҳида тонларининг тебранишлар сонлари диатоник мажор гаммаси шу гамманинг икки қўшни тонлари орасидаги интервал ёрдамида аниқланади. Бу интерваллар қуйидагича:

Агар асосий тоннинг частотаси $0=32$ *гц* бўлса, бир октава чегарасидаги музика тонларининг тебранишлар сонларини тўғри чиқиқ бўйлаб ётқизинг (қўйиб чиқинг).

2. Торнинг умумий тебраниши частотаси нимага тенг?

146*. 1. A амплитудали асосий тон ва $B < A$ амплитудали бир обертондан иборат бўлган торнинг тебра-шш графигини чи-}инг. Асосий тон билан обертон частоталари ўзаро 1:3

151- расм.

1
52- расм.

4. Амплитудалар тенг бўлган ҳол учун ҳам худди
Шу машқларни бажаринг.

¹ Товуш тўлкинида босимнинг ўзгариш эгри чизиғи.

Скрипка тори ҳосил қилган товуш тўлқинларнинг мураккаб шаклда бўлишига сабаб нима?

148. Иккита тор бир хил частота билан тебранмоқда. Бу тебранишларнинг графиклари 152-расмда берилган (A ва B эгри чизиқлар). Торлардан қайси бири катта-лиги ўзгармас тезлик билан ва қайси бири катталиги ўзгарувчан тезлик билан тебранмоқда?

149°. Диаграммада (153- расм) инглизча „*ea*!“ сўзидаги „и“ унлисининг акустик спектри кўрсатилган. Асосий тоннинг частотаси $\Lambda = 256$ *гц*.

	I
Л	1-

ШО 3000_{гц}

0 500 1000

II	11	1	1	ГХ
----	----	---	---	----

2000 3000

Уастота

153-расм.

1. Резонанс натижасида қандай частоталар оғиз бўшлиғи ва ҳалқум томонидан кучайтирилади?

2. Қандай частоталар соҳасида товуш энергияси энг кучли тўпланади? Жавобингизни изоҳланг. ^

\\^AAM^Л^

154-расм.

150. 230 *гц* частотали виолончель овозининг ёзуви 154- расмда кўрсатилган. Бу тебранишлар даврий тебранишлар бўладими? Бу тебранишлар гармоник тебранишлар бўладими? Жавобингизни изоҳланг.

151°. Беш цилиндрли битта мотори ва икки парракли винти бўлган самолёт ҳосил қилган шовқин спектрига караб (155- расм) куйидагиларни аниқланг:

1. Винт ва мотор ҳосил қилган асосий товушларнинг частоталари қандай бўлади?

2. Винт ва мотор ҳосил қилган асосий товушлар-нинг кучи бир хил бўладими? Жавобингизни асослаб беринг.

152°. 156-расмда радиоэшиггириш тармоғига уландиган громкоговорителнинг (динамикнинг) частота характеристикаси кўрсатилган.


Частоталарнинг қандай интервалида динамикда товуш ҳосил қилиш частотага деярли бўғлиқ бўлмайди? _____

1,
0,
5

1^	
2	
	Е 1' " "
	III

155- расм.
4/, '«//

153¹. Одамнинг кулоғи товуш частоталарининг тахминан 16 дан 20000 *гц* гача бўлган соҳасини қабул қилади.



156- расм. Радиоэшиггириш тармоғидан гапирадиган ва кичик (30 40 м²) биноларда ишлатиладиган ГДН-0,5 громкоговорителнинг частота характеристикаси.

¹ Бу график машкни ўқувчилар физика курсини такрорлаш вақтида бажарадилар, чунки бунда логарифмик шкаладан фойдалана билиш малакаси керак бўлади.

1. Частоталарнинг бу соҳаси шкаласини октаваларда чизинг.

2. Низилган шкалада рояль ҳосил қилган товуш частоталарининг шкаласини белгиланг.


§ 20. Товушнинг тарқалиш тезлиги

154. Ҳаводаги товуш тўлқинлари узунлигининг $\lambda = 20$ см дан $\lambda_2 = 130$ гача оралиқдаги тебранишлар частотасига боғланиш графигини чизинг.

Кўрсатма. $I = -10^\circ\text{C}$ температурада товушнинг ҳавода тарқалиш тезлиги 325 м/сек деб олинсин.

155. 157- расмдаги эгри чизик темирда товуш тўлқини узунлигининг тебранишлар частотасига боғлиқ

холда қандай ўзгаришини кўрсатади ($t = 20^\circ\text{C}$ температурада).



200 300 500 м

157-расм.

1. товушнинг тарқалиш тезлигини аниқланг.

2. катталиги тўлқин узунлигига боғлиқ бўладими?

3. ва 500 л*тўлқин узунлиқлар учун тебраниш даврларини 0 100

аниқланг.

¹⁵⁶ - КўДУҚКа ташланган

тошнинг товуши тош туша

бошлагандан 4 сек ўтгандан сўнг эшитилди. Товуш тезлигини $v = 333$ м/сек деб олиб, кудукнинг чуқурлигини аниқланг.

157. Товуш линза карбонат ангидрид тўлдирилган сферик деворли резинка камерага ўхшаш. Товуш тўлқинлари учун карбонат ангидриднинг синдириш кўрсаткичи $n = 1,28$.

1. Симметрик линза бош фокус масофасининг линзанинг сферик сиртлари радиусларига боғланиш графигини чизинг. Сферик сиртлар радиуслари 20 дан 60 см гача ўзгариши мумкин.

2. *Агар 0°C да товушнинг ҳавода тарқалиш тезлиги 332 м/сек га тенг бўлса, товушнинг карбонат ангидрид газида тарқалиш тезлиги нимага тенг бўлади?

Графикдан те

Товуш тезлигин

Графикдан 100, 2

МОЛЕКУЛЯР ФИЗИКА ВА ИССИҚЛИК

VIII б о б. ТЕМПЕРАТУРАНИ ЎЛЧАШ § 21.

Термометрлар. Температура графиклари

Иссиқлик ҳодисаларини ўрганиш температурани ўлчаш ва унинг вақт давомида ўзгариш қонунини билиш билан чамбарчас боғлангандир. Шунинг учун физика ўқитувчисининг вазифаси ўқувчиларни термометрларнинг бўлим қийматини топишга, уларнинг кўрсатишларини санашга, термометрга тузатмалар графикдан фойдалана билишга ўргатиш; температура эгри чизигининг фазода мураккаб равишда ўзгаришини (масалан, денгиз сатҳидан кўтарилганда температуранинг ўзгариши), температуранинг вақт давомида ўзгаришини (бирор жой учун ҳаво температурасиНинг сутка давомида ўзгариши) амалий мисолларда кўрсатиш; ўқувчиларни эгри чизикнинг турли қисмларида температуранинг ўзгариш тезлигини аниқлашга ва, ниҳоят, максимал, минимал ва ўртача температураларни аниқлашга ўргатишдан иборатдир. График машқлар бу вазифаларни ечишни осонлаштиради ва, шу билан бирга, иссиқлик ҳақидаги таълимотнинг бошқа бўлимларини муваффақиятли ўзлаштиришга замин яратади.

Шунинг учун ушбу қўлланмага термометрияга доир машқ ва масалалар ҳамда температура графиклари киритилди. Буларнинг бир қисмини физика курсининг биринчи босқичида ўрганиш мумкин.

158. Термометрнинг тузатмалар эгри чизиги 158-расмда кўрсатилган.

1. Қандай температурада термометрнинг кўрсатишлари тўғри бўлади?

2. Қандай температураларда (0° яқинидами ёки 100° яқинидами) термометрнинг кўрсатишларидаги нисбий хато катта бўлади.


3. Агар термометр 90°C ни кўрсатаётган бўлса, ўлчашларнинг нисбий хатолиги қандай бўлади?

159. Кун давомида ҳаво температурасининг ўзгариш графикини чизинг?

К ў р с а т м а . Температуранинг эрталаб соат 7.00 дан 19.00 гача ҳар икки соат оралатиб ўлчансин. Бу ишни уй вазифаси тарзида бериш ҳам мумкин.

160. Ҳаво температурасининг бир ой давомидагй кундузги ўзгаришлари графиги чизилсин.

Кўрсатма. Температурани ҳар куни уч марта — соат 7.00, 13.00, 19.00 даўлчансин. Координаталар тўрига бу учала ўлчашдан ҳисобланган ўртача температура-гина кўйилсин.




Термометр кўрсаткичлари 158-

расм. Термометрга тузатмалар эгри чизиги.

161. 159-расмдаги эгри чизиклардан қуйидагилар аниқлансин:

1.1 Электр лампанинг шиша баллонининг температу-раси қайси жойида энг юқори бўлади?

2. Шиша баллоннинг ўрта қисмининг температураси чеккаларининг температурасидан қанча юқори (159-а расм); баллон ўрта қисмининг температураси баллон-




159- расм. Электр лампа шиша колбасининг баландлиги бўйича температуранинг тақсимлаш эгри чизиги.

нинг юқори қисмидаги температурадан қанча паст (159- б
расм)?

3. Қандай долда баллоннинг ўрта қисми энг қизиган
бўлади?

4. Лампанинг цоколи, юқорига қаратиб қўйилганда
слюдадан қилинган А диск қандай роль ўйнайди (159- а расм)?

162. Якутск шаҳрида температуранинг йиллик ўз-гариши
графигидан (160-расм):




III.
1Ш1ШШИ

160- расм.

1. Бу жойдаги тахминий ўртача йиллик температу-рани
кўрсатинг.

2. Ўртача йиллик температура графигини (ҳисобла-масдан)
чизинг.



161- расм.'

3. Иилнинг қайси ойларида температура кескин ўзгаради?

4. Иилнинг қайси ойларида температура ўзгариши оз бўлади?

163. 161-расмда ҳаво температурасининг суткалик ўзгариши кўрсатилган.

1. Сутканинг қайси соатида температура энг юқори? Қайси соатида температура энг паст?

2. Сутка давомидаги ҳавонинг ўртача температурасини ҳисобламасдан тахминан кўрсатинг.

164'. Қуйидаги маълумотларга кўра, ҳаво температурасининг баландликка боғлиқ равишда ўзгариш графигини чизинг (8-жадвал).

8-жадвал

Баландлик, км ларда	Температура, °С ларда	Баландлик, км ларда	Температура, °С ларда
0	— 8	9	— 44
1	+ 5	10	— 50
2	— 1	11	— 53
3	— 4	12	— 54
4	— 10	13	— 54
5 :	— 16	14	— 54
6	-23	15	— 54
7	— 30	16	— 54
8	— 37		

2. Қандай баландликда температуранинг пасайиш тезлиги энг катта бўлади?

165. 162- расмда қиш K ва ёз L учун ҳаво температурасининг баландликка боғлиқ равишда ўзгариш графиги кўрсатилган.


1. Денгиз юзидан $H = 5$ км баландликда йил давомидаги ҳавонинг ўртача йиллик температурасининг ўзгариши қандай бўлади: 10 км баландликда-чи? 12 км баландликда-чи?

2. Қиш вақтида қандай баландликда ҳавонинг ўртача температураси $t = 20^{\circ}\text{C}$ бўладн? Ёз вақтида-чи?

166. Тажриба ўтказишда $x^{\wedge}b$ - $^{\wedge}$ соатдавомида температура $t = 160^{\circ}\text{C}$ тутиб туриш зарур эди. Температуранинг ўлчашда унинг қуйидаги қийматлари аниқланди (9- жадвал);

9- жадвал

Вақт (минутларда) .	0	30	60	100	140	190	220	250	280	310	340	370	400
Термометрнинг кўрсатишлари ($^{\circ}\text{C}$ ларда) . . .	150	175	175	130	180	140	140	180	150	175	175	150	190

60 50 40 30 20 10 0 10 20 $^{\circ}\text{C}$

162- расм.

1. Тажриба ўтказиш процессида температуранинг ўзгариш графигини чизинг.

2. Тажриба вақтида температуранинг зарурий I температурадан энг кагта H фарқини (процентларда) ҳисобланг.

IX б о б. ГАЗ ҚОНУНЛАРИ

Газ қонунларини график равишда ифодалаб икки методик вазифани ҳал қилиш мумкин.

1. Ўзгарувчан физик миқдорлар (масалан, p босим ва V ҳажм; p босим ва T температура ва ҳоказолар) нинг сон қийматлари орасидаги боғланишни равшан кўрсатиш ва бу билан газ ҳолати ўзгаришининг физик процессини аёний тасвирлаш.

' 2. Текисликдаги (масалан, V ва p ўқларидаги) битта нуктанинг вазияти берилган газнинг ҳолатини характерлашини тушунтириш.

Қуйида келтирилган машқ ва мисолларда ушбу саволларни аниқлаш мумкин:

1. Бир изотерманинг барча нукталари учун рбосимнинг V ҳажмга кўпайтмаси ўзгармас катталиқдир.

2. V ва p ўқлардаги текисликда изотерманинг ва-зияти газнинг темиературасига боғлиқ бўлади.

Газнинг массаси бирдай бўлганда унинг температураси қанча. паст бўлса, газ изотермаси шунча пастда ётади."

3. Газнинг нормал шароитдаги зичлиги ва унинг температураси маълум бўлса, газ изотермасидан унинг массасини топиш мумкин..

4. Бир идишда бўлган икки газнинг изотермаларига қараб бир-бири билан ўзаро химиявий таъсирлашмайдиган икки газ аралашмасининг изотермасини аниқлаш мумкин.

5. Газ юқори босим остида бўлганида Бойль-Мариотт қонунидан четлашишлар бўлишини аниқлаш мумкин.

6. Газни бир A ҳолатдан иккинчи B ҳолатга турли физик таъсирлар билан ўтказиш мумкин. Масалан, изотермик процесда ёки кетма-кет икки процесда: ўзгармас босимда ва ўзгармас ҳажмда ёки аксинча ўт-казиш мумкин.

7. Газ ҳолати ўзгаришидаги айна бир процесслар турли координата ўқларида турли эгри чизиклар билан тасвирланади. Масалан, изотермик процесс V, p ўқла-рида гипербола билан тасвирланади, T, p ўқларида эса p босимлар ўқиға параллел бўлган тўғри чизик билан тасвирланади.

Бу масалаларни ўрганиш ўрта мактаб ўқувчилари-нинг имкониятлари доирасидан четга чиқмайди ва уларни моддалар ҳолатининг агрегат ўзгаришларида содир бўладиган физик процессларни тушунган ҳолда ўзлаштиришга, иссиқлик двигателларида газ ёки буғнинг бажарган иши тушунчасини, уларнинг фойдали иш коэффициентлари тушунчасини ўзлаштиришга тайёрлайди.

Ниҳоят, жисмларнинг иссиқликдан кенгайиш коэффициентининг сўз билан ифодаланган таърифини тушунишдаги энг катта қийинчилик шундаки, бунда жисмни 1°C қизитганда узунликнинг (ёки ҳажмнинг)


орттирмаси жисмларнинг қизитгунча булган температурадаги узунлиги (ёки ҳажми) нинг эмас, балки УС па?и узунлиги (ёки ҳажми) нинг бирор қисмига тенг бўлган ўзгармас катталиқ эканини ўқувчилар дарров тушуна олмайдилар. Қизитишда газ ҳажмининг қандай ўзгаришини тасвирловчи тўғри чизик кўринишидаги график иссиқликдан кенгайиш коэффициентининг суз билан ифодаланган таърифини жуда яққол тасвирлаб беради. Бу ерда келтирилган мисоллардан баъзиларини таҳлил қилишда худди шу фикрни уқтириб ўтиш керак.

§ 22. Бойль-Мариотт қонуни

167. 1. Бойль-Мариотт қонуни графигидан (163- расм) эгри чизикнинг бир неча нуқтаси учун газ V ҳажмининг тегишли p босимга кўпайтмаси нимага тенглигини аниқланг.

2. Графикда pV кўпайтма нима билан ифодаланган?

168. 1. $p_x V_x = 16 \text{ л-атм}$ ва $p_2 V_2 = 30 \text{ л-атм}$ бўлган ҳоллар учун Бойль-Мариотт қонунини чи-



қонуни Γ зинг.

2. Физикада Бойль-Мариотт қонунини тасвирловчи эгри чизиклар нима деб аталади? 163-расм.

Кўрсатма. Иккала эгри чизикни битта координаталар тўрида ясанг.

169. Ўзгармас температурада берилган массадаги газнинг p босими газнинг V ҳажмига тескари пропорционал бўлади. p нинг V га боғланиш графигини чизинг.

170. Ўзгармас температурада газнинг p зичлигининг p босимига тўғри пропорционал бўлади. p зичлигининг p босимга боғланиш графигини чизинг.

171. $t = 0^\circ\text{C}$ даги бирор массали водород учун Бойль-Мариотт қонунининг графиги 164-расмда берилган. Газнинг массаси аниқлансин.

172. Температураси $B - 0^{\circ}\text{C}$ бўлган $3,15 \text{ г}$ водород учун Бойль-Мариотт қонунининг графигини чизинг.

P

«

—ПТТТП1111

V

5

0 0,5 10^{-5} 10^{-5}

164- расм.

173. 10- жадвалда берилган маълумотларга кўра, азотнинг ҳисоблаб топилган ва тажрибада топилган V ҳажмининг унинг P босимига боғланиш графигини чизинг.

10- жадвал

Газнинг P босими (ат ларда)	Бойль-Мариотт қонунидан ҳисобланган ҳажм (см^3 ларда)	Тажрибада топилган ҳажм (см^3 ларда)
1	22410	22410
78	287	272
100	224	222
150	149	150
300	75	85


Кўрсатма. 1. Иккала эгри чизиқ битта координаталар тўрида чизилсин. 2. Машқни бажариш учун $25 \times 25 \text{ см}$ ўлчамдаги миллиметрли қоғоз бўлиши зарур.

174°. 1. Бойль-Мариотт қонунининг графигидан фойдаланиб (163-расм), V ва PV ўқларида шу қонуннинг бошқа графигини чизинг.

2. Газ массаси кўп ва оз бўлганда бу график қандай ўзгаради?

175. Изотермик процесс турли иккита график билан тасвирланган (165-расм). Бунда хато қилинмаганми?

176. Сигими $1/16$ л бўлган идишга $P \sim 1$ ат босимда кислород ва $\rho_a = 1,5$ ат босимда азот кири-тилди. Аралашма изотермик қисилди.




165- расм.

1. Ҳар бир газнинг изотермасини чизинг.
2. Ҳар бир газнинг изотермасига қараб газлар ара-лашмасининг изотермасини чизинг.

§ 23. Гей-Люссак ва Шарль қонунлари

177. 1. Гей-Люссак қонуни графигидан фойдаланиб (166- расм), газнинг ҳажм кенгайиш коэффиЦиентини топинг.



166- расм.

Температура, °C ларда

167- расм.


- 2. Нима учу-н график-даги. эгри чизик тўғри бурчакли координаталар системасининг бошидан ўтмайди?

178. 1. 167-расмда келтирилган график газ қонунларидан қайси бирини ифодалайди?

■, д... 2. Нима учун экспериментал аниқланган нуқталардан ўтган тўғри чизик тўғри бурчакли координаталар системасининг бошидан ўтмайди?

179. Нормал шароитда олинган 117,66 г ҳаво ўзгармас босимда 27° қиздирилди. Қизитишда газ ҳажми-нинг ўзгариш графигини чизинг.

180. 0°C да олинган газни кейин ўзгармас босимда қиздирилди. Газнинг ҳажми 168- расмда кўрсатилгандек ўзгаради. Газ неча-., градус қизиган?



163- расмр.

169-расм.

181. 0°C да олинган газни кейин ўзгармас ҳажмда қиздирилди. Газнинг босими 169- расмда кўрсатилган-дек ўзгаради. Газ қандай температурагача қиздирилган?

182. 170-арасмда газ ҳажмининг температурага боғланиш графиги, 170- б расмда таз босимининг температурага боғланиш графиги берилган. Бу боғланиш-ларни алгебраик ёзинг.

183. 31-расмда (45-бет) изохор процессларнинг графиклари келтирилган.

1. Нима учун бу графиклар турли чизиклар билан тасвирланган?

2. Нима учун тўғри чизиклар A нуқтагача пунктир чизик билан давом эттирилган.


Э с л а т м а . Ўзгармас ҳажмда газ ҳолатининг қан-дай ўзгаришини кўрсатувчи график изохора дейилади.

184. 32- расмда (45- бет) изобар процессларнинг графиклари келтирилган.

1. Нима учун бу графиклар турли чизиклар билан тасвирланган?

2. Нима учун тўғри чизиклар L нуктагача пунктир чизиклар билан давом эттирилган?


Э с л а т м а . Ўзгармас босимда газ ҳолатининг қандай ўзгаришини кўрсатувчи график изобара дейилади.



170- расм.

185. 171-расмда газнинг 0°C температурадагк изотермаси берилган. Массаси худди шунча бўлган газнинг $54,6^\circ\text{C}$ температурадаги изотермаси чизилсин.

186. Маълум массадаги кислород учун температура $t = 27^\circ\text{C}$ бўлганда Бойль-Мариотт қонуни графиги 171-расмда тасвирланган. Кислороднинг массаси аниқлансин.



171- расм.

А«

172-расм.

187. Қандай физик таъсир билан идеал газни A ҳолатдан B ҳолатга келтириш мумкин (172-расм).

188. Газнинг ҳолати V, p -диаграммадаги бирор нуқта билан тасвирланади. Дастлаб газни ўзгармас бо-симда иситилади, сўнгра эса ўзгармас ҳажмда темпе-

ратура пасайтирилади. Газ ҳолатининг ўзгариш графигини схематик равишда чизинг.

189. Нормал шароитда газ грамм-молекуласининг ҳолати V , уО-диаграммадаги бирор нукта билан тасвирланади. Дастлаб газни ўзгармас босимда 7° , $= 300^\circ\text{K}$


температурагача иситилади, сўнгра ўзгармас ҳажмда яна 150°C температурагача иситилади. Газ ҳолатининг ўзгариш графигини чизинг.

190. Газнинг $T = 27^\circ\text{C}$ температурадаги ҳолати 173- расмдаги a нукта билан тасвирланади.

Агар газ b , c , d ва e нукталар билан ифодаланган ҳолатларга ўтказилган бўлса, газнинг шу массаси учун температурани аниқланг. V ва T , p координата ўқларида

191. 1. V , p ; T , идеал газ изохорасини схематик равишда чизинг. 2. Чизилган графикларни бир-бирига таккосланг.

192. 1. V , p ; T , V ва T , p координата ўқларида идеал газ изобарасининг графигини схематик чизинг. 2. Чизилган графикларни солиштиринг.



174- расм.

193. 1. V , p ; T , V ва T , p координата ўқларидаги идеал газ изотермаси графигини схематик равишда чизинг. 2. Чизилган графикларни ўзаро солиштиринг.

194. V , p ва T , p координаталар ўқларида идеал газдаги изотермик, изобар ва изохор процесслар гра-

фикларини схематик равишда чизинг. Турли координата ўқларидаги бир хил процессларнинг графикларини солиштиринг.

195. T , p ва T , V координата ўқларид-а идеал газ-даги изохор, изобар, изотермик процессларнинг графикларини схематик равишда чизинг. Турли координата ўқларида бир хил процессларнинг графикларини ўзаро солиштиринг.

196°. 174-расмда иситишда газ ҳолатининг ўзгариш графиклари берилган.

1. Газнинг бошланғич босими каттами ёки охириги босимими (174- a расм)?

2. Газнинг бошланғич ҳажми каттами ёки охириги ҳажми (174-б расм)?

Х 606. ҚАТТИҚ ЖИСМНИНГ ХОССАЛАРИ

Қаттиқ жисмларнинг эластик-механик ва иссиқлик хоссалари физика курсида ва машинашуносликда ўрганилади. Программанинг бу масалалари бўйича бу икки ўқув предмети орасидаги боғланиш шундай бўлиши керакки, бунда ўқувчиларнинг физика ва машинашунослик дарсларида олган маълумотлари бир-бирини тўлдирсин. Натижада ўқувчиларда эластиклик, пластиклик, мўртлик, қаттиқлик, мустаҳкамлик каби муҳим тушунчалар, эриш ва кристалланиш процессларининг бориши ҳақида тўғри ва етарлича тўлиқ билимлар ҳосил бўлсин.

Баъзи ҳолларда физика ўқувчиларни машинашуносликнинг қатор масалаларини ўрганишга тайёрласа, бошқа ҳолларда физик тушунчаларнинг шаклланиши ўқувчиларнинг қаттиқ жисмларнинг турли хоссалари ва уларга ишлов беришнинг технологик процесслари билан амалий танишишларига асосланади.

Қаттиқ жисмнинг эластик-механик хоссаларини миқдорий жиҳатдан ўрганиш чўзилиш диаграммасини таҳлил қилишдан (машинашуносликда ўрганилади) ва, хусусан, бу диаграмманинг Гук қонунининг график тасвири бўлган тўғри чизикли қисмини таҳлил қилишдан (физика дарсларида ўрганилади) иборатдир. Гук қонунининг D (абсолют узайиш) ва P (эластик куч) координата ўқларидаги тўғри чизик шаклидаги тасвири берилган / узунликдаги қаттиқ жисмнинг D , абсолют

узайиши деформацияловчи кучга тўғри пропорционал бўлишини ишонарли кўрсатади. Бинобарин, у- нисбий узайиш ҳам деформацияловчи кучга тўғри пропорционалдир'. Қўйида келтирилган графикларни анализ қилишда бу факт янада равшанроқ аниқланади. Баъзи масалаларда зўриқиш (куч) билан деформация орасидаги алоқа таҳлил қилинади.

Бу ерда, шунингдек, ўқувчилардан ўзгарувчан кучнинг бажарган ишини — чўзилишда пайдо бўладиган эластик кучлар бажарган ишни график ҳисоблаш талаб қилинадиган машқлар ҳам- берилган. Айни бир вақтда бу ўқувчиларни турли иссиқлик двигателларида газ ёки буғнинг бажарган ишини трафик ҳисоблашга ўргатишга хизмат қилади.

§ 24. Гук қонуни. Чўзилиш диаграммаси

197. Пружинанинг бир учи штативнинг горизонтал стерженига маҳкамланган. Пружинанинг иккинчи учига тарозининг палласи осилган. Паллага ҳар гал 100 Г дан брттириб борган ҳолда $P_1 = 100$ Гдан $P_2 = 1000$ Г гача юк қўйилади (175-расм). Пружинанинг эркин учига ўрнатилган кўрсаткич қўзғалмас шкала бўйлаб силжийди.

1. Агар $P_1 = 100$ Г куч таъсирида пружинанинг узайиши $\Delta l = 50$ см гача етган бўлса, пружинанинг чўзилиш графигини чизинг.

2. Графикдан пружинани зўзишда бажарилган ишни аниқланг.

198. $l = 20$ — 25 см узунликдаги резинканинг бир учини штативга боғланг, Иккинчи учига эса тарози палласини осинг (176-расм). Резинканинг бўйлама ўқиға перпендикуляр вазиятда қўзғалмас тик шкала бўйлаб силжийдиган иккита кўрсаткич ўрнатинг. Паллага аста-секин тошлар қўя боринг ва ҳар гал резинканинг умумий узайишини ва юкнинг умумий оғирлигини ёзиб боринг.

1. Резинканинг M узайиши билан P нагрузка орасидаги боғланиш графигини чизинг.


2. Графикдан резинкани чўзишда бажарилган ишни аниқланг.

3. Резинкани чўзиш иши бажарилганда қандай энергия ўзгаришлари рўй беради?

199. Юкнинг оғирлиги пружинали тарозилар ерда-мида аниқланади (177-расм). Бунда кўрсаткич шкала буйлаб $\Delta = 25 \text{ мм}$ га силжийди.

1. Пружина 25 мм чўзилганда бажарилган ишни график равишда аниқланг.


2. Пружина чўзилганда унинг ички энергияси нима хисобига ортади?



175- расм.



176- расм.



177- расм.

200. 178- расмда жез стерженнинг кўндаланг кесими-га таъсир қилаётган куч билан унинг нисбий узайи-ши орасидаги боғланиш графиги тасвирланган. Жез учун эластиклик модулини (Юнг модулини) аниқ-ланг.

201. 179- расмда темир цилиндрнинг кўндаланг кесими-га таъсир этувчи куч билан унинг нисбий узайиши орасидаги боғланиш графиги берилган.


Темир учун эластиклик модулини (Юнг модулини) топинг.

202. 180-расмда металл намуна-нинг синаш вақтида олинган „узайиш-нагрузка“ ўқларидаги чўзилиш диа-граммаси кўрсатилган.

1. Диаграмманинг алоҳида OA , AB , BC , CO ва OE қисмларида қандай процесслар тасвирланган?

2. Чўзилиш диаграммасидан эластиклик чегараси ва мустаҳкамлик чегарасини қандай аниқлаш мумкин?

203. Шиша толали анизотроп материал—СВАМ дан қилинган намунанинг чўзилиш деформациясининг кучга



178- расм. Абсциссалар ўкига

жез стерженнинг —,~ нисбий узайиш қийматлари 10* марта катталаштириб қўйилган.

с 1 2 3 } 1^ш
А и б узайиш


(1 2 4 6 6
нисбий уз айц 1)

179- расм. Абсциссалар ўкига

темир цилиндрнинг —г- нисбий узайиш қийматлари 10⁵ марта катталаштириб қўйилган.

боғланиш графиги маълумотларидан фойдаланиб (131-расм), куйидагиларни аниқланг:

1. Бу материалнинг эластиклик модули нимага тенг?



Жп

50

№

1.6

1

180- расм.

181- расм.

2. Намунави эластиклик модулига мсс бўлган кучланишгача. ҳам чўзиш мумкинми?

3. Диаграммада пластиклик қисми борми?

§ 25. Жисмларнинг иссиқдан кенгайиши

204. 11-жадвалда темир труба узунлигининг температурага боғланиши кўрсатилган.

1. Бу боғланишни график равишда тасвирланг.


2. Трубанинг $\ell = 0^\circ\text{C}$ даги

узунлигини аниқ-ланг.

205. 182- расмда темир сим узайишининг температурага боғланиш графиги берилган. Агар сим-

11-жадвал

Температура ($^\circ\text{C}$ ларда)	Узунлиқнинг ўз- гариши (мм ларда)
30	+ 3
20	+ 2
8	+ 0.8
5	+ 0.5
—4	— 0.4
—10	— 1
—15	— 1,5



182- расм.

нинг дастлабки узунлиги 3,3 м бўлса, темирнинг чи-
зикли кенгайиш коэффициентини аниқланг.

XI б о б. МОДДА АГРЕГАТ ҲОЛАТИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Бу бобдаги масалалар икки гурпуага бўлинади.

Биринчи гурпуа масалаларида модданинг турли агрегат ўзгаришларда унинг температураси ҳақида гап боради.

1. Бир агрегат ҳолатдан иккинчи агрегат ҳолатга ўтиш процессида кристалл моддаларнинг эриш темпе-ратураси ва химиявий тоза суюқликларнинг қайнаш температураси вақт ўтиши билан ўзгармайди.

Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш (эриш ёки буғланиш) иссиқлиги ҳисобига модданинг ички энергияси ўзгаради ва ташқи босимга қарши иш (кенгайиш иши) бажарилади. Бунда ички энергиянинг фақат бир ташкил этувчиси—молекулаларнинг потенциал энергияси ортади. Бир агрегат ҳолатдан иккинчи агрегат ҳо-латга ўтишда молекулаларнинг ўртача кинетик энер-

гияси ўзгармайди, шунинг учун температура ўзгар-майди.

2. Қаттиқ жисмларнинг эриш температураси ва суюқликларнинг қайнаш темиератураси бу моддалар турган босимга боғлиқдир. Температура билан босим орасидаги бу боғланиш сўзда „Босим қанча катта бўлса, қайнаш температураси шунча юқори бўлади“ дейиш билан чегараланилганидек тўғри пропорционаллик билан эмас, балки тўғри бурчакли координаталар тўрида бирор эгри чизик кўринишидаги анча мураккаб боғланиш билан ифодаланади.

Иккинчи группа машқ ва масалаларида таҳлил қилинадиган графиклар ёрдамида модданинг критик ҳолатидаги тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва критик ҳажм, критик температура ҳамда критик босимни аниқлаш мумкин. Шу мақсадда дастлаб қатор мисолларда модда изотермасининг айрим қисмларининг физик маъносини аниқлаб олинади. Масалан, модда.изотермасининг Бойль-Мариотт қонунига бўйсунувчи бўлса, ўзгармас босимда конденсирланувчи бўлинган бўлса ва, ниҳоят, босимни орттирганда кам сиқиладиган суюқликка тегишли қисмларини олиш мумкин (220, 221- масалалар). Бу ерда текисликдаги (масалан, T температура ва p босим ўқларидаги) нуқта фақат газнинг ҳолатини эмас, балки модданинг исталган фазаси (қаттиқ, суюқ ва газ-симон) ҳолатини ва қатор ҳолларда икки фазали система ҳолатини характерлай олишини кўрсатиб ўтиш зарур. (Учлик нуқта ҳақидаги тушунча ўрта мактаб физика курсида ўрганилмайди.)

§ 26. Эриш ва қотиш

206. Муз парчасини пробиркага солинг ва унга термометр туширинг. Сўнгра пробиркани $t = 40 \text{ — } 50^\circ\text{C}$ температурадаги сувли стаканга солинг. Вақтларнинг тенг оралиқларида температуранинг ўлчаб ва ёзиб бo-ринг.

1. Абсциссалар ўқига x вақтни, ординаталар ўқига I темипературанинг қўйиб, кузатишларингиз натижаларини график кўринишида тасвирланг.

2. Музнинг эриши вақтида ва муз эриб бўлгандан кейин температура ўзгарадими?

3.. Графикнинг горизонтал қисми нимани билдиради?

,№

Кўрсатма. Муз ўрнига бошқа кристалл жисм, масалан, нафталин олиб, шунга ўхшаш топширикни бажариш мумкин.

207. 24- расмда қизитилганда кўргошин ҳажмининг (б) ва мум ҳажмининг (в) ўзгариш графиклари берилган.

1. Бу моддалар қайси температурада эрийди?
2. 24-б расмдаги вертикал кесма нимани кўрсатади?
3. 24- в расмда ҳам шундай кесма борми?
4. Графикка қараб мумнинг қайси температурада эрий бошлашини айтиб бериш мумкин?

Эслатма. Ординаталар ўқи бўйлаб шартли бирликларда олинган ҳажмлар қўйилган.

208. 183- расмда температуранинг ортиши билан муз ва сувнинг ҳажми қандай ўзгариши кўрсатилган.

1. Графикдаги AB , BC , CO , OE қисмлар нимани кўрсатади?

2. Сувнинг музлаш температураси қандай?

3. Қандай температурда сувнинг зичлиги энг катта бўлади?


209. Пробиркани тах-

минан учдан бир ёки Температу-
тўртдан бир қисмигача
гипосульфит кристаллари
билан тўлдилинг.

Пробиркага термометр туширинг. Гипосульфитни спирт лампа алангасида эритинг ва сўнгра уни уй температурасигача совитинг. Бу ишларни қилиб бўлгач, қуйидаги тажрибани ўтказинг.

Гипосульфитли пробиркани сув ваннасида қиздиринг ва вақтнинг тенг оралиқларида термометр кўрсатишларини ёзиб боринг. Гипосульфит эриб суюқ ҳолатда қизигандан сўнг пробиркани уй температурасидаги сув-ли идишга солинг ва температура ўзгаришини кузатишда давом этинг. Совитиш вақтида суюқликни сил-китманг ва уни аралаштирманг. Ўта совиш ҳодисаси юз берганда, пробиркага гипосульфит кристалли таш-ланг ва қайтадан температурани белгилаб олинг. 10 минут ўтгандан сўнг кузатишни тўхтатинг.

1. Температуранинг ўзгариш графигини ясанг.




183-расм.

2. Графикдан гипосульфитда 'қандай ҳодисалар бўлишини тушуитиринг.

210. 184- расмда айна бир металлнинг вақт ўтиши билан совиш графиклари кўрсатилган.

Г

I*



184- расм.

Иккинчи ҳолдаги пр^цесслар (184- б расм) биринчи ҳолдагидан нима билан фарқ қилади?

р **211.** 185- расмда музнинг эриш эгри чизиғи кўрсатилган. Бу эгри чизиқ музнинг эриш температу-раси ^у турган босимга боғлиқ равишда қандай ўзгаришини кўр-сатади.
(Ум исал.)
'Ф Диаграммадаги *A* ва *B* нуқталар қандай (суюқ ёки қат-тиқ) ҳолатга мос келади? Жа-вобингизни асослаб беринг.

0,0075

185- расм. § 27. Бўғланиш ва қайнаш.

Тўйинтирувчи бўғлар

212. 12-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, турли суюқликларнинг тўйинтирувчи бўғчари босимининг температурага бўғланиш графигини чизинг.

1. Ҳар бир суюқлик учун қандай температурада тўйицтирувчи бўғлар босими атмосфера босимига тенг бўлади ?

2. Нима учун бу температуралар бир хил бўлмайди?

К ў р с а т м а . Графикларни 15X25 см ўлчамли мид-лиметр қоғоз варағига чизинг.

12- жадвал

Температура ($^{\circ}\text{C}$ пагла)	Босим ** симоб устунларида)		
	сув	сгшрт	эфир
0	4,6	12	186
20	17,5	44	440
40	55	134	921
60	149	350	1734
80	355	813	2974
100	760	1698	4855
120	1489	3232	7513

213. Этил хлорид буғлари билан қилинган тажрибада буғлар босимининг ҳажмга боғланиши қуйидаги жадвалда берилган (13-жадвал).

13- жадвал '

Ҳажм (см^3 лар- *)	50	45 ! 40	35	30 ; 25	20	15
		1				
Босим ($\text{кг}/\text{см}^2$ *)	1,25	1,28 1,3	1,35	1,35 1,35	1,35	1,4

1. Бу боғланишни график равишда ифодаланг.
2. Графикда горизонтал қисмнинг мавжудлигини қандай тушунтириш керак?
3. Ҳажм 20 дан 15 см^3 гача камайганида эфир буғлари босимининг ортишига сабаб нима?
214. Ёпиқ цилиндрда тенг ҳажмда сув ва сувнинг тўйинтирувчи буғлари бор. Цилиндр ҳажми икки марта кичрайганда буғ босимининг ўзгариш графигини схематик равишда чизинг.
215. Сувнинг нормал атмосфера босимда қайнаш процессида температура графигини схематик равишда чизинг.
216. 14- жадвалда сувнинг қайнаш температурасининг ташқи босимга боғланиши кўрсатилган.

14- жадвал

Босим ($\text{кг}/\text{см}^2$ ларда)	1	2	3	4	5	7	9	10]	11	100	200
Қайнаш температураси ($^{\circ}\text{C}$ ларда) . . .	99,1	119,6	132,9	142,9	151,1	164,2	174,6	179,9	183,2	309,5	361,1

¹ И. В. Р у м я н ц е в тажрибалардан, „Физика п гаколе*“ журна-
нали, 1958 йил, 4- соя.

2/Нима учун 374°C да буғ ҳосил бўлиш солиштира-ма иссиқлиги нолга тенг бўлади?

3. Модданинг бу ҳолати қандай ҳолат дейилади?

Кўрсатма. Графикни 20×20 см ўлчамли милли-метрли қоғоз варағига чизинг.

224. Карбонат ангидриднинг критик температураси $t_c = 31^{\circ}\text{C}$.

1. Бу модданинг критик температурадан паст температурадаги, критик температурадаги ва критик температурадан юқори температуралардаги учта изотермасини схематик равишда чизинг.

2. Диаграммадаги қайси нукта карбонат ангидрид газининг критик ҳолатига тўғри келади?

3. Диаграммада карбонат ангидриднинг критик ҳажми ва критик босимига мос келувчи нукталарни кўрсатинг.

Кўрсатма. Учала изотермани V, P -координаталар ўқидаги битта диаграммада чизинг. Бу ерда V —модданинг солиштира ҳажми.

§ 29. Намлик

225¹. $t_c = 18^{\circ}\text{C}$ температурада ҳавонинг нисбий-намлиги 65%. Сув буғи зичлигининг температурага боғланишини кўрсатувчи графикдан (188-расм):

1) ҳавонинг абсолют намлигини;

2) шудринг нуктасини;

3) температура 5°C гача пасайганда 1 лР, ҳаводан ажраладиган сув миқдорини аниқланг.

226. Ўлчамлари $3 \times 4 \times 5$ м бўлган хонадаги ҳаво 20°C дан 15°C гача совиганда 132 г сув конденсирланди. 188-расмдаги графикдан фойдаланиб, ҳаво совиганига қадар унинг нисбий намлиги қандай бўлганини ҳисобланг.

227. 100 л сизимли идиш ичига 17°C температурали 1,75 г сув пуркалди.

188-расмдаги графикдан фойдаланиб, қуйидагиларни аниқланг.

1. Буғланишдан сўнг қанча сув суюқ ҳолатда қолади?

2. Идишни 2° иситганда яна қанча сув буғланади?

¹ Масалани С. Е. Каменецкий таъсия қилган.

. 228. 20°C температурада ҳаводаги сув бугларининг зичлиги 16 г/м³. Бу бугларни ўта қизиган буглар де-йиш мумкинми? 188-расмдаги графикдан фойдаланиб, жавобингизни асослаб беринг.

229. Температураси 15°C бўлган бинода ҳавонинг нисбий намлиги 60% эди. Марказий иситиш системаси ишлай бошлагач температура 2ГС гача кўтарилди. Нисбий намлик қандай ўзгарган?

Кўрсатма. 188-расмдан фойдаланинг.

230. Бинонинг вентилияцияси учун температураси —■ 5°C ва нисбий намлиги 75% бўлган ҳаво берилади, бироқ бундан олдин ҳаво 30°C температурагача иситилиб, 60% гача намланади. Бунда бинонинг вентилияцияси учун берилаётган ҳавонинг ҳар бир куб метрига қўшимча равишда қанча миқдорда сув буғи киритилади?

Кўрсатма. 188-расмдаги графикдан фойдаланинг.

231. Соч гигрометрнинг тенг ўлчовли шкаласида 100 бўлим бор. Гигрометр кўрсатишларини ҳавонинг намлиги турлича бўлган-да психрометр ёрдамида ўлчанган нисбий намлигига солиштириш йўли билан 17- жадвал ҳосил қилинган.

17- жадвал

Гигрометр- нинг тенг																					
улчовли шкалада кўрсатиш- лари . . .	0	5	1	1	2	2	3	3	4	4	5	5	6	6	7	7	8	8	9	9	10
			0	5	0	5	0	5	0	5	0	5	0	5	0	5	0	5	0	5	0
Мисбий																					
намлик, про- центлар	0	2	5	8	9	1	1	1	2	2	2	3	3	4	4	5	6	7	7	8	10
						2	5	8	1	4	8	2	6	1	7	4	,	0	9	9	0

1. Сочгигрометрнинг даражаланиш графигини чизинг;
2. Нисбий намликнинг асбобдаги шкаласи тенг ўлчовли бўладими ёки тенг ўлчовли бўлмайди? Жавобингизни асослаб беринг.

ХП боб. ГАЗ ВА БУҒНИНГ ИШИ. ИССИҚЛИК МАШИНАЛАРИ

Бундан аввалги боблардаги масалаларни ечишдаги ўзгармас ва ўзгарувчи кучнинг бажарган ишини аниқлашга доир графиклар газ ва буғнинг бажарган ишини

аниклаш учун замин яратди. Бу ерда фақат яна бир янги элемент киритилади: газ ва буғнинг ҳолати ўзга-риш процессида унинг босими жуда мураккаб равиш-да ўзгаради, шунинг учун босимнинг бундай ўзгариши қандайдир эгри чизик билан тасвирланади. Ишни график усулда ҳисоблаш аввалгидек қола беради. Бу усулдан:

1) газнинг ҳажми бир бирликка ўзгарганда изотер-мик эгри чизикнинг турли қиемларида газнинг бажар-ган иши бир хил бўлмаслигини кўрсатишда;

2) ишни бажаришга сарф бўлган иссиқлик миқдори маълум бўлганда иссиқликнинг механик эквивалентини аниқлашда;

3) циклнинг термик фойдали иш коэффициентини ҳисоблашда фойдаланилади.

Газ ҳолати ўзгаришининг турли процесслари (изо-термик, изобар, изохор процесслари)нинг график тас-вирлари билан ўқувчилар бундан аввалги бобларда та-нишганлар ва адиабатик процессни сифат томондан ўрганганлар (масалан, бутилкадаги бирор ортиқча бо-сим остида бўлган нам ҳавони кескин кенгайтирилган-да шудринг ҳосил бўлишига доир тажрибада). Бу уш-бу бобда иссиқлик машиналарининг ишлашини таҳлил қилишга имкон беради. Бундан иссиқлик машиналари-да иссиқлик манбаи (иситгич)дан совитгичга иссиқлик берилиши сабабли иссиқлик цикллари рўй бериб, бу цикллار вақтида иш бажарилишини ҳисобга олиш керак.

Газ ёки буғ устида ташқи иш бажариш ҳисобига совуқроқ жисмдан иссиқроқ жисмга иссиқлик берувчи совитгич машина (холодильник) билан ҳам ўқувчилар-ни таништириш муҳимдир. Бу мақсадда тескари иссиқ-лик цикли бажариладиган машқни ечилади.

Ниҳоят, машқ ва масалаларда идеал иссиқлик дви-гатели фойдали иш коэффициентининг иситгич васовит-гич температураларига боғлиқ эканлиги анализ қили-нади ва автомобиль двигателининг иссиқлик баланси кўриб чиқилади.

§ 30. Газ ва буғнинг иши. Иссиқликнинг механик эквиваленти

232. 189-расмда газнинг изобар кенгайиш графиги берилган. Газнинг кенгайишда бажарган ташқи ишини $kГм$, $kЖ$ ва $нм$ ларда аниқланг.

236. Епиқ цилиндрдаги газнинг A ҳолатдан B ҳолатга изобар ўтишида бажарган кенгайиш ишига $64,4 \text{ кал}$ иссиқлик сарфланган. Иссиқликнинг механик эквиваленти аниқлансин.

237. Газнинг A ҳолатдан B ҳолатга изотермик ўтишида бажарган ишига $3,07 \text{ ккал}$ иссиқлик сарфланган (191-расм). Иссиқликнинг механик эквиваленти аниқлансин.


§ 31.

Иссиқлик машиналари

238. Буғ машинанинг цикли 192- расмда тасвирланган.

буғ машина-

1. AB , BC , CD EO ва EA кесмалар даги қандай процессларни тасвирлайди.



192- расм.

2. Буғнинг отсечкаси графикдаги қайси нуқта мос келади?


3. Буғнинг отсечкаси нимага тенг?

4. Буғнинг бажарган иши графикда нима билан ифодаланади?

5. Конденсатордаги бо-сим нимага тенг? саволга жавоб бериш

Кўрсатма.

Учинчи масштабни чизгичдан фойдаланинг



193- расм.


0,4л'

239. Газ график тасвири 193- расмда берилган айланма процессни ўтган.

1. Циклнинг ҳар бир қисмидаги ишни аниқланг.

2. Бир цикл давомида бажарилган фойдали ишни аниқланг.

240. 194-расмда буғ машинанинг цикли тасвирлан-ган. Машинанинг бир цикл давомидаги фойдали ишини аниқлақг.



194- расм.

241. Бундан аввалги масалага доир расмдан фойда-
ланиб:

1. Машинага келаётган бугнинг бссими 12 *ат* дан 15 *ат* гача ортганда машина бажарган ишнинг неча процент ортишини;


2. Босими 0,5 *ат* га тенг бўлган конденсатордан фой-
даланганда машина бажар-
ган ишнинг неча процент
ортишини аниқланг.

242. Ички ёнув двигате-
лининг (портлаш ички ёнув
двигателининг) цикли 195-
расмда берилган.

1. *AB, BC, CO, OE, BE*
ва *BA* кесмаларга двига-
телда бўладиган қандай
процесслар мос келишини
тушунтириб беринг.

2. График қисмларидан қайси бири 1, 2, 3 ва 4
тактларни билдиради?

3. Двигателнинг иши графикда нима билан ифода-
ланади?




195-расм.


243 Ички ёнув двигателининг цикли 196-расмда тасвирланган.

Двигателнинг бир цикл давомида бажарган иши аниқлансин.

244. Идеал иссиқлик машина фойдали иш коэффициентининг иситгич температурасига боғланиши 197-расмда кўрсатилган.





196- расм.



197- расм. Идеал иссиқлик машина фойдали иш коэффициентининг иситгич температурасига боғланиши.

1. Совитгичнинг температураси қандай?
2. Фойдали иш коэффициентининг эгри чизиғи тўғри чизикни ўнг томонда 100% ни ифодаловчи бирор нуқтада кесиб ўтадими?



-V 0

198-расм.

3. Қандай ҳолда иссиқлик машинанинг фойдали иш коэффициентини нолга тенг бўлади? Бу графикда қайси нуктага мос келади?

245. 1. —5°C дан 90°C гача температура оралигида идеал иссиқлик машина фойдали иш коэффициентининг советгич температурасига боғланиш графигини чизинг. Иситгич температурасини 500°C деб олинг.

2. Бу графикнинг хусусиятларини сўзлаб беринг ва иссиқлик машинанинг қандай хоссаларини характерлашини тушунтириб беринг.

246°. 198- расмда иккита иссиқлик машинанинг циклари берилган. Бу машиналар бир-биридан нима билан фарқ қилади. Жавобингизни асослаб беринг.

247. 18-жадвалда автомобиль двигателининг иссиқлик баланси келтирилган.

18- жадвал

Иссиқлик исрофлари:

Ишлаб бўлган газлар билан	35%
Сув билан	25%
Ўқилғининг ўлик ёнмаслиги билан	5%
Ишқалишга ва ёрдамчи механизмларнинг ишлашига , „ ,	10%
Фойдали иш	25%

Бу двигателнинг энергетик диаграммасини чизинг.

ЭЛЕКТР

ХIII боб. ЭЛЕКТР ЗАРЯДЛАР ВА ЭЛЕКТР МАЙДОН

Электр майдон ҳар бир нуктада ўзаро боғлиқ бўлган икки физик миқдор: майдоннинг E кучланганлиги ва ср потенциал билан характерланади. Электр ҳақидаги таълимотда $<?$ нуктавий заряднинг E майдон кучланганлиги ва бу заряддан майдон кучланганлиги аниқланаётган нуктагача бўлган z масофа орасидаги функционал боғланиш аниқланган. Бу боғланиш

тенглик билан ифодаланади.

Майдоннинг берилган нуктадаги электр потенциал'

τ z

формула билан аниқланади.

¹ „Берилган нукта билан бошқа маълум, бироқ ихгиёрий танланган нукта орасидаги электр потенциаллар айирмаси* берилган нуктадаги электр потенциал деб аталади. „Терминология теоретической электротехники“, изд. АН СССР, М., 1958, 17- бет.

Бир жинсли майдон бўлганда (масалан, ясси конденсаторнинг икки пластинкаси орасидаги майдон) майдон кучлантанлиги потенциаллар айирмаси ϵ/σ орқали

муносабат ёрдамида аниқланади, бунда ϵ — конденсатор пластинкалари орасидаги масофа.

Бироқ ўқувчилар зарядлар атрофидаги электр майдоннинг умумий манзарасини яққол тасаввур қила олмайдилар ва ўқитиш практикасида бу масалага кам эътибор берилади.

Электр майдонни икки усул билан аёний тасвирлаш мумкин. Бу усуллардан бири куч чизиқлари тўплами ва эквипотенциал сиртлар ёрдамида тасвирлаш; иккин-чиси, физик миқдорларнинг сон қийматлари орасидаги функционал боғланишларни тўғри бурчакли координаталар системасидаги оддий график ёрдамида тасвирлаш.

Бу ерда келтирилган машқ ва масалалар тўғри бурчакли координаталар системасида:

а) E майдон кучланганлиги ва σ потенциалнинг нуқтавий зарядгача бўлган r масофага боғланишларида фарқ бор эканлигини график кўрсатишга;

б) ясси конденсатор пластинкалари орасида майдон потенциалининг ўзгариш манзарасини, шунингдек, айти бир заряд бўлганда конденсатор қопламаларидаги потенциаллар айирмаси конденсатор сигимига боғлиқ бўлишини аёний равишда кўрсатиб беришга имкон беради.

Берк тебраниш контуридаги электр тебранишларни ўрганишда бу процессда конденсатор электр майдон энергиясининг токли ғалтак магнит майдон энергиясига айланишини уқтириб ўтилади. Бироқ ўқувчиларнинг математик тайёргарлиги кам бўлгани сабабли бу энергия миқдори аниқланмайди. Ҳолбуки, жисмга электр заряд берганда бажариладиган ишни график усулда ҳисоблашни ўқувчилар яхши биладилар, улар курснинг бундан олдинги бўлимларини ўрганишда машқлар бажариб бундай усул билан яхши танишганлар. Электр майдон хоссаларини экспериментал ўрганиш ва зарядланган жисмларнинг энергиясини ва, демак, бу жисмлар атрофидаги майдонни ҳисоблаш ўқувчиларда бу

майоннинг реаллигига ишончнинг таркиб топишига ёрдам беради. Шу мулоҳазаларга мувофиқ ушбу параграфда зарядланган жисмларнинг электр майдони энергиясини ҳисоблашга доир машқ ва масалалар берилган.

§ 32. Кучланганлик ва потенциал. Конденсаторлар

248. 1. 10^{-7} к электр заряд ҳосил қилган майдон кучланганлигининг зарядгача бўлган масофага қараб ўзгариш графигини чизинг.

2. Майдон потенциали учун ҳам худди шу"топширикни бажаринг.

249. Иккита бир хил ишорали $q_1 = 100$ СГСЭ ва $q_2 = 200$ СГСЭ нуқтавий заряд бир-биридан $r = 80$ см масофада турибди.

Қуйидагиларни график равишда аниқланг:

1. Зарядларни туташтирувчи тўғри чизикнинг қайси нуқтасида майдон кучланганлиги $E = 0$ бўлади?

2. Майдоннинг зарядларни туташтирувчи тўғри чизикдаги қайси нуқтасида ҳар иккала заряд ҳосил қилган потенциалнинг абсолют қийматлари ўзаро тенг бўлади?

250. Ораларидаги масофа $r = 10$ см бўлган ясси конденсатор пластинкалари юқори кучланишли тўғрилагичнинг чиқиш клеммаларига уланган. Клеммалардаги кучланиш $U = 10$ кВ.

1. Конденсатор пластинкалари орасида потенциалнинг ўзгариш графигини чизинг.

2. Графикқа қараб мусбат зарядли пластинкадан $Q = 3$ см ва $U = 8$ см масофаларда майдон потенциални топинг.

3. Конденсатор пластинкалари орасидаги майдон кучланганлигини аниқланг.


251. Ясси конденсатор пластинкалари кучланиши 110 В бўлган ўзгармас ток генератори клеммаларига уланган.

Қуйидаги ҳоллар учун конденсатор майдонида потенциалнинг пластинкалардан биридан ҳисобланган U масофага боғлиқ равишда ўзгариш графигини чизинг:

- генераторнинг манфий клеммаси ерга уланганда;
- клеммалар ерга уланмаганда;
- мусбат клемма ерга уланганда.

К ў р с а т м а . Масофани ҳисоблашда мусбат зарядли пластинкани ҳисоб бошладиган нуқтада жойлашган деб олинг.

252. Ясси конденсатор ичида майдон кучланганлигининг мусбат электр заряд билан зарядланган пластинкадан ҳисобланган масофага боғлиқ равишда ўзгаришини кўрсатувчи график-ни схематик равишда чизинг.



199- расм,

К ў р с а т м а . Масофа ҳисоби бошладиган пластинкани мусбат зарядли деб олинг.


253. 199- расмда ўзгарувчан сиғимли конденсаторни даражалаш эгри чизиғи кўр-V сатилган.

1. Конденсатор пластинкалари бир системасининг пластинкаларнинг иккинчи кўзғалмас системасига нисбатан бурилиш бурчагининг

бўлинма қийматини $\langle p, = 20$ дан $\langle p_2 = 100$ гача бўлган интервалда юз градусли шкала бўлинмаларида аниқланг.

2. Агар пластинкаларнинг кўзғалувчи системаси юз градусли шкаланинг 50 бўлинмасига москеладиган бурчакка бурилган бўлса, конденсаторнинг заряди аниқлансин. Потенциаллар айирмаси $V = 30$ в.

3. Конденсаторга $q = 10^{10}$ к заряд берилган. Конденсатор пластинкаларидаги потенциаллар айирмаси V нинг конденсатор сиғимига боғланиш графигини чизинг.



200-расм.

К ў р с а т м а . Конденсаторнинг $\langle p_1 = 20$ дан $\langle p_2 = 100$ гача бўлган интервалда даражалаш эгри чизиғидан фойдаланинг (199-расм).

254 Сиғими 5 мкф конденсатор, 200-расмда кўрсатилганидек, 60 в гача зарядланади.

1. Конденсаторни зарядлашда бажарилган ишнинг миқдорини график ёрдамида аниқланг.

2. Конденсатор сиғимининг миқдори графикда нима билан тасвирланган?

3. Агар металл фольга (зар қоғоз) орасидаги катламнинг диэлектрик сингдирувчанлиги катта бўлса, графикнинг шакли қандай ўзгаради?

255. Сиғими 10 мкФ конденсатор 100 в кучланишли ўзгармас ток электр ёритиш тармоғининг штепсель розеткасига қўшилган. Зарядланган конденсаторнинг энергиясини график ёрдамида топинг.

256°. Ясси конденсаторпластинкасининг юзи $5^{\circ}2,4 \text{ сл}^2$. Пластинкалар 5 кВ кучланишли манбага уланган.

Агар пластинкалар орасидаги масофа 1 см дан 10 см гача ўзгарса, конденсатор майдони энергиясининг пластинкалар орасидаги масофага боғланиш графигини чизинг.

XIV боб. ЎЗГАРМАС ЭЛЕКТР ТОК ҚОНУНЛАРИ

§ 33. Ўтказгичларнинг қаршилиги. Ом қонуни

Электр занжирида кучланиш сарфини ўқувчилар тўғри тушуниб олишлари уларнинг кўп электр ҳодисаларни янада ўзлаштиришларига имкон беради. Шу билан бирга, к у ч л а н и ш с а р ф и н и н г т е з л и г и, жумладан, электр занжирининг ҳар бир узунлик бирлигига тўғри келадиган ўртача кучланиш миқдори нимага боғлиқ эканини аниқлаб олиш ҳам муҳимдир.

Ўзгарувчи миқдорлардан бири сифатида ўтказгичнинг узунлиги ёки ўтказгич узунлигига тўғри пропорционал бўлган қаршилик олинади (абсциссалар ўқига қўйилади). Кучланиш сарфи иккинчи ўзгарувчи миқдор бўлади (ординаталар ўқига қўйилади).

Бу бобда қуйидаги масалалар кўрилади:

1. Кесим юзи бирдай бўлган бир жинсли ўтказгич-Да ўтказгичнинг бутун узунлиги бўйлаб кучланиш сарфи бир текис бўлади.

2. Кучланиш ўзгаришининг тезлиги ўтказгичнинг қаршилигига боғлиқ бўлади.

3. Агар ток минбаи бутун узунлиги бўйлаб кесими бирдай бўлган бир жинсли ўтказгич билан туташтирилган бўлса ҳам умумий ҳолда бутун занжирда кучла-

ниш сарфи бир текис бўлмайди, чунки занжирнинг ташки ва ички қисмларининг солиштирма қаршилиги бир хил бўлмайди.

4. Клеммалардаги $\mathcal{E}$ / кучланиш билан манбаининг E электр юритувчи кучи орасида қанча фарқ бор экан-лиги ва бу микдорларнинг сон қийматлари қандай нис-батда бўлиши аниқланади.

5. Ток манбаининг клеммаларидаги кучланиш микдори нимага боғлиқ ва кучланишнинг энг катта ва энг кичик қийматлари қандай ҳосил қилинади?¹

Ушбу параграфдаги машқ ва масалаларда Ом қону-нини ифодаловчи формулага кирувчи физик микдорлар орасидаги функционал боғланиш-нинг характери аниқланади, кесим юзи турлича ўтказгичлардан ўтиши мумкин бўлган токнинг максимал зичлиги тўғрисидаги тушунча ту-шунтирилади.

257. 201- расмда занжирнинг бир қисми учун Ом қонунининг графиги V берилган.

1. Занжирнинг

201- расм. шу қисми қар-
шилиги аниқлансин.

2. Қаршилиқ ортганида $\langle r \rangle$ бур-
чак (тўғри чизиқнинг потенциаллар айирмаси ўқиға қиялиги) қандай ўзгаради? Қаршилиқ камайганда-чи?

3. т§'-р қандай физик микдорни характерлайди?

4. Агар абсциссалар ўқиға тоқлар қиймати, ордина-
талар ўқиға потенциаллар айирмаларининг қиймати қў-
йилган бўлса, $1B9$ қандай физик микдорни характерлай-
ди? Бу ҳолда 9 **тўғри** чизиқнинг тоқлар ўқиға қиялик
бурчаги.

258. 1. Қаршилиқлари 20 *ом*; 80 *ом* электр занжир-
нинг қисмлари учун Ом қонунини тасвирловчи графнк
чизинг. Занжирнинг бу қисмларига берилган энг катта
кучланиш 100 *в*.

2. График тўғри чизигининг кучланишлар ўқиға
қиялиги нимага боғлиқ? Тоқлар ўқиға қиялиги-чи?

К ў р с а т м а . Иккала графикни битта координаталар
ўқида чизинг.

¹ Гальваник элемент клеммаларидаги кучланишнинг ташки зан-
жирда энг катта қувват ажраладиган энг фойдали қиймати ҳақи-даги
масала келгуси бобда кўриб чиқилади.

259 202- расмда гальваник элемент туташтирилган занжирда кучланиш сарфи графиги берилган. Бунда элементнинг ички қаршилиги ҳисобга олинмаган. Қуйидагиларни аниқланг:


1. Бутун занжирда кучланиш сарфи қандаи буладиг¹
2. Ўтказгичнинг ҳар бир узунлик бирлигида кучланиш сарфи қандай бўлади?
3. Ўтказгичнинг бутун узунлиги бўйлаб кундаланг кесим юзи бир хилми?

260. Электр юритувчи кучи $\mathcal{E} = 2\text{В}$ аккумуляторга узунлиги $l = 2\text{ м}$ ва кўндаланг кесим юзи бутун узунлиги бўйлаб бир хил бўлган бир жинсли ўтказгич туташтирилган. Ўтказгичнинг қаршилиги 50 ом .

Ташқи занжирда кучланиш сарфининг о) ўтказгич узунлигига; б) ўтказгич қаршилигига боғланиш графини чизинг.

Қўрсатма. Аккумуляторнинг ички қаршилигини ҳисобга олманг.

261. Аккумуляторга бир хил узунликдаги учта кетма-кет уланган ўтказгичлар туташтирилган.



203- расм.

20 ио бо 80 юош 60 т

202- расм.

Ўтказгичларда кучланиш сарфи 203-расмда кўрса-тилгандек. Қуйидагиларни аниқланг:

1. Учала ўтказгичнинг қаршилиги бир хилми?
2. Ҳар бир ўтказгичнинг узунлик бирлигидаги кучланиш сарфи қандай?
3. Қайси ўтказгичнинг қаршилиги энг катта ва қайси ўтказгичнинг қаршилиги энг кичик?


262. Кетма-кет уланган учта ўтказгичнинг узунлик-лари ва қаршиликлари мос равишда: l_1 — l_2 ва R_1 —

$=40 \text{ ом}$ $I_2 = 8 \text{ см}$ ва $I_1 = 20 \text{ ом}$; $4 = 4 \text{ см}$ ва $I_3 = 25 \text{ он}$ га тенг. Занжирнинг учларига $E = 170 \text{ В}$ кучланиш берилган.


Занжирда кучланиш сарфининг занжир узунлигига боғланиш графигини чизинг.

263. Узунликлари ва қаршиликлари барабар бўлган учта ўтказгичга навбатма-навбат бирдай кучланиш берилган. Ўтказгичларда кучланиш сарфининг графиги 204- расмда берилган.

№



204- расм.



205- расм.

1. Ҳар бир ўтказгичнинг кўндаланг кесим юзи қан-дай ўзгаради?

2. Ўтказгич узунлиқ бирлигининг энг катта қаршилиги II эгри чизиқнинг қайси қисмига тўғри келади?

3. Кучланиш сарфининг ўтказгич узунлиқ бирлигидаги энг катта ўртача қиймати III эгри чизиқнинг қай-си қисмига тўғри келади?

264. Гальваник элементга узунлиги 40 см бўлган бир жиисли ўтказгич туташтирилган. Занжирда кучланиш сарфи график равишда 205- расмда тасвирланган. Қуйидагиларни аниқланг:

1. Элементнинг ташқи ва ички занжирларида кучланиш сарфи нимага тенг бўлади?

2. Клеммалардаги кучланиш, элементнинг электр юритувчи кучи ва уларнинг сон қийматлари орасидаги нисбат (процентларда) нимага тенг?

265. Электр юритувчи кучи $E = 1,5 \text{ В}$ ва ички қаршилиги $r = 0,5 \text{ ом}$ бўлган гальваник элементга қаршилиги $R = 20 \text{ ом}$ бўлган бир жинсли ўтказгич туташтирилган.

1. Электр занжирнинг ташқи қисмининг узунлиги $l_1 = 45$ см, ички қисмининг узунлиги $l_2 = 5$ см бўлса, электр занжирида кучланиш сарфининг унинг узунлигига боғланиш графигини чизинг.


2. Ташқи ва ички занжирларда ўтказгичнинг ҳар бир узунлик бирлигидаги кучланиш сарфини аниқланг.

266. Қаршилиги $0,5$ ом бўлган занжирда токнинг катталиги 2 а дан 20 а*гача ўзгаради.

1. Занжирда кучланиш тушишининг ундаги ток катталигига боғланишини характерловчи график чизинг.

2. Катта қаршиликли занжирларда графикнинг кў-риниши қандай ўзгаради?

267. Графикларда (206- расм) ток катталлигининг кучланишга (а) ва қаршиликка (б) боғланиши тасвирланган. Графикларда тасвирланган боғланишларни таърифлаб беринг.



£

206- расм.

268°. Ўтказгичдаги ток катталлигининг ўтказгич учла-рига берилган U кучланишга боғланиши 19- жадвалда берилган.

19- жадвал

Кучланиш U (вольтларда)	10	50	100	120
Ток I (амперларда)	2	10	20	24

Бу боғланишни формула ёрдамида ифодаланг.

269. 207- расмда изоляцияланган мис симнинг кўн-Даланг кескми юзи диаметри билан ундан оқиши мум-кин бўлган ток зичлиги орасидаги боғланиш берилган.

1 20 а га мўлжалланган электр қурилмага ток кел-
ан мис снмдан фойдала-
тириш учун кесими 2 м¹ бўлг
ниш мумкинми? -,,»,»» ап

2 Нима учун диаметрлари кичик булган симлар учун
йўл қўйилган

		ток зичлиги
Ч		катта бўлади?
ч		Л. I
Г*"		I?
	*	8
	1	4мм

207- расм.

§ 34 ўтказгичларнинг ватокманбаларининг уланиши.

Электр токнинг иши в.а куввати

Ўтказгичларнинг ва гальваник элементларнинг улани-
шини кўриб чиқишда ўқувчилар қатор "тм" * Р тм тм: жапиб
ток истеъмолчисидан (ташқи занжирда) электр токнинг
энг катта қуввати ҳосил бўлиши учун зарур шартларни
аниқлашга ўрганадилар. Бундан ток манбаи-нинг Ййдали
иш коэффиценти тушунчасини белги-ташгаўтиш қийин
эмас Ўқувчиларнинг математик таи-ёГарлиги ^у
масалани аналитик равишда муфассал тйширишга
имкон бермайди. Графиклар ердамида эса бу шартларни
осонлик билан аниқлаш МУ^{мкин} у Бу параграфга
киритилган график ясашлар иситгич асбоблар (масалан,
электр чойнак) нинг фойдалкиш коэфФициенти
чойнакнинг электр тармоққа уланган пай?иданто
стационар иссиқлик режими бўлганига ка-дар биГ хил
бўлмайди, яъни стационар режим булган-й чоБнакнииг
атрофдаги жисмларга иссиқлик: бериши туплича бўлади.
Демак, электр чоинак сингари исит ?ич Тбобл ар У^Ун
Фойдали иш^ коэффицентинин, _{вр} тача киймати
тушунчасидан фойдаланиш мумкин

Нихоят кувват ва ток катталигининг қандаи узгари-
шини кўрсатувчи графиклар электр токнинг **бажарган**
ишини токнинг маълум вақт оралиқларидаги энг катта
ГэГкичик қийматларини ва ҳоказоларни аниқлашгн
имкон **беради. Машкларни** бажариш процессида укув-

чиларнинг иш ва қувват миқдорларини бир ўлчов бирлигидан иккинчи ўлчов бирлигига ўтказишни ўзлаштиришларига эътибор бериш керак.

270. $I_1 = 50$ ом қаршиликли ўтказгичга параллел равишда реостат уланган (208-расм).

1. Занжирнинг умумий қаршилигининг реостатнинг 0- 3 --- Г 0
0 дан 350 ом гача ўзгарувчи

„ , _____ 1

қаршилиги катталигига боғланиш графигини чизинг.

2. Қандай I_3 қаршиликдан кейин реостат бутун занжирнинг қаршилигига таъсир кўрсата олмай қолади? 208-расм.

271. Миқдори ўзгармас бўлган / ток иккита параллел уланган лампаларга тармоқланади. Лампалардан бирининг қаршилиги $I_1 = 200$ ом. Лампада электр токнинг энг катта қуввати ажралиши учун иккинчи лампанинг I_2 қаршилиги қандай бўлиши керак?

272. Миқдори ўзгармас бўлган/ток параллел уланган занжирдаи ўтмоқда. Занжирнинг параллел тармоқларидан бири қаршилиги $I_1 = 15$ ом реостат ва иккинчиси қаршилиги I_2 электр иситгич асбобдан иборат. Иситгич асбобда энг кўп иссиқлик миқдори ажралиши учун асбобнинг қаршилиги қандай бўлиши керак?

273. 209- расмда гальваник элемент ташқи занжирида ҳосил қилинган қувват миқдорининг шу элементдаги ток миқдорига боғланиш эгри чизиги келтирилган. Элементнинг электр юритувчи кучи $\mathcal{E} = 2$ в; ички қаршилиги $r = 0,1$ ом.

1. Ток катталиги қандай бўлганда ташқи занжирда энг кўп қувват ажралади?

2. Бунда занжирнинг ташқи қаршилигининг элементнинг ички қаршилигига сон нисбати қандай бўлади?


3. Ташқи занжирда электр токнинг энг катта қуввати ажралганда гальваник элементнинг фойдали иш коэффициенти қандай бўлади?

4. Ташқи занжирда электр токнинг энг катта қуввати ажралганда элемент клеммаларида кучланиш нимага тенг бўлади?

5. Иккинчи саволга масала шартдаги сон маълумотларни ҳисобла олмаган ҳолда нисбат бериш.

274'. 1. Бундан олдинги масаладаги 209-расм маълумотларига кўра:

а) ток манбаи-фойдали иш коэффициентининг ташқи қаршилиқ катталигига боғланиш графигини чизинг,



б) ток манбаининг фойдали иш коэффициентининг ташқи занжирдаги токка боғланиш графигини чизинг.

2. Бу графиклардан қандай хулоса чиқариш мумкин?

275. Умумий ички қаршилиги $r = 0,5 \text{ ом}$ бўлган ток манбаидан ташқи занжирда электр токнинг энг катта қувватини ҳосил қилиш керак.

¹ Бу топшириқни бўлайларга ажратиб, бажариш мумкин.

1. Ташқи занжир қаршилигининг аниқ бир қиймати-дагина энг катта қувват ҳосил қилиш мумкин эканли-гини график равишда кўрсатинг.

2. Бунда ток манбаининг фойдали иш коэффиценти қандай бўлишини топинг.

276. Электр занжирдаги ток катталигининг кетма-кет уланган гальваник элементлар сони (1 дан 10 тагача) га боғланиш графигини чизинг.


Бир элементнинг электр юритувчи кучи $E=1,5$ в, унинг ички қаршилиги $r = 0,5$ ом, ташқи занжирнинг қаршилиги $R = 4$ ом.

277. 1. Электр занжирдаги ток миқдорининг парал-лел уланган гальваник элементлар сони n (1 дан 8 та-гача) га боғланиш графигини чизинг.

Бир элементнинг электр юритувчи кучи $E=1,5$ в, унинг қаршилиги $r = 5$ ом, ташқи занжирнинг қарши-лиги $R = 2$ ом.

2. Бу графикдан қандай хулоса чиқариш мум-кин?

278. Ҳафта давомида ҳар куни эрталаб уйингиздаги электр счётчикнинг кўрсатишларини ёзиб боринг (210-расм).



210- расм. Электр счётчиги: а-ташқи кўриниши б—сарфланган энергия кўрсатишлари.

211-расм.

1. Счётчик кўрсатишларининг ҳафта давомидаги ўз-гариш графигини чизинг.

2. Графикдан электр энергиянинг бир кунлик ўртача сарфини аниқланг ва унинг таннархини ҳисобланг (1 кВтт - с электр энергия 4 тийин туради).

279. 211- расмда электр чойнакда сув олган $<?_1$ иссиқлик миқдорининг электр токи ажратиб чиқарган $<3_2$ иссиқлик миқдорига боғланиш графиги берилган.

1. Электр чойнакдаги сувнинг иссиқ давомида чойнакнинг фойдали иш коэффициенти бирдай бўладими?

2. Чойнакнинг эгри чизиқнинг L , B ва C нукталарига мос келадиган фойдали иш коэффициенти нимага тенг?

Э с л а т м а . Координата ўқларининг ҳар иккаласида иссиқлик миқдорининг бирликлари учун бир хил масштаб олинган (211-расм).


280. Сувнинг V ҳажмини ўлчанг, бу сувни электр чойнакка қуйинг ва сувнинг бошланғич температура-сини аниқланг. Чойнакни электр тармоққа уланг ва то сув қайнагунча вақтнинг тенг оралиқларида сувнинг B температурасини ўлчанг ва ёзиб боринг.

1. Сувнинг I температураси билан унинг x иссиқ вақти орасидаги боғланиш графигини чизинг.

2. Сув олган $<3_1$ иссиқлик миқдорининг иситкичда ток ажратиб чиқарган $<2_2$ иссиқлик миқдорига боғланиш графигини чизинг.

3. Чойнак фойдали иш коэффициентининг унинг қизиш вақтига боғланиш графигини чизинг.

К ў р с а т м а . Ишни бажаришда асбобларни тармоққа 212- расмда мўрсатилгандек уланг.



212- расм.

281. Қаршилиги $\eta = 20\%$ электр чойнак қуёни-
ши $t = 120$ с тармоққа уланганда $t = 10$ минутдан ке йин қайнайди.

1 Сув олган <3- иссиқлик миқдорининг иситгичда электр ток ажратиб чиқарган иссиқлик миқдорига боғланиш графигини чизинг.

9 Агар исиш даврида чойнакнинг фойдали иш коэффициентини $\eta = 100\%$ бўлганда графикнинг кўриниши қандай бўларди?

Кўрсатма. Топшириқни бажаришда электр чойнак фойдали иш коэффициентининг унинг исиш вақти-га боғланишини тасвирловчи чизикдан фойдаланинг. Бу чизик 213-расм-да келтирилган.

282. 214- расмдаги графикдан электр станциянинг сутка давомидаги ишини ва ўртача суткалик қувватини аниқланг.

283. Станция шаҳар аҳолиси хонадонларига

0
% 60


40

20

0

12 . 16 мин

213- расм. Электр чойнак фойдали иш коэффициентининг }нинг исиш вақтига боғланиши




рузқасининг сутка давомида ўзгариш графиги.


ток беради. Электртармоқ истеъмол қилаётган ток катталиги сутка давомида қандай ўзгариши 215- расмда кўрсатилган. Станция шиналаридаги кучланиш $U = 220$ в бўлса, сутка давомида сарф қилинган энергияни ($к\text{в}\cdot\text{ш}\cdot\text{с}$, $к\text{Г}\cdot\text{м}$ ва $к\text{кал}$ ларда) ва ўртача суткалик қувватни ($к\text{вт}$ лар-Д) аниқланг.

284. Трамвай тармоғига кучланиши $V = 550$ в бўлганда электр ток берилади. Тармоқдаги электр ток сутка давомида 216- расмда кўрсатилганда^ Узгаради.

Бир суткадаги электр «ерг» сарфини («, кГя
ва ккал ларда) ва ўртача суткалик қувватни V
ларда) аниқланг.
„м*« ие.




215- расм.



216- расм.

285. 217- расмда саноат учун (Л чизик) ва ёритиш учун (В чизик) сутка давомидаги электр энергия истеъмолини тасвирловчи эгри чизиклар берилган.



Сутка соатлари
217-расм.

1. а) Сутканинг қайси вақтида саноат учун энг кўп электр энергия истеъмол қилинади? б) Сутканинг қайси вақтида ёритиш учун энг кўп электр энергия истеъмол қилинади?

2.

ёритиш учун энергия энг кам истеъмол қилинади?


3. Сутка давоми-

да электр энергиянинг умумий сарфи графигини чизинг.

286. 218- расмда электр станциянинг сутка давомидаги нагрузка графиги келтирилган. Агар ёқилғида

30% фойдаланилса, бу электр энергияни олиш учун ис-
 сиклик бериши 7000 ккал/кг бўлган ёқилгидан қанча
 сарфлаш керак?

P



218-расм.

§ 35. Электр ўлчов асбоблари

Бу бўлимни ажратишдан мақсад ўқувчиларни электр ўлчов асбобларининг ўлчаш аниқликлари билан ва бу асбобларнинг кўрсатишларидаги хатони баҳолаш билан таништиришга ўқитувчининг диққатини жалб қилишдир. Лаборатория машғулотида, хусусан, электр бўлимини ўрганишда бу масалалар жуда муҳимдир.


Бу ерда келтирилган машқлар:

баъзи электр ўлчов асбобларининг аниқлик тартибини тасаввур қилишга;

баъзи ўлчашлардаги хатоларни минимумга келтириш мумкин бўлган шароитни аниқлашга;

кўп амалий ҳолларда асбобни қайта даражалаб чиқиш ёки асбоб кўрсатишларига тузатмалар графигидан фойдаланиш зарурлигини аниқлашга имкон беради.

287. 1. Қаршилиқни метрли Уитстон кўприги ёрдамида ўлчашда сирпангич шкаланинг ўртасига келтирилган бўлади; бунда гальванометрдаги ток $I = 0$ бўлади. Ўлчашнинг хатоси нимага тенг (219-расмга қара).



Реохорд узунлиги, см қисабида

219-расм.

2 Реохорднинг сирпангичи чизгич бошидан 10 см масофада бўлганда ўлчаш хатоси неча марта ортади, чизгич бошидан 20 см масофада турганда-чи?

288. Метрли Уитстон кўприги ёрдамида ўтказгичларнинг қаршилиги текширилади. Олинган маълумотлар 20-жадвалга ёзилган.

20- жадвал

Қаршиликни ўлчашда реохорднинг сирпангич турган бўлими (гальванометрдаги ток $I = 0$)	Қаршиликларнинг ҳақиқий қийматлари (омилиларда)
50	10
20	16
95	22

1. Ўлчашлар хатолиги эгри чизигидан фойдаланиб (219- расм), ўлчашларнинг абсолют хатолари қандай бўлиши мумкин эканлигини аниқланг.

2. Қаршиликни ўлчашда энг кам хато бўлиши учун сирпангич реохорднинг қайси жойида бўлиши керак?

289. Амперметрни даражалашда 21-жадвалда келтирилган маълумотлар олинган.

21- жадвал

Синалаётган амперметрнинг тенг ўлчовли шкала бўлиmlаридаги кўрсатишлари	Токнинг ҳақиқий қиймати I' (амперларда)
30	
60	
90	
120	

Амперметрни даражалаш эгри **чизигини чизинг.** **290.** Вольтметрни даражалашда 22- жадвалда келтирилган маълумотлар олинган.

Ўлчанаётган миқдорларнинг ҳақиқий қийматлари деб бу миқдорнинг намуна ўлчовларида аниқланган ёки намуна ўлчов асбобларида ўлчанган қийматлари олинади. (Бу асбобларнинг аниқлиги метрологик аниқликдан кам бўладй.)

22- жадвал

Синалаётган вольтметрнинг тенг ўлчовли шкала бўлими ! 4 ларидаги кўрсатишлари 1		81 18	42	30	55	67	80	92	100
Кучланишнинг ҳақиқий қийматлари (вольтларда) . . .	10	20 30	40	50	60	70	80	90	100

Вольтметрни даражалаш эгри чизиғини чизинг. 291.
Амперметрни текширишда 23-жадвалда келтирилган маълумотлар олинган.

23- жадвал

Синалаётган амперметрнинг кўрсатишлари (амперларда) 1,0	2,0	3,0	4,0 5,0	6,0 7,0 8,0 9,0
Токнинг ҳақиқий қийматлари (амперларда) 0,8	1,9	3,1	4,3 5,5	6,7 [7,5 8,0 8,9 [9,8

1) даражалаш эгри чизиғини чизинг; 2) тузатмалар эгри чизиғини чизинг.

292. 24- жадвалда синалаётган амперметр кўрсатишларига ток бирликларидаги тузатмалар берилган.

24- жадвал

Синалаётган амперметр кўрсатишлари (ампер-ларда)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Тузатмалар	0	0,2	0,3	0,4	0,5	0,6	-0,1	-0,1	-0,2	-0,2

1) тузатмалар эгри чизиғини чизинг;


2) даражалаш эгри чизиғини чизинг.

293. 25- жадвалда синалаётган вольтметр кўрсатишларига кучланиш бирликларидаги тузатмалар берилган.


25- жадвал

Синалаётган вольтметрнинг кўрсатишлари (вольтларда)	20	40	60	80	100	120	140
Тузатмалар (вольт-)	0	1	2	3	4	3	3

- 1) тузатмалар эгри чизигини-чизинг;
 - 2) даражалаш эгри чизигини чизинг.
294. 220- расмда амперметрни даражалаш графиги йрпилган, бунда /—текширилаётган асбобнинг кўрсатиш-
аои I_0 эса ўлчанаётган катталикнинг ҳақиқий қиймати.
Текширилаётган асбоб кўрсатишларининг нисбий хатоси-
кайси вақтда катта бўлади?
295. 10 а ток ва $O = 127$ в кучланишга мўлжаллан-
ган электр счётчик бир ой давомида ҳар куни 8 соат-
дан ўзгарувчан нагрузка билан ишлади. Бунда 10 кун
20% нагрузка билан, 5 кун 30% нагрузка билан, 8 кун



220- расм.



221-расм.

70% нагрузка билан, 7 кун 100% нагрузка билан иш-лади. Счѣтчик хатолари эгри чизигидан фойдаланиб (221-расм), счѣтчикнинг бир ой давомидаги кўрсатиш-ларидаги хатони (*квт-с* ва процентларда) ҳисобланг.

Х У Б О Б ЭЛЕКТРОН ВА ИОН ХОДИСАЛАР

Электрон ва ион процесслар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларнинг билим олишда ва политехник таъ-лимда аҳамияти жуда каттадир. Металлардаги ва ва-куумдаги электрон ҳодисалар, суюқлик ва газлардаги ион ҳодисалар, ярим ўтказгичларнинг хоссалари, тер-моэлектрон ҳодисалар ва бошқалар электр зарядларнинг дискретлиги, элементар зарядлар (электрон ва протон) ҳақидаги, ионлар ва ионизация, бу ҳодиса билан боғ-лиқ бўлган энергетик процесслар ҳақидаги, атомнинг таркибий қисмлари ҳақидаги тушунчалар шакллани-шининг биринчи босқичи амалга ошириладиган ўқув материалдир.

Бу ҳодисаларни ўрганиш процессида ўқувчилар турли жисмлардаги электр ўтказувчанлик механизмини билиб оладилар; ўзгармас электр токнинг аввал ўрга-нилган қонунларини электрон тасаввурлар асосида ту-шуниб оладилар. Бунда ўқувчилар келгусида қатор оптик ҳодисаларни (спектрларнинг келиб чиқишини), ёруғлик ва модданинг ўзаро таъсирини (фотоэффект, ёруғликнинг фотохимиявий таъсирлари ва люминесцен-ция) ҳамда физика курсининг яқунловчи темаси бўлган „Атомнинг тузилиши“ ни ўрганишга тайёрлана-дилар.

Электрон ва ион ҳодисалардан радиотехникада (ра-диотехниканинг барча соҳаларида), автоматика ва те-лемеханикада ишлатиладиган турли хил асбобларда кенг фойдаланилади. Электрон лампалар, электрон-нур трубкалар, фотоэлементлар, фотоқаршиликлар, ярим ўтказгичли диод ва триод, термисторлар ва шунга ўх-шашлар шундай асбоблар қаторига киради.

Электрон техника ютуқлари фаннинг турли соҳала-рида қўлланилади, масалан, биологияда (электрон мик-роскоплар), атом физикасида (масс-спектрографлар, за-рядли заррачаларни тезлатгичлар), ҳисоблаш прак-тикасида (^электрон-ҳисоблаш машиналари), турли ўл-

чашларда (лампали вольтметрлар) ва хоказоларда қўлланади.

Электротехниканинг ҳозирги замон ҳаётдаги ва ишлаб чиқаришдаги улкан аҳамияти электрон ва ион ҳодисаларни ўрганишга ўрта мактаб физикасида шу вақтгача берилиб келаётганидан кўпроқ эътибор беришни тақозо қилади. Шундай мулоҳазаларга кўра, қўлланманинг мазкур бобининг 50-параграфида баъзи вакуум ва ярим ўтказгич асбоблар (диод ва триод лампалар, ярим ўтказгичли диодлар, фотоэлементлар) нинг специфик хусусиятлари, вольт-ампер характеристикалари кўриб чиқилади. Ҳозирги вақтда ярим ўтказгичларни ўрганиш ҳам мактаб физикаси программасига киритилган.

У Бир неча атмосфера босимдан тортиб жуда ҳам сийраклашган (10^{-7} мм симоб устуни) газлардан электр токнинг ўтиш ҳодисаларининг мураккаблиги ўқувчиларнинг ўзлаштиришларида маълум қийинчилик туғдиради. Бу қийинчиликлар ҳодисалар механизмининг мураккаблиги ва металллардаги электр тоқларга доир шу вақтгача ўқувчиларга маълум бўлган физик қонуниятларни бу соҳада татбиқ этиб бўлмаслигидан келиб чиқади. Масалан, электр токнинг сийракланган газ орқали ўтишида газ устуни бўйлаб кучланиш тушиши бир I хил бўлмайди; электр ёйи ва электрон лампалар учун Ом қонунини қўллаб бўлмайди ва ҳоказ.о.

Электрон ва ион ҳодисалар учун ўринли бўлган физик қонуниятларнинг график тасвирлари ва график-ларни анализ қилиш ўқувчиларга улар учун янги бўлган ҳодисалар соҳасининг хусусиятларини (масалан, токнинг кучланишга чизикли бўлмаган боғланиши) яна-да равшанроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Бу бобда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Электр токнинг газлардан, вакуумдан ва ярим ўтказгичлардан ўтиш ҳодисалари учун Ом қонуни ўринли эмас, масалан, электр ёйида кучланиш камайиши билан ток Ом қонунига мувофиқ камаймайди, балки ортиб боради.

2. Электрон &а ион асбобларнинг специфик хусусиятлари уларнинг вольтампер характеристикалари билан боғлиқдир. Бу характеристикалар металллар характеристикаларидек тўғри бурчакли координаталар бошидан ўтувчи тўғри чизикдан иборат бўлмайди.

3. Газ ўтказувчан устунида мустақил разряд вақти-да потенциалнинг тақсимланиши бир текис бўлмайди; бинобарин, электр майдон кучланганлиги ҳам ҳамма нукталарда бир хил бўлмайди.

4. Электрон лампада тўйиниш токига*сабаб нима ва уни қандай орттириш керак?

5. Электрон лампанинг анод характеристикасига кўра унинг ички қаршилигини қандай топиш мумкин?

6. Триоднинг икки анод кучланишларида, олинган анод характеристикасига кўра лампанинг кучайти-риш коэффициентини қандай аниқлаш мумкин.

7. Ярим ўтказгич термоқаршиликларда қаршилик-нинг температура коэффициенти манфий бўлади ва бу ҳо-дисадан занжирдаток ортганда қаршиликнинг ортишини компенсациялаш учун қандай фойдаланиш мумкин?

8. Электроннинг тезлиги йўлнинг бошланғич ва охи-ри нукталаридаги потенциаллар айирмасига чизикли боғланишда бўлмайди.

Термоэлектрга доир машқларни бажариш ва маса-лаларни ечишда шу нарсани қайд қилиб ўтиш керак-,,ки, термопаранинг электр юритувчи кучи температура-нинг бирор маълум интервалидагина иссиқ ва совуқ учлар (пайвандланган учлар) температуралари айирма-сига тўғри пропорционал бўлади.

§ 36. Термоэлектр

296. Мис-константан термопаранинг электр юритувчи кучи ($t_2 = 0^\circ\text{C}$ дан $t_2 = 100^\circ\text{C}$ гача температуралар ин-тервалида иссиқ ва совуқ учлар температураларининг айирмасига тўғри пропорционал. Пайванд учлар тем-ператураларининг фарқи $\Delta t = 100^\circ\text{C}$ бўлганда термопа-ранинг э. ю. к. $E = 4,2\text{ мВ}$.

1. Термопара э. ю. к. нинг пайванд учлар темпера-туралари фарқига боғланиш графигини чизинг.

2. Графикдан термопара пайванд учларининг тем-пературалари фарқи $M - 20^\circ; 40^\circ; 60^\circ, 80^\circ\text{C}$ бўлганда термопара э. ю. к. ни топинг


297. Мис-копель (мисли қотишма) термопара э. ю. к. нинг унинг иссиқ ва совуқ учи орасидаги температу-ралар фарқига боғланиш графиги 222- расмда берилган.

1. Милливольтметр $12,9\text{ мВ}$ 21,5 лғз ни кўрсатаётган бўлса, термопаранинг пайванд учи киритилган печнинг

температураси қанча бўлади? Термопара совуқ учларининг температураси ўй температурасига тенг (20°C).

2. Печнинг температураси 400°C бўлса, милливольтметр нимани кўрсатади? Печнинг температураси 600°C ни кўрсатаётган бўлса-чи?

298°. Константан - темир термопара э. ю. к. нинг унинг иссиқ ва совуқ пайванд учлари температуралари фарқи орасидаги боғланиш 26- жадвалда берилган.



222- расм.

26- жадвал

Совуқ пайванд учнинг температураси 0°C бўлганда пайвандлар (температуралари орасидаги фарқ

10 20 30 40 50 60 70 80 90 100

Термопаранинг электр юритувчи кучи E (мВ ларда)


0,52 ,04 ,56 2,08 2,6 3,12 3,64 4,16-4,68

E нинг $\mathcal{E}$ га бундай боғланишини формула ёрдамида ифодаланг.

§ 37. Вакуумда электр токи

299. 223-расмда вакуум трубкада эмиссия токининг анод кучланишига боғланиш графиги берилган.

1. Анод кучланиш (7 «=» 60 в; 100 в; 120 в) бўлганда трубканинг ўзгармас токка қаршилигини аниқланг.



2. Эгри чизиқнинг қайси қисми токнинг янада тезроқ ўсишига мос келади?

300. Икки электродли лвмпа навал толасининг температураси ўзгармас бўлганда анод токининг анод кучланишига боғланиши 27-жадвалда келтирилган.

*5 *? -20 >60
Л223- расм.

21-жадвал

Анод кучланиши U_a (вольтларда)	0	5	10	15	20	25	30	35	40	45	50	55	60	70	75	80
Анод занжиридаги ток I_a (миллиамперларда)	0	0,25	0,7	1,25	1,9	2,9	3,9	4,9	5,9	6,9	7,9	8,4	8,6	8,7	8,8	8,8

1. /нинг I_a га боғланиш графигини чизинг.
2. Анод кучланиши ҳар 10 в га ўзгарганда анод токи неча миллиамперга ўзгаради?
3. Эгри чизиқнинг қайси қисми тўйиниш токига мос келади?
4. Тўйиниш токини қандай йўл билан ошириш мумкин?
5. Лампа характеристикасининг тўғри чизиқли қисмига лампанинг қандай ички қаршилиги мос келади?

301. 224-расмда икки электродли лампанинг навал голаси турли температурада бўлганда анод токининг анод кучланишига боғланиш графиги берилган.

1. / ва // эгри чизикларда горизонтал қисмлар бўлишига сабаб нима?

2. Нима учун /// эгри чизикда горизонтал қисм йўқ?

3. Қандай шароитда /// эгри чизик горизонтал қисм-га эга бўлади?


4. Қаттиқ ўтказгичларда (металларда) шундай ҳо-диса бўладими?

302. 225- а расмда диод I « е характеристикаси берилган.


1. Анод кучланиши 120 в бўлганда лампанинг ўзгар-мас токка ички қаршилиги қандай бўлади?

2. Анод занжирида куч-ланиш тушиши 50 в бўли-шй учун анод занжирига лампа билан кетма-кет қандай қаршилик ўлаш керак (225-6 расм)?

3. Қаршиликдаги ток 30 ма бўлиши учун бу қар шилик қандай бўлиши керак?




224- расм.



225- расм,

303. 6С5 электрон лампадан 80 в ва ЮО.ванодкуч ланишларда иккита характеристика олинган (226- расм)

1. Тўрдаги кучланиш 1 в га ўзгарганда лампадаги ток неча миллиамперга ортади?



2. Лампанинг кучайтириш коэффициентини топинг.

304. Ме^талл ўтказгичда (a) ва диодда (б) токнинг кучланишга боғланиш графикларидан (227- расм), бу ҳолларнинг қайси бири учун Ом қонуни ўринли эканини аниқланг.


305°. 228- расмда диод ичидаги электродлар орасида потенциалнинг катодсо-

ҳолларда қандай ўзгаришини тасвирловчи график схема тик кўрсатилган. Иккала ҳолда ҳам бир хил анод кучланиши берилган.

Потенциал ўзгаришидаги фарқни қандай гушунтириш мумкин?

0 2 4 6 8 вук (I) ва иссиқ (II) бўлган


226- расм.



Эслатма. 1. Масалани соддалаштириш учун иккала электрод ҳам ясси қилиб олинади, яъни улар ясси конденсатор ҳосил қилади.

2. Масофани ҳисоблаш боши қилиб олинадиган пластинка манфий зарядли ва ерга уланган деб олинади.

306. 229-расмда электрон тезлигининг майдоннинг шу электрон ўтадиган икки нуктасидаги потенциаллар айирмасига боғланиш графиги берилган. Потенциаллар айирмаси V — 200 кВ\ 300 кВ\ 600 кВ бўлганда электрон тезлигини (км/сек ларда) аниқланг. V



228- расм.

307°. Электрон тезлигининг майдоннинг шу электрон ўтадиган икки нуктасидаги потенциаллар айирмасига боғланиш графиги 28- жадвалда берилган.

28- жадвал

Потенциаллар айирмаси (кВ ларда) . . .	1	25	100	1000	10000	62500
Электроннинг тезлиги (км/сек ларда)	600	3000	6000	19000	60000	100000

Бу боғланишни графикда ифодаланг.

308, Электронлар дастаси 10 см йўлда 0,2 — кучланиш билан тезлаштирилади.

Электрон энергиясининг (эВ ларда) ўтилган йўлга боғланиш графигини чизинг.

§ 38. Газларда электр токи


303. Ичида ионлашган гази бўлган трубкада электр ток катталигининг электродларга берилган кучланишга боғланиши 230- расмда график равишда ифодаланган.

Ж

1. Эгри чизикнинг қайси қисми газдаги мустақил-мас разрядга тегишли; қайси қисми тўйиниш токига тегишли; қайси қисми мустақил разрядга тегишли?

2. Эгри чизикнинг

қайси қисмида ток




230- расм. 10 15 20 а 231-расм.

поқ ўсади; қайси қисмида секинроқ ўсади?


3 Кучланиш қандай бўлганда тўйиниш токи ҳосил

бўлади? Кучланиш қандай бўлганда газда мустақил

разряд бўлади



310. 231-расмда злектр ёйидаги ток



233- расм.

#11

232- расм.

микдоринингэлектрод-

ларга берилган кучланишга боғланиш графиги берилган. Бу ҳол ичун Ом қонунини қўллаш мумкинми?

311. 232-расмда биксима разряд вақтида сийракланган газ солийган шиша трубка бўйлаб потенциал уз-

гариши график равишда тасвирланган. Электродлар орасидаги қайси соҳада майдон кучланганлиги E энг катта бўлади?


312°. 233- расмда ясси конденсатор пластинкалари орасида ионлашган газ бўлган ҳолда бу пластинкалар орасида майдон потенциалининг қандай ўзгариши график равишда кўрсатилган?

Бу графикни анализ қилиш натижасида конденсатор майдонида ионларнинг тақсимланиши ҳақида нима дейиш мумкин?

Кўрсатма. Расмдаги пунктир чизик конденсатор пластинкалари орасида ионлар бўлмаганда конденса-тор майдонида потенциал тақсимланишини кўрсатади,


§ 39. Ярим ўтказгичлар

313. Кейинги йилларда қизитганда қаршилиги кес-кин камайиб кетадиган каттиқ поликристалл ярим ўтказгичлар (термоқаршиликлар—ТС) кенг қўлланила бош-лади. Бундай термоқаршиликлардан бири (КМТ-1) нинг қаршилиги температу-рага қандай боғлиқ эканли-ги 234- расмдаги графикда кўрсатилган.



£ 0 20 40 60 80 100 °C

234- расм.



2 3

235- расм.

207

1. Термоқаршилик ва металл қаршилигининг температурага қараб ўзгариши бир-биридан қандай фарқ қилади?

2. 20°C температурада термоқаршиликнинг қаршилиги (бу қаршилик совуқ қаршилик дейилади) қандай бўлади?


3. Термоқаршилик 0° дан 20°C гача кизиганда унинг қаршилиги неча марта ўзгаради? -10°C гача совиганда-чи?

314. Ярим ўтказгичдан¹ тузилган занжирда ток билан кучланиш орасидаги боғланиш 235- расмдаги график билан тасвирланган.

1. Бу ҳол учун Ом қонунини қўллаш мумкинми?

2. Термоқаршиликдан $0,5\text{ ма}$ ток ўтаётганда унинг қаршилигини нимага тенг бўлади? 3 ма ток ўтаётганда-чи?

315. Германийли митти диод (ДГ-Ц2) нинг вольт-ампер характеристикасидан (236- расм) қуйидагиларни аниқланг.



236- расм.

1. Кучланиш 1 в бўлганда диоддаги тўғриланган

'ятта "амплитудаси

$U_{\text{тескари}}$ кучланишишг энг катта қандай бўлади?

токнинг энг кичик қий

инг энг кичик қиймати нимага тенг бўлади?

гч.,[^] $1/\text{ятта}$ амплитудаси

$U_{\text{тескари}}$ токнинг энг катта қий^{ятт,} қиймати нимага тенг бўлади?

„ едо_{ком} бўлган (тинч ҳавода

4. Мусбат соҳада ички қаршилик нимага тенг бўлади (1 в кучланишда)?

316. Купрокс тўғрилагичнинг вольтампер характеристикасидан (87-бетдаги 79-расм), унинг клеммалари-га 2,5 в кучланиш берилганда турли йўналишдаги ток-лар учун тўғрилагичнинг қар-шилигини аниқланг.


317. Висмут сульфид фото-қаршилик ФС-Б2 нинг (237- а расм) вольтампер характе-ристикаси 237- б расмда кўрсатил-ган. 1 чизик қоронғидаги фо-тоқаршиликка, мка 2 чизик эса 100-ёритилган фотоқаршиликка те-гишли.

318.ФС-Б2 нинг қаршилиги 200- қайси ҳолда катта бўлади: 100- қоронғидами ёки ёритилган-дами? Жавобингизни асослаб беринг.

319.Қоронғида ҳам фотоқар-шилик занжирида ток бўли-шига сабаб нима?

3. Шу фотоқаршилик учун Ом қонуни ўрин-лими?

4. Ёритилганда ФС-Б2 нинг қаршилиги тахминан қанчага тенг?



XVI боб. МАГНЕТИЗМ ВА ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ


Бу бобда келтирилган машқ ва масалаларда икки группа саволлар:

1. Турли материалларда магнит майдоннинг индукцияси магнитловчи майдон катталигига (ёки ампер-ўрамлар сонига) қандай боғланишда эканлиги.

2. Индуктивли электр занжирда занжирни улаш ёки узиш вақтида ток миқдори вақтга боғлиқ равишда қандай ўзгариши ва ғалтак магнит майдони энергиясининг ғалтакдаги токка боғлиқ равишда қандай ўзгариши ҳал этилади. Бу саволлар ўрға мактабда фақат график равишда ўрганилиши мумкин; уларнинг амалий аҳамияти эса жуда каттадир.

§ 40. Магнит индукция. Ўзиндукция

318. 238- расмда пўлат ўзакда (/) ва чўян ўзакда (//) бу ўзакларни магнитловчи ампер-ўрамларга боғ-лиқ равишда магнит индукциянинг қандай ўзгариши келтирилган.



23в- расм.

1. Ҳар иккала эгри чизикда деярли горизонтал қисм-ларнинг бўлишига сабаб нима?

2. Магнитловчи майдон кучланганлиги бир хил бўл-ганда (масалан, A ва B нуқтал.ар учун) пўлатдаги ин-дукция миқдори чўяндагидан неча марта катта?

319. 239- расмда кетма-кет уйғотишли ўзгармас ток генераторининг характеристикаси—генератор клемма-ларидаги кучланишнинг занжирдаги ток миқдорига боғ-ланиш графиги келтирилган.

1. Нима учун дастлаб нагруканинг ортиши билан генератор клеммаларидаги V кучланиш ортади?

2. u кучланишнинг энг катта қиймати бўлишини ва бундан сўнг нагрукка ортиши билан 11 нинг қиймати камая боришини тушунтириб беринг.


3. Расмда тасвирланган ҳар бир катакнинг юзи ни-мага мос келади? Жавобингизни асослаб беринг.

320 240- расмда ток уланганда ва узилганда ғалтакдаги токнинг вақт давомида ўзгариши кўрсатилган.

1. Занжирни уланган пайтдан занжирда токнинг катталиги ўзгармас катгаликка етгунча ўтказгичнинг

и

Токнинг узилиши



кўндаланг кесимидан қанча электр миқдори ўтади? Занжирни узган пайтдан ток батамом тўхтагунча қанча электр миқдори ўтади?

2. Қайси ҳолда ток тезроқ ўзгаради: занжирни уз-ган вақтдами ёки занжирни улаган вақтдами?

321. 29-жадвалда ғалтак магнит майдони энергиясининг ғалтакдаги ток катталигига боғланиши берилган.

29- жадвал

Ғалтакдаги ток / (амперларда) . . .	0	1	2	3	4 -	5
Магнит майдон энергияси E (жоулларда) . ,	0	0,02	0,08	0,18	0,32	0,5

1. Бу боғланишнинг графигини чизинг. 2 .

Координаталари жадвалда кўрсатилмаган нуқта-ларда ғалтак индуктивлиги катталигини аниқланг.

XVII бoб. ЎЗГАРУВЧАН ТОК

Ўзгарувчан токнинг хоссалари ва техникада ўзгарувчан токдан фойдаланиш ҳозирги вақтда физика кур-си ва электротехникада ўрганилади. Бу предметларни ўрганишда ўқувчилард^ бир жинсли магнит майдонда

айланаётган ўрамда индукцияланган электр юритувчи кўчнинг синусоидал характери, ўзгарувчан токнинг частотаси ва амплитудаси, токнинг амплитуда қиймати, оний қиймати ва ҳақиқий қиймати, ток билан кучла-ниш орасидаги фаза силжиши, қувват коэффициентини, уч фазали ток ва шунга ўхшаш муҳим тушунчалар шаклланади.

Ўқитувчи ўқув материални баён қилишда ва ўқув-чилар уй вазифаларини бажаришда графиклардан қан-чалик кенг фойдалансалар, бу тушунчаларнинг шакл-ланиши шунчалик енгиллашади. Масалан, электр юри-тувчи куч ва токнинг ўзгариш графигидан ўзгарув-чан ток қувватининг оний қиймати ва ўртача қийматини аниқлаш қийин, эмас. Қувват графигидан фойдаланиб, занжирдаги токнинг ҳақиқий ва амплитуда қийматлари «а орасидаги боғланишни миқдор жиҳатдан осонгина аниқ-лаш мумкин. Графикдан фойдаланиб, реактив қарши- : ликларни ҳам осон ҳисоблаш мумкин.

Бу мисоллар физик ҳодисаларни график тасвирлаш усуллари ўқувчиларнинг физикадан билимларини чуқурлаштиришда катта методик имкониятлар очиб бериши-ни яна бир марта кўрсатиб беради.


Кўпинча, физика ва электротехникадан биргина ўқитувчи дарс беради, шунинг учун бу ерда физика дарсларида ҳам, электротехника дарсларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлган машқ ва масалалар берилган. Бу-нинг асосий сабаби шуки, графикдан фойдаланиб, ҳозир амалда бўлган программага асосан бир қисми электро-техникага, бир қисми физикага тегишли бўлган қатор саволларни ҳал қилиш мумкин. Ўрганилаётган график-ларнинг дидактик мазмунини камайтирмаслик учун ўқитувчиларга мўлжалланган қўлланмада бу саволларни бири-биридан ажратмаслик мақсадга мувофиқдир.

Ишнинг конкрет шароитига (ўқув жиҳозларининг бўлиши, синф билимининг қай даражада эканлиги, ат-рофда ишлаб чиқариш корхоналарининг бўлиши ва ҳоказоларга) боғлиқ равишда берилган масалалардан қайси бирини физика дарсларида, қайси бирини электро- I техника дарсларида ечиш лозим эканлигини ўқитувчи-нинг ўзи аниқлайди. Ўқув материални такрорлашда физика курсининг турли темаларидаги тушунчаларни ўз ичига олган мураккаб масалаларни ечиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

§ 41. Актив қаршиликли занжирда ўзгарувчан токнинг электр юритуви кучи, катталиги ва қуввати

322. Генератор якорида бир-бирига яқин қилиб ўтказгичнинг бир неча ўрами кетма-кет ўралган (241 - расм). Якорь бир марта тўлиқ айланганда чулғамда электр юритувчи кучнинг ўзгариш графигини схематик равишда чизинг.

323. Генератор якорида иккита бир хил чулғам бир-бирига яқин қилиб жойлаштирилган (242- расм).



241-расм.

◆999999999

999999999◆

242-расм.

1. Якорь бир марта тўлиқ айланганда ҳар бир чулғамда электр юритувчи кучнинг ўзгариш графигини схематик равишда чизинг.

2. Иккала чулғам: а) кетма-кет уланган; б) параллел уланган ҳол учун йиғинди электр юритувчи кучнинг ўзгариш графигини схематик равишда чизинг.


324. Генератор электр юритувчи кучининг ҳар бир пайтдаги қиймати $e = E_m \sin 2\pi \nu t / B$ формуладан аниқланади, бунда электр юритувчи кучнинг амплитудаси $E_m = 168$ в, I — секундларда ифодаланган вақт, $\nu = 50$ гц. Генераторнинг э. ю. к. нинг бир давр давомида ўзгариш графигини чизинг.

325°. 50 ўрам симдан иборат рамка индукцияси $B = 0,6$ в-сек/м² бир жинсли магнит майдонда текис айланмоқда. Рамканинг юзи 150 см², айланиш тезлиги 120-"

. Рамка электр юритувчи кучининг бир давр[^] Давомидаги ўзгариш графигини чизинг.

326. Ёритиш электр тармоғига уланган вольтметр 220 вольтни кўрсатмоқда. Бир давр давомида тармоқдаги кучланиш ўзгаришининг графигини чизинг.

327. 243- расмда актив қаршиликли электр занжирда ток ва кучланишнинг ўзгариш графиклари берилган.



243-расм.

1. Ўзгарувчан ток қувватининг графигини чизинг.
2. Қувват тебранишларининг частотаси ўзгарувчан кучланиш частотасидан неча марта катта?

3. Ўзгарувчан трк қуввати графигидан ўртача қувват графигини чизинг ва бу графикдан ўзгарувчан токнинг бир соат давомида бажарган ишини аниқланг.

328. Актив қаршиликли электр занжирида электр юритувчи куч ва ток мос равишда $e = E_m \sin 2\pi f t$;

$$i = I_m \sin 2\pi f t$$

формулалар билан аниқланади, бунда электр юритувчи кучнинг амплитудаси $E_m = 170$ в, токнинг амплитудаси $I_m = 3$ а, частотаси $f = 50$ гц ва B' — секундларда ҳисобланган вақт.

1. Бир давр давомида электр юритувчи куч ва токнинг ўзгариш графигини чизинг.

2. Электр юритувчи куч ва ток графикларидан ўзгарувчан ток қувватининг графигини чизинг.

329°. Актив наг­руз­ка­ли электр занжир P (244- расм) да­ги ўз­га­рув­чан ток қув­ва­ти гра­фи­гидан фой­да­ла­ниб, ўз­га­рув­чан ток­нинг ҳақиқий қий­ма­ти


то­

пинг, бунда I_m — ток­нинг ам­пли­ту­даси.

330. 245- расмда ста­нок истеъмол қи­лаётган ўз­га­рув­чан қув­ват гра­фи­ги берилган. Ста­нок­нинг иш­ла­ши учун қан­дай қув­ват­ли дви­га­тель тан­лаш керак?



244- расм.




245- расм.

§ 42. Ўзгарувчан ток занжиридаги индуктивлик ва сиғим. Резонанс

331. Ўзгарувчан ток занжирига уланган ғалтакдаги кучланиш ва ток графиклари 246- расмда берилган. 1. Токнинг частотаси,


2-о Индуктив қаршилик катталиги, 3°. Ғалтакнинг индуктивлиги аниқлансин. 332. Аввалги масалада ғалтак ўрамлари сонини ошир-/ и



246- расм.

ганда 246- расмдаги графикнинг кўриниши қандай ўзгаради? Ток частотасини оширганда-чи?

333. Ўзгарувчан ток занжирига уланган конденсаторлар батареясидаги кўчланиш ва ток графиклари 247- расмда кўрсатилган.



247-расм

1. Токнинг частотасини.

2. Сигим қаршилиқнинг катталигини. 3°.

Конденсаторлар батареясининг электр сигимини аниқланг.

334. Қуйидаги ҳолларда: 1. Конденсаторлар батареяси параллел улашдан кетма-кет улашга ўтказилганда;

2. Токнинг частотаси ортганда аввалги масаладаги графикларнинг (247-расм) кўриниши қандай ўзгаради?

335. Кетма-кет уланган актив, индуктив ва сигим қаршилиқлардан иборат электр занжир клеммаларига ўзгарувчан кучланиш берилган. Занжирдаги ток амплитудасининг клеммаларга берилган кучланиш частотасига боғлиқ равишда ўзгариши 30-жадвалда¹ берилган.

30-жадвал

Кучланишнинг ўзгариш частотаси f (Гцларда),	100	120	140	160	180	200	250	300	350	400	500
Токнинг амплитудаси I_m (амперларда) .	5,9	6,7	7,6	8,3	9,0	9,3	9,5	9,0	8,2	7,5	6,3

1. Бу боғланишнинг графигини чизинг.

2. Ҳосил қилинган эгри чизик қандай эгри чизик деб аталади?

3. Кучланиш амплитудаси 14,1 в бўлса, актив қаршилиқ нимага тенг бўлади?

336. Занжирнинг актив қаршилиги катта бўлганда аввалги масаладаги маълумотларга кўра ясалган графикнинг кўриниши қандай бўлади? Занжирдаги актив қаршилиқ кичик бўлганда-чи?


337. Электр занжир кетма-кет уланган чўғланма лампа, индуктивлик ғалтаги, конденсатор ва электр юритувчи куч манбаидан тузилган.

Резонанс бўлганда кучланиш ва токнинг вақт давомида қандай ўзгаришини кўрсатувчи графикни схема-тик равишда чизинг.

¹ 30-жадвалдаги маълумотлар мактаб универсал трансформаторининг 12 вольтли ғалтаги ва электр сигими 58 мкф конденсатор билан қилинган тажрибадан олинган (Н. М. Шахмаев ўлчашларига асосан).

338 Индуктив киршилик ўзгарувчан кучланиш частотасига тўғри пропорционал, сиғим қаршилиқ эса ўзгарувчан кучланиш частотасига тескари пропорционал эканлиги маълум.

1. Бу қаршилиқларнинг ўзгарувчан кучланиш частотасига боғланиш графикларини схематик равишда чизинг.




2. Графикда занжирга индуктивлик ва сиғим билан кетма-кет уланган ўзгарувчан кучланишнинг резонанс ҳодисаси рўй берадиган частотасини белгиланг.

339. Магнит майдонида айланувчи то-роидда бир-бирига нисбатан 120° га силжитиб ўралган учта чулғам бор (248- расм). Бу чулғамлар ҳар бир фазага бир хил на-грузка" берувчи уч симли линияга уланган.

1. Ҳар бир фазада ток катталиги ўзга-ришининг графигини чизинг.

2. Вақтнинг ҳар бир пайтида линиядаги тоқлар йиғиндисини нимага тенг?

340°. Трансформаторнинг ташқи характеристикасини олишда 31- жадвалда ёзилган маълумотлар олинган (249- расм).



249-расм.

1. 31-жадвални трансформатор фойдали иш коэф-фициентининг нагрузкага боғланишини аниқлаш учун лозим бўлган маълумотлар билан тўлдинг.

31- жадвал

Шарҳ	Ўлчанган			Ҳисобланган	
	$P, (\text{Вт})$	$I, (\text{А})$	$V, (\text{В})$	$P, (\text{Вт})$	$\eta, (\%)$
Салт ишлаш . . .	24	0	245		
Г лампа	170	0.5	239		
2 лампа	290	1.1	232		
3 лампа	400	1.65	226		
4 лампа	550	2.3	225		

2. Бу боғланишнинг графигини чизинг.
 3. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:
 а) Трансформаторнинг иккиламчи чулғами туташмаган (узук) бўлса, трансформатор электр энергияни истеъмол қиладими?
 б) Нагрузкали трансформаторда қувват нимага сарф бўлади? (Мумкин бўлган ҳолларни санаб беринг.)
 341. Кетма-кет уйғотишли электр двигателнинг ишлаш режимини ўрганишда (масалан, тикув машинасининг электр двигателини) двигатель фойдали иш коэффициент η нинг нагрузка P га боғланиши 32-жадвалда берилган.

32-жадвал

Нагрузка P (вт ларда) .	5	17,2	26,6	35,8			45,9	51,5
					40,5	45,6	48	
Фойдали иш коэффициенти η (процентлар- да)	9	25,9	38	46,2				43,6
					49	50,6		

Бу боғланишни график равишда кўрсатинг. 342. 33-жадвалга кўра теплоэлектроцентрнинг энергетик диаграммасини чизинг. -

33-жадвал

	Ёқилғи энер! ияси- дан фойдаланиш проценти
Фойдали электр энергия . . .	17
Теплофикация ва ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган иссиқлик . .	60
Трубопровод ва турбогенераторда иссиқлик исрофи	9
Кул ва шлак билан кетадиган ис- сиқлик исрофи	4
Ишлаб бўлган тутун газлари билан кетадиган иссиқлик исрофи	10

XVIII боб. ЭЛЕКТР ТЕБРАНИШЛАР ВА ЭЛЕКТРОМАГНИТ ТЎЛҚИНЛАР

Бу бобда асосан контурлар ва радиосхемалардаги электр тебранишларни ўрганиладиган асбоб электрон осциллоскопдан фойдаланишга боғлиқ машқ ва маса-

лалар берилган, Бундан ташқари электр, контурда энергиянинг бир турдан иккинчи турга айланиш ходисалари ҳам кўриб чиқилади. Ўрта мактабда энергиянинг бир турдан иккинчи турга айланишини миқдор жиҳатдан фақат графиклар ёрдамидагина ўрганиш мумкин.

§ 43. Электр тебраниш контури. Тўғрилагич. Детекторли радиоприёмник

343. Икки контурдаги индуктивлик ва сиғим бир хил бўлиб, контурлардан бирига реостат ҳам қўшилган. Бу контурлардан ҳар бири учун электр тебранишлар графикларини схематик равишда чизинг.

Кўрсатма. Контурларнинг ўзаро индукцияси назарга олинмайди.

344. Ғалтакдаги ток катталигига қараб ғалтак магнит майдонининг энергияси 250- расмда кўрсатилганидек ўзгариб туради.

E

$I_{0\text{ж}}$

3

1,5

0

0,5

1 'КП1


250-расм.

Бу контурга уланган 200 $\mu\text{кф}$ сиғимли конденсатор қопламаларидаги потенциаллар айирмасининг энг катта қийматини топинг,


220 .

345. 251-расмда кўрсатилган схема бўйича электр занжир йиғилган. Бунда C конденсатор B батареядан зарядланади. Агар конденсаторнинг II переключателини / контактдан 2 контактга ўтказилса, конденсатор KBC контурда зарядсизланади.

1. ($ЦС$ занжирни туташтирганда электрон осцилоскоп экранида нима кўринади?



251- расм.




252- расм.




253- расм

2. Агар осцилоскопга I ғалтак ёки $/?$ реостатнинг учлари уланса, асбоб экранида нима ўзгаради?

3. Агар $Я$ қаршилиқ жуда катта (мегом тартибида) бўлса, осцилоскоп экранида қандай манзара бўлади?



254- расм.



255- расм.

346. 1. Тўғрилагични ўрганишда унинг чиқиш клеммалари осцилоскопга уланди. Бунда осцилоскоп экранида 252- расмда тасвирланган манзара ҳосил бўлди. Тўғрилагич қандай схема бўйича тузилган?

2. Агар экранда 253- расмда тасвирланган манзара ҳосил бўлса, тўғрилагич қандай схема бўйича тузилган бўлади?

347. 154-расмда битта ярим даврли тўғрилагичнинг схемаси келтирилган. Агар осциллоскопга AB уч улан-ган бўлса, осциллоскоп экранда нима кўринади? *Сй* уя уланган бўлса-чи? Олинган натижани тушунтириб беринг.

348. Детекторли приёмникда (255- расм) бўладиган қуйидаги процесслар:

1. BC антенна занжирида ва детектор занжиридаги -1 ғалтакда юқори частотали электр юритувчи кучнинг вақт давомида ўзгариш графигини чизинг.

2. О детектор ва T телефон орқали ўтувчи токнинг ўзгариш графигини чизинг.

ОПТИКА ВА АТОМ ТУЗИЛИШИ

ХІХ боб. ЁРУҒЛИК ОҚИМИ ВА ЁРИТИЛГАНЛИК. ЛИНЗАЛАР

Ёритилганликни ҳисоблаш масалаларига бир неча машқлар бағишланган. Бу машқларнинг баъзиларида ёритилганлик қонунлари аён кўрсатилади, бошқаларида эса қуйидаги икки нарса қайд қилинади:

1. Ёруғлик оқимининг миқдори ёруғлик манбаининг қувватигагина эмас, балки йўналишига ҳам боғлиқ бўлади.

2. Ёруғликнинг реал манбаларининг (масалан, электр лампаларнинг) ёруғлик бериш катталиги $\{I_m/vn\}$ бу манбаларнинг қувватига боғлиқ.

Сиртнинг ёритилганлигини ҳисоблашга доир масалалар икки гурппага бўлинади:


1. Биринчи гурппа масалаларида идеал ҳоллар ўрганилади, яъни ёруғлик манбалари нурланаётган ёруғ-лик кучи, бинобарин, ёруғлик оқими миқдори барча йўналишда бир хил деб олинади. Бу масалалар ўқувчиларнинг ёритилганлик қонунларини ўрганишлари биринчи планга қўйилади.

2. Иккинчи гурппа масалалари шундай масалалар-Ии, уларни ечиш учун ёритилганлик қонунларини би-лишдан ташқари, ёруғлик кучи тарқалишининг кутб диаграммаларидан (масалан, чўғланма электр лампалар, люминеСцент лампалар, электр ёйи ёруғлик кучининг тақсимланишининг кутб диаграммаларидан) берилган йўналишдаги ёруғлик кучини аниқлашни бвдliш керак, яъни бу масалаларда фотометрияни тўғри тушуниш учун зарур бўлган энг муҳим қоида—ёруғлик ман-баидан чиқаётган ёруғлик кучининг йўналишга боғлиқ эканлиги қайд қилинади.

Линзаларга бағишланган бйр неча машқларда ўқувчиларнинг линзанинг оптик марказидан буюм ва тасвиргача бўлган масофалар орасидаги функционал боғланишлар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

§ 44. Ёруғлик опци. Ёруғлик манбаларининг

ёруғлик бериши 349. Электр лампанинг бир текисликда барча йўна-лишлар бўйлаб нурланаётган ёруғлик оқими миқдорини аниқлаш учун лампа градусларга бўлинган доира-нинг марказига жойлаштирилган. Доира бўйлаб галь-ванометрга уланган фотоэлемент ҳаракатланади (256-расм). Фотоэлементга тушаётган ёруғлик оқими унинг,-



256- расм.

занжирида электр ток ҳосил қилган. Фототок шгтали-ги фотоэлемент доира бўйлаб ҳар 15° бурчакка силжиганида ўлчаб борилган. Тажриба натижалари 34- жадвалда келтирилган.


*

34- жадвал

Фотоэлементнинг Доира бўйлаб бурчак силжиши (Ф) .	0	151 30 145 [60 1 75					90	105	120 135		150,165		180
Гальванометр стрелкаси курсатган булимлар со-«и (Л ^а)	6,0	6,0	6,0	5,6	5,0	4,5	4,0	4,5	5,2	5,2	5,4	4,2	0

Лампа атрофида ёруғлик оқимининг тақсимланиш графигини чизинг.

350. 257- расмда бўшлиқ лампалар (110 — 120 вольтли) нинг ёруғлик бериши уларнинг қувватига қандай боғланиши ($лм/вт$ ларда) кўрсатилган.



$P \sim 15 \text{ вт} \setminus 25 \text{ вт} \setminus 40 \text{ вт}$ қувватли лампалар учун умумий ёруғлик оқимини аниқланг.

351. 35-жадвалда қуввати турлича бўлган оқ ёруғ-лик (БС) люминесцент лампалар ёруғлик оқимлари-нинг қийматлари берилган:

35- жадвал

Люминесцент лампанинг қуввати F {вт ларда} . .	3	8	10	12	15	20	30	40 80
Ёруғлик оқими F (лм	80	240	320	400	560	800	1400	1920 3600

1. Люминесцент лампаларнинг ўзининг қувватига боғлиқ равишда ёруғлик беришининг графигини чизинг.

2. Ҳосил бўлган графикни бундан аввалги масала шартида берилган график (257- расм) билан солиштиринг.

Бундай солиштиришдан қандай хулоса чиқариш мумкин?


352. 258- расмда берилган эгри чизикдан қуйидаги-лар аниқлансин:

1. Қандай температурада люминесцент лампаларда фойдаланиш тежамлироқ?

2. Температура: а) бинода 25° дан 15° гача камайганда; б) омборда — 5° гача пасайганда люминесцент лампанинг тежамлилиги неча процент камаяди?

353. 36-жадвалга

